

✓ ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИ «КОРРУПЦИЯСИЗ СОҲА»ГА АЙЛАНТИРИЛАДИ 19.

✓ ЯНГИ ТУРДАГИ БИРЖА САВДОЛАРИ ДАВЛАТГА ҚАНЧАЛИК ФОЙДА КЕЛТИРЯПТИ? 16.

✓ АЙРИМ МАХФИЙ ХАРИТАЛАРДАН ЭНДИ ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН 23.

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI



# Mahalla

№ 4 (1856-1859) 2020 йил 23 — 30 январь ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА info@mahalladosh.uz www.mahalladosh.uz

«Молиявий пирамида» – очкўзлар орзуси. У қандай пайдо бўлмоқда? 20.


Энди нотариусга бориш шарт эмас: тизимдаги ўзгаришлар бунга замин яратади 15.

Табиатни тозалигича сақлайлик! 21.

Тухмат ва ҳақорат учун жазо енгиллашади 22.

Жалолиддин Мангуберди ўлими: таҳлиллар, тахминлар, фаразлар 31.

**ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ:**  
«БАРЧАМИЗ БИР ФИКРНИ ЧУҚУР ТУШУНИБ ОЛИШИМИЗ КЕРАК: БИЗ ЎЗ ОЛДИМИЗГА ҚЎЙГАН АНА ШУНДАЙ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР – ЖУДА МУРАККАБ ВА ҲАҚИҚАТАН ҲАМ, УЛКАН МАРРАЛАРДИР» 2-4.



**ҲАЁТБАХШ ИСЛОҲОТЛАР МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИДА ЁРҚИН АКС ЭТАЁТИР** 6.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли қўшма мажлис иштирокчилари! Муҳтарам депутат ва сенаторлар!

Сизлар билан куни кеча бўлиб ўтган тадбирларда парламент палаталарининг келгуси 5 йилдаги устувор вазифалари ҳақида батафсил гаплашиб олдик.

Бугун эса, Бош вазир номзоди ҳамда Ҳукуматнинг яқин ва узок истикболга мўлжалланган харажатлар дастурини кўриб чиқиб, халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимиз раванга учун муҳим қарор қабул қилишимиз керак. Чунки, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг барқарор ривожланиши учун айнан Бош вазир ва у раҳбарлик қиладиган Ҳукумат масъул ҳисобланади.

Биз ўтган 3 йилда давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, барқарор бозор иқтисодиётини шакллантириш ва тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий соҳалар, жумладан, тиббиёт, таълим ва илм-фан йўналишларидаги ишларни такомиллантириш бўйича қатор ислохотларни бошладик.

Маъмурий ислохотлар концепцияси доирасида аввал эгаси бўлмаган соҳаларда 12 та мутлақо янги давлат бошқаруви органлари ташкил этилди, 20 та вазирлик ва идора фаолияти тубдан такомиллаштирилди.

Ижтимоий-иқтисодий соҳанинг устувор йўналишларини ўрта ва узок муддатда жадал ривожлантириш бўйича 3 йилда 30 дан ортиқ концепция ва стратегиялар қабул қилинди.

Ҳукуматнинг, вазирлик ва идоралар, жойлардаги ҳокимлар, бутун давлат бошқаруви тизимининг асосий вазифаси – ислохотлар доирасида қабул қилинган ушбу дастурий ҳужжатлар ижросини қатъий таъминлаш, реал натижадорликка эришишдан иборатдир.

Бу борда олдимизда жуда кўп муаммолар масалалар турибди. Айрим муҳим йўналишларда амалга оширилаётган ислохотларимиз бир текис бораётгани йўқ.

Айниқса, ёқилғи-энергетика, геология, транспорт, қурилиш, йўл қурилиши, тадбиркорлик, аграр тармоқни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, ичимлик суви таъминоти, аҳоли яшаш шароитларини яхшилаш масалаларида халқимиз биздан янада кўпроқ ва аниқ натижалар кутмоқда. Ҳозирча Ҳукумат ушбу соҳалар бўйича зуммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ урдаламоқда, деб айтишга хали эрта.

Жойларда жуда кўпгина муаммо ва масалалар ўз ечимини топиши зарур. Одамларимизнинг талаб ва эҳтиёжлари кун сайин ўсиб бормоқда. Шунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг барча янги аъзоларидан ўзлари масъул ва жавобгар бўлган соҳаларга танқидий ёндашиб, зиммаларидаги вазифаларни самарали бажаришлари талаб этилади.

Бир сўз билан айтганда, амалий натижадорлик ва халқ манфаатларини рўёбга чиқариш ҳар бир Ҳукумат аъзоси фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони бўлиши шарт.

Биз келгуси беш йил учун юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш, солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш, sanoat тармоқлари, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, уй-жой ва коммунал соҳаларни ривожлантириш борасида катта марраларни белгилаб олдик. Жумладан, ялпи ички маҳсулотни қарийб 2 баробар ошириш ёки 58 миллиард доллардан 100 миллиард долларга етказиш зарур.

Инфляция даражасини 5 фоизга камайтириш, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш Ҳукумат, Марказий банк ва барча даражадаги ҳокимларнинг умумий вазифаси бўлиши керак.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар йиллик ҳажмини 10 миллиард долларга етказиш ва экспорт ҳажмини 30 миллиард долларга кўпайтириш керак. Ушбу устувор вазифаларга эришиш учун иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларида аниқ натижаларни таъминлаш талаб этилади. Жумладан, иқтисодиётнинг асосий драйверларидан бири бўлган қишлоқ хўжалигини тубдан ислох қилиш, диверсификация асосида экспорт ҳажмини кескин ошириш, соҳага аграр ва сувни тежайдиган юқори технологияларни жорий этишга қаратилган, узок муддатга мўлжалланган стратегия қабул қилинди.

Энг муҳими, бу ишларимизнинг бош мақсади – фермер ва деҳқонларнинг манфаатдорлигини янада ошириш, қишлоқларда замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ва янги иш ўринлари барпо этишдан иборат.

Бошоқли доннинг ўртача ҳосилдорлигини 75 центнерга етказиш, умумий экин майдонлари таркибида озука экин майдонларини 12 фоизга кенгайтириш лозим.

Мева-сабзавотчилик ва чорвачилик, таъбир жоиз бўлса, қишлоқ хўжалигининг асосий локомотивлари бўлиши керак.

Мева-сабзавотчиликда экспорт ҳажмини 2025 йилда камиди 5 миллиард доллардан ошириш, бунинг учун кооперация ва кластер тизимини жадал жорий этиш, маҳсулотни



сақлаш, ташиш ва қайта ишланнинг яхлит ва замонавий инфратузилмасини ташкил этиш ва янада кенгайтириш лозим.

Чорвачиликни ривожлантириш мақсадида замонавий чорва комплекслари ва оилавий кооперациялар барпо этиш, илм-фан ва юқори технологияларга асосланган ҳолда чорва наслини 60 фоизга яхшилаш учун барча чораларни кўриш зарур.

Озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида Ҳукумат олдида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини келгуси беш йилда 2,5 баробар ошириш вазифаси ҳам турибди.

Глобал шароитда, айниқса, минтақамизда йилдан-йилга камайиб бораётган сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича кечиктириб бўлмас чораларни кўриш талаб этилади.

Келгуси беш йилда суғориладиган ерларнинг камиди 30 фоизга томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш ва бошқа сув тежайдиган технологияларни жорий этиш зарур. Шунингдек, сув ҳисобини юритиш тизимини татбиқ қилиш ҳамда сув балансини мунтазам равишда олиб бориш керак.

Давлат-хусусий шериклиқни кенг жорий этиш ҳисобидан сув иншоотлари эксплуатация ва инвестиция харажатларини камда 15 фоизга қисқартириш чораларини кўриш лозим.

Замонавий технологиялар ҳисобидан рақобатдош ва илғор қишлоқ хўжалиги техникаларини етарли даражада ишлаб чиқариш орқали фермер ва кластерларни техника билан таъминлаш кўрсаткичини ҳозирги 45 фоиздан камиди 70 фоизга етказиш зарур.

Бу борда импорт қилинаётган маҳсулотларни ўзи-

мизда ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг таъки бозорларга чиқишини алоҳида назоратга олиш керак.

Иқтисодиётни жадал ривожлантириш йўлидаги энг катта хавф-хатарлардан яна бири – бу нефть-газ ва энергетика тармоғидаги мавжуд муаммолар билан боғлиқ.

Ҳукумат бу соҳаларни трансформация қилиш, уларга хусусий секторни фаол жалб этиш, ҳисоб-китобни жой-жойга қўйиш орқали ортиқча йўқотишларни тўлиқ қисқартириш ва талон-тароғликларнинг олдини олиш бўйича таъсирчан чораларни кўриши зарур.

Нефть-газ соҳасида 2025 йилда ёқилғи маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 5,2 миллион тоннага ошириш, бунинг учун бу йил 4,1 миллиард долларлик 5 та объектни ишга тушириш керак.

Келгуси беш йилда электр энергияси ишлаб чиқариш камиди 80 миллиард килловат соатга етказиш, шунинг камиди 20 фоизини қайта тикланадиган энергия манбалари ҳисобидан таъминлаш талаб этилади. Шунингдек, 2020 йилда электр энергияси бўйича 7 миллион, 2022 йилда табиғий газ бўйича 3,5 миллион истеъмолчиларни ҳисобга олиш ва уларнинг автоматлашган назорат тизимига уланишини таъминлаш учун Ҳукумат зарур чора-тадбирларни кўриши керак.

Мамлакатимизда мавжуд табиғий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш учун барча амалий чораларни кўришимиз зарур. Бунинг учун Ҳукумат геология соҳасини тубдан ислох қилиш бўйича қабул қилинган дастурий ҳужжатлар ижросини тўлиқ бажариши шарт.

Тоғ-кон соҳасида амалга

оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар ва йирик инвестиция лойиҳалари ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2025 йилгача 1,5 баробар кўпайтириш лозим.

Мавжуд хомашё базасини тўлиқ сафарбар этиш, чет элдан олиб келинаётган маҳсулотларни ўзимизда чиқариши кўпайтириш, экспорт ҳажмини ошириш ҳисобидан қурилиш материаллари ишлаб чиқариши шу даврда 3 баробар кўпайтириш энг муҳим вазифалардан биридир.

Тўқимачилик ва чарм-по-йабзал sanoati соҳаларида маҳаллий хомашёни тўлиқ қайта ишлаш ва экспортни кескин ошириш зарур. Бу борда 2025 йилда тўқимачилик ва чарм sanoatiда юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариши 4-5 баробар ошириб, 8 миллиард долларлик экспортни таъминлаш керак.

Юқори технологиялар асосида электротехника sanoatinини жадал ривожлантириш, маиший техника ва sanoat электр ускуналари, кабель маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпайтириш лозим. Бунинг учун бу йил ишлаб чиқариш 1,5 баробар ошириб, экспорт ҳажмини 2022 йилгача 500 миллион долларга етказиш талаб қилинади.

Автомобиль sanoatiда 2023 йилгача енгил ва юк автомобиллари ҳамда автобуслар ишлаб чиқариш ҳажмини 360 минг донага етказиш, шундан камиди 100 минг донасини хориққа экспорт қилиш соҳа масъуллари учун асосий вазифа бўлади.

Кимё sanoatiда нафақат мавжуд минерал ўғитлар ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, балки

(Давоми 3-4 саҳифаларда)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ



(Давоми)

Бошланғичи 2-саҳифада)

полимер, кичик тоннажи кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кенг йўлга қўйиш керак.

Хукуматдан чет эл инвесторлари билан бирга табиий газни чуқур қайта ишлашга қаратилган янги йирик лойиҳаларни амалга ошириш талаб этилади. Шунингдек, Хукумат кимё саноатини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаб, тармоқда минерал ўғит ишлаб чиқариш улушини 76 фоиздан 33 фоизга камайтиришни ўзи учун асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб олиши лозим.

Фармацевтика соҳасида келгуси 5 йилда маҳаллий дори воситалари ишлаб чиқариш ҳажмининг ички бозордаги улушини 45 фоиздан 70 фоизга ошириш ва экспортни 100 миллион долларга етказиш зарур.

Биз ҳорижий туристлар сонини 12 миллион нафардан ошириш вазифасини белгилаб олганмиз. Буни амалга ошириш учун, биринчи навбатда, инфратузилмаларни яхшилаш, меҳмонхоналар сонини кўпайтириш, транспорт тармоқларини ривожлантириш ва хизматлар сифатини юксалтириш Хукумат ва ҳокимликларнинг асосий диққат-эътиборида бўлиши лозим.

Юқорида айтилган барча режаларни рўёбга чиқариш ҳисобидан ишсизликни 7 фоизга камайтириб, йилга камида 500 мингта иш жойи яратиш, аҳоли даромадини 2 баробар ошириш – янги Хукумат олдидаги муҳим вазифадир.

Ижтимоий соҳадаги ислохотлар ҳам Хукумат олдидаги аниқ вазифаларни қўймоқда. Жумладан, аҳолининг ўртacha умр кўриш давомийлигини ҳозирги 74,6 ёшдан 76 ёшга

етказиш ва гўдақлар ўлими кўрсаткичини ҳозирги 10 промиллдан 1,5 баробар камайтириб, 7 промиллега тушириш лозим. Ўлим кўрсаткичини саратон касаллиги бўйича ҳозирги 73 фоиздан 65 фоизга, юрак-қон томир касалликлари бўйича эса бугунги 41 фоиздан 30 фоизга тушириш устида соғлиқни сақлаш вазирлиги жиддий чора-тадбирлар кўриши керак.

Бундан ташқари, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, йўл инфратузилмасини ривожлантириш каби оғир ҳаётнинг масалаларини узил-кесил ҳал этиш лозим.

Шу билан бирга, зарур шарт-шароитларга эга бўлган уй-жойларда яшайдиган аҳоли сонини 65 фоизга етказиш устувор йўналишлардан бириндир. Бу борада Хукуматдан, ипотека кредити беришнинг янги тартибига биноан, хусусий пудрат ташкилотларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламиди қўллаб-қувватлашнинг аниқ механизмларини жорий этиш талаб этилади. Бу масала бўйича барча вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг масъулиятини ошириш зарурлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Иссиклик таъминоти соҳасида жорий йил Тошкент шаҳрида, 2022 йилга қадар Наманган, Жиззах, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш зарур.

**Барчамиз бир фикрни чуқур тушуниб олишимизга керак: биз ўз олдимишга қўйган ана шундай устувор вазифалар – жуда мураккаб ва ҳақиқатан ҳам, улкан марралардир.**

Шу билан бирга, вақт ўтгани сайин дунё ҳам ўз

гармоқда, одамларимизнинг яхши яшашга бўлган талаблари ҳам ортиб бормоқда. Энди кечаги натижа билан халқимизни рози қила олмаيمиз. Бугунги кун ҳар қандай ислоҳотларни амалга ошириш учун янги ислоҳотларни, янгилик яратишни талаб этмоқда. Фақат ана шундай талаблар асосида иш олиб бориб, халқимизнинг ҳаётини яхши томонга ўзгартириш мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси ушбу вазифалар ижросини тўла таъминлаш учун иш услубини тубдан такомиллаштириши, ўз фаолиятини самарали ташкил этиши керак.

**Биринчидан, Хукумат конун, фармон ва қарорлар ижросини тўғри ташкил этиб, амалга ошириладиган ислохотларнинг ҳар бир туман ва кишлоққа, ҳатто одис ва чекка ҳудудларгача етиб боришини таъминлаши зарур.**

Биз қанча мукамал конун, фармон ва қарорлар қабул қилмайлик, агар улар жойларда етарлича амалга оширилмаса, шунча меҳнат ва сарф-ҳаракатимиз натижаси сезилмай қолаверади. Шунинг учун вазирлик ва идоралар ҳамда жойлардаги ҳокимликлар ишини оқилона ва самарали йўлга қўйиш Вазирлар Маҳкамасининг бош вазифаси бўлиши лозим.

**Энди ҳар бир топшириқнинг ижро этилгани қоғозга қараб эмас, эришилган пировард натижага қараб баҳоланади.**

Шу боис, барча даражадаги ижро органларида интизомни кучайтириш, белгиланган вазифа ва топшириқлар натижадорлигини танқидий таҳлил қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш зарур. Бунда Вазирлар Маҳкамаси

ва Ҳисоб палатаси бир ой муддатда ижронинг назорат қилиш борасидаги ёндашувларини тубдан такомиллаштириши лозим. Вазирлик ва идораларнинг қуйи тузилмалари билан биргаликда фаолияти устидан вертикал назорат ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

Энг асосийси, Хукумат марказий идораларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда ҳокимликлар билан ҳамкорлигини ва улар ўртасидаги манфаатлар мувозанатини таъминлаш учун масъул ва жавобгар бўлади. Бунинг учун мамлакатимиз даражасида қарорлар қабул қилишда ҳокимликларнинг иштирокини ошириш лозим. Яъни ишлаб чиқилаётган қарор лойиҳаларини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳам келишиш тартибини кўриб чиқиш мақсада мувофиқдир.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтмоқчиман, ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги ва маънавий ҳаётга оид конун ҳужжатлари ижроси билан боғлиқ барча муаммолар ўз ечимини Хукумат даражасида топиши керак. Хусусан, туристлар оқимини кўпайтиришда ҳаво, темир йўл транспорти ҳаракатларини камайтириш, билетлар нархини арзон қилиш, йўллар сифати ва инфратузилмасини яхшилаш каби катор муаммолар мавжуд. Уларнинг ечимини юзасидан Туризм қўмитаси ва Транспорт вазирлиги ўртасида ягона сиёсат ва ёндашув бўлиши керак.

Ёки инвестиция кiritиш ва унга тўсик бўлаётган турли муаммолар бир вақтда муҳокама қилиниб, ўша жойнинг ўзида уларнинг ечимлари топилиши зарур. Шу боис, Хукумат аъзолари энг долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ҳафтада камида бир марта йиғилиб, халқимизни қийнаган муаммоларни ўртага ташлаб, юзма-юз ўтириб, муҳокама қилишлари, уларнинг ечимини тезкорлик билан, аҳил ва яқдил жамоа бўлиб ҳал этиб боришлари мақсада мувофиқдир.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган, лекин йиғилмасдан ва реал муҳокама ўтказмасдан қарор қабул қила-

моатчилик фикрини мунтазам равишда ўрганиб бориши керак. Шу билан бирга, электрон портал, ижтимоий тармоқларда махсус саҳифалар ташкил этиб, аҳоли билан «қайта алоқа» тизимини йўлга қўйиш лозим.

**Иккинчидан, ҳар бир ижро органи ўзи масъул бўлган соҳани ўрта ва узоқ истикболда ривожлантириш бўйича аниқ режа ва дастурларга эга бўлиши зарур.**

Афсуски, ҳозирги кунда ҳамма раҳбарлар ҳам бу талабни тўлиқ тушунаётгани ва аҳамиятини чуқур англаб етаетгани йўқ, десак, бу ҳам тўғри бўлади. Аксарият мутасаддилар муаммоларнинг ўз вақтида олдини олиш ўрнига, бор куч ва ресурсларни уларнинг оқибатларини бартараф этишга самарасиз сарфламоқда.

Энди иш фаолиятини фақат ишхонасида ўтказган ва қўғозликка берилиб, амалий натижани кейинги ўринга тушириб қўйган раҳбарлар билан хайрлашамиз. Қонунчилик палатаси депутатларидан ҳам Вазирлар Маҳкамаси янги таркибини кўриб чиқишда ушбу масалаларга алоҳида эътибор беришларини сўраган бўлар эдим.

Тармоқ ва ҳудудлар раҳбарлари фаолиятини самарали ташкил этиш учун замонавий менежмент тизимига ўтишимиз лозим. Вазирлик ва идоралар раҳбарлари иш услубини ўзгартириб, масъулият ва жавобгарликни ўз зиммасига олишини ўрганиши керак.

Аҳоли ва тадбиркорлар муаммоларини ҳал этиш бўйича янги ташаббусларни илгари суриб, уларни ҳаётга жорий этиш раҳбарлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонига айланиши лозим.

Ўз вақтида хал қилинмаган муаммолар жойлардаги аҳоли кайфияти ва турмуш шароитига салбий таъсир кўрсатишини бир сония бўлса ҳам унутмаслигимиз зарур.

Бош вазир ва Хукумат аъзоларидан бошлаб ижро ҳокимияти органларининг барча даражадаги раҳбар ва ходимлари фаолиятига натижадорлик мезонлари (KPI) асосида баҳолаш тизимини жорий этиш мақсада мувофиқдир.

Ушбу тизимни халқаро рейтинг ва индекс кўрсаткичлари билан уйғунлаштириш талаб этилади. Бинобарин, улардаги баҳолаш мезонларининг барчаси халқимизнинг мушкуллини осон этишга хизмат қилади. Ахир, биз учун энг муҳим, айтиш мумкинки, бирламчи вазифа айнан шу эмасми?

(Давоми 4-саҳифада)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ



(Давоми)

Бошланғич 2-3-саҳифаларда)

Мисол учун, Жаҳон банкнинг ўтган йилги «Давлат бошқаруви индикатори»да мамлакатимиз 5 та кўрсаткич бўйича ўз ўрнини яхшилади. Бунга эришиш учун халқ дардини эшитадиган, унинг оғирини енгил қиладиган самарали тизим яратди, матбуот эркинлиги ҳамда давлат идораларининг аҳоли олдидagi ҳисобдорлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотларни бошлади.

Бундан фойда бўлди? Албатта, фойда бўлди.

Ёки яна бир мисол, 2 та солиқ турини бирлаштирганимиз «Бизнес юритиш» рейтингининг солиққа тортиш йўналишидаги кўрсаткичимиз яхшиланшига сабаб бўлди. Бундан ким кўп манфаат кўрди? Албатта, тадбиркор ва ишбилармонларимиз. Чунки солиқ ўлаш шакли ва жараёнлари кескин соддалашди.

Шунингдек, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини комплекс баҳолаш тизимини яратиш мақсадида Худудларнинг ривожланиш индекси ишлаб чиқиши лозим. Ҳукумат мазкур индекс асосида худудларга оид сиёсатни белгилаши, маҳаллий бюджетларга молиявий кўмак бериш ҳамда раҳбарларни рағбатлантириш масалаларини пухта кўриб чиқиши керак.

Хусусан, тадбиркорликни ривожлантириш учун қайси худудда инфратузилма етишмаяпти, қайси худудга кўпроқ банк ресурслари ва субсидиялар керак, деган саволларга жавобни ана шу индекс кўрсатиб бериши зарур.

Учинчидан, давлат органлари фаолияти ҳамда амалга оширилаётган ислохотлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши устувор

вазифага айланиши керак.

Ижро ҳокимияти органлари иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳалардаги ислохотлар, қабул қилинаётган ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳамда ижроси ҳақида халқимизга содда ва раво тилда тушунтириш бериб боришлари лозим. Бу борада оммавий ахборот воситаларидан, ижтимоий тармоқлар, веб-сайтлардан кенг фойдаланиш, матбуот анжуманлари, брифинглар, медиа-турлар ташкил этиш зарур.

Шунингдек, Ҳукумат, вазирлик ва идоралар, худудлар раҳбарлари оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда кўтарилган долзарб масалалар бўйича тезкор чоралар кўриши ва уларга принципиал муносабат билдириши лозим. Бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш учун ҳар бир идора ўзининг медиа дастурини ишлаб чиқиши, Вазирлар Маҳкамаси бу масалани ижросини қатъий назоратга олиши зарур.

Ҳар бир вазирлик ва идора маълумотлар очиқлиги фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, ўзининг веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида маълумотларни мунтазам жойлаштириши ва янгиллаб бориши зарур.

Яна бир масала – ҳозирги вақтда қарорлар лойиҳасини электрон портал орқали кенг жамоатчилик муҳокамасига кўйиш тизими ишлаётгани, бу жараёнда халқимиз ўз фикр-мулоҳазалари, таклифи ва ташаббуслари билан иштирок этаётгани ижобий натижа бермоқда.

Жумладан, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига кўйилган 4 мингта яқин қўнун ҳужжатлари лойиҳасига 17 мингдан зиёд таклиф кири-

тилган бўлиб, мингдан ортик ҳужжатлар қайта ишланган.

Шу билан бирга, қабул қилинган қарорларнинг амалда қандай ишлаётганини баҳолаш тизими мавжуд эмас. Вазирлар Маҳкамаси қарорларнинг самардорлиги ва натижадорлиги бўйича аҳоли фикрини ўрганиш тизимини амалиётда қўллаш юзасидан таклиф ишлаб чиқсин.

**Ишончим комил, бундай чора-тадбирлар Ҳукуматни халққа яқинлаштиради. Аини вақтда қабул қилинаётган қарорлар сифати ва раҳбарлар масъулиятини ҳам оширади.**

Тўртинчидан, қўнун чиқаруви ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мутлақо янги босқичга кўтариш ва унинг самардорлигини оширишнинг фурсати келди.

Вазирлар Маҳкамаси парламентга тайёрлаб киритилаётган қўнун лойиҳалари сифатини оширишга жиддий эътибор қаратиши зарур. Ҳукумат, ҳар бир вазирлик ва идора қўнунчиликни янгиллаш ва тизимлаштириш бўйича янги чора иш услубига ўтиши лозим.

Қўнунчилик палатасида қўнун лойиҳалари ҳамкорликда кўриб чиқилишини, Ҳукумат – кўмита – Қўнунчилик палатаси ўртасида фаолият уйғуниши таъминлаш зарур.

Яна бир муҳим масала – ижро ҳокимияти органлари раҳбарларининг Олий Мажлис палаталари олдидagi ҳисобдорлигини янада ошириш керак. Бу борада ҳар йили Давлат дастури ижроси юзасидан Ҳукумат ҳисоботини

эшитиш тизими жорий этилди. Энди ижро ҳокимияти органлари муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан парламент палаталари олдидa мунтазам равишда ҳисобот бериши зарур.

Мазкур ҳисоботлар жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилиши лозим. Бу – қўнун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ўзига хос мулоқот майдони сифатида ижобий натижасини кўрсатишига менда ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Қадрли дўстлар!

Конституцияимизнинг 98-моддасига кўра, Бош вазир номзоди Олий Мажлис Қўнунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини кўлга киритган сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Хабарингиз бор, сайловларда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қўнунчилик палатасида энг кўп, яъни 53 нафар депутатлик ўрнини эгаллади. Ушбу партиядан сайланган депутатларни ҳамда Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг барча аъзоларини ана шундай юсак натижа билан самимий таб-

нинг муҳокаманига тақдим этиладиган номзод ўз фаолияти ва аввалги лавозимларида амалга оширган ишлари билан эл-юртимиз эришган ютуқларга муносиб ҳисса қўшган шахс бўлиши керак.

Биз бу масала бўйича жуда кўп ўйлаб, тегишли маслаҳат ва кенгашлар ўтказдик. Жумладан, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси раҳбарияти ва фаоллари билан ҳам агрофлича маслаҳатлашиб олдик.

Билдирилган барча фикр-мулоҳазаларни инobatта олган ҳолда, мен ушбу ўта масъулиятли лавозимга ҳам амалий соҳада, ҳам марказий идораларда кўп йиллик бошқарув кўникмаси ва тажрибасига эга бўлган, сўнгги уч йил давомида Бош вазир лавозимида фаолият кўрсатиб келаётган Абдулла Нигматович Арипов номзодини тавсия этаман.

Абдулла Арипов бугунги кунда олдимизда турган жуда катта вазифаларни ҳал этишда Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини самарали ташкил этиш, Ҳукумат аъзолари, ҳокимлар ва бошқа раҳбарлар билан бир ёқдан бош чиқариб, барчани сафарбар қилиш салоҳиятига эга эканини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шунинг учун сиз, ҳурматли депутат ва сенаторлардан Ўзбекистон Республикаси Бош вазир лавозимига тавсия этилган Абдулла Нигматович Арипов номзодини қўллаб-қувватлашингизни сўрайман.

Ҳурматли депутат ва сенаторлар!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқин кунларда парламентга тақдим этиладиган Мурожаатномасида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, давлат ва жаҳият қурилиши, суд-ҳуқуқ соҳалари ҳамда халқаро муносабатлардаги энг устувор вазифаларни батафсил муҳокама қилиб оламиз.

Хулоса сифатида шунга таъкидлаб айтмоқчиманки, жонжон Ватанимиз тараққиёти йўлида бир тану бир жон бўлиб, белни маҳкам боғлаб ҳаракат қилиш, бошлаган ислохотларимизни жадал давом эттириш – келгуси 5 йилда Парламент учун ҳам, Ҳукумат учун ҳам гоятда муҳим ва устувор вазифа бўлиб қолади. Шунинг учун барчангизни яқин ҳамкорликда иш олиб боришга чакирман.

Шу йўлда ҳаммангизга сийҳат-саломатлик, фаолиятингизда улкан зафарлар, бахт ва омадлар ёр бўлишини тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

риқлайман.

Партиянинг куни кеча бўлиб ўтган Сиёсий кенгаши мажлисида Бош вазир номзоди кўриб чиқилди ва Президентга тақдим этилди.

Бош вазир лавозимига номзод танлаш ва уни тасдиқлаш ҳақида гап борар экан, албатта, бу ўта мураккаб ва масъулиятли масала эканини барчамиз жуда яхши тушунамиз. Чунки бу лавозимга ҳар томонлама чуқур билим ва катта тажрибага, кенг тафаккур ва замонавий фикрлаш қобилиятига эга бўлган, жонқуяр, ўзига ва бошқаларга талабчан ҳамда ташкилотчи номзод танланиши зарур.

Албатта, турли синовларда тобланган, жавобгарликни зиммасига олишга қодир, одамлар билан тил топиша оладиган, уларнинг ҳурматини қозонган, қисқача айтганда, кўпни кўрган ва жонқуяр инсонни топиш анча оғир ва мураккаб вазифадир.

Шу маънода, бугун Сизлар-

## Сенатор – халқ иродасининг ифодачиси

Орзикул СОАТОВ,  
Олий Мажлис Сенати аъзоси,  
Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сурхондарё вилояти кенгаши раиси ўринбосари:



— Бугун мамлакатимиз синов, туб ўзгаришлар даврини бошдан ўтказяпти. Олдимизда бу ўзгаришларни изчил давом эттириш, ана шу жараёнда халқ ишончини оқлашдек улкан вазифа турибди. Шундай тарихий даврда халқ иродасини ифода этиш — сенатор бўлиш имконияти берилгани зиммамизга катта масъулият юклади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисида сўзлаган нутқини тинглаш баробарида бу вазифанинг аҳамияти ва масъулиятини янада теранроқ англадик. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида: «Сенатор — бу, аввало, халқ ва давлат ишончини қозонган инсон. У чуқур билим, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган, тинимсиз меҳнат қилиб, ташаббус кўрсатиб яшайдиган, халқ манфаатларини доимо биринчи ўринга қўйиб, ўз тақдирини эл-юрт тақдирини билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрадиган шахсдир. Сизларнинг тимсолангизда биз ана шундай етуқ ва фаол шахсларни тасаввур қиламиз», дея таъкидлади. Бу четдан қараган инсон учун Президент томонидан сенаторларга берилган таъриф бўлиб эшитилди. Аммо мен бу сўзларни шунчаки мактов эмас, балки янги давр сенаторига қўйилиши зарур бўлган талаб, дея қабул қилдим.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз бугунги кун талабидан келиб чиқиб, сенаторларнинг бажариши керак бўлган аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Тан олиш керак, бугун юртимизда ечимини кутаётган муаммолар йўқ эмас. Масалан, 2019-2020 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг жиҳозланиш даражаси 79 фоизни ташкил этмоқда. Айни пайтда мамлакат имиджини кўтаришга хизмат қиладиган кадрларга кучли эҳтиёж мавжуд. Яна бир эътиборли томони, меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида ишсизлик даражаси 8,9 фоизни, аёллар ўртасида эса 12,5 фоизни ташкил этади.

Яхшилаб назар солсангиз, бу муаммолар бир-бирига боғлиқ эканини кўрасиз. Биз таълим сифатини яхшилашмасдан туриб, кадрлар масаласини ҳам, ишсизлик муаммосини ҳам тўла ҳал эта олмаيمиз. Таълим-тарбия эса бевосита маҳалла тизими билан боғлиқ. Худудлардаги муаммони маҳалла раисидан кўра яхшироқ биладиган инсон йўқ. Шундай экан, сенаторлар маҳаллалар раислари билан янада яқин, дўстона муносабат ўрнатилиши керак.

Ўз навбатида, йнғин раислари ҳам муаммони айтсам, айбдор бўлиб қоламан, деган эскича дунёқарашдан қутулиши, сенаторлар эса улар томонидан айтилган таклифларни керак бўлса, Ҳукумат даражасида ҳал эта оладиган ШАХСга айланиши керак. Зеро, Президентимиз: «Сенат вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳокимларнинг мақкур чора-тадбирлар ижроси юзасидан ҳисоботини мунтазам муҳокама қилиб бориши лозим. Бу жараёнда ҳисобот шунчаки ҳисобот учун бўлиб қолмаслиги керак. Аксинча ҳисоботлар муҳокамасидан сўнг муайян соҳа ёки ҳудудда аниқ ўзгаришлар бўлиши зарур», дея бежиз таъкидламади.

Шуни ишонч билан айтаманки, эндиликда ҳар биримиз олдимизда турган вазифаларни адо этишини халқимиз ишончини оқлаш, уларнинг оғирини енгил қилиш учун бажаришимиз зарур бўлган бурчимиз, дея қабул қилиб, юртимиздаги ўзгаришларга муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

## «Жон куйдирмасак, одамлар бизни кечирмайди»



Расул КУШЕРБАЕВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида давлатимиз раҳбарининг парламент, унинг аъзолари фаолияти ҳақида куюниб билдирган фикрларини диққат билан эшитдик. Президентимизнинг «Парламент — халқ уйи» деган таърифи нақадар халқчил янграганини таърифлаш мушкул.

Дарҳақиқат, кейинги уч-тўрт йил ичида ҳаётимизга очиклик ва шаффофлик деб аталмиш демократик эпкин кириб келди.

Сайлов жараёнида намоён бўлган очиклик, талабчанлик ва ғоялараро баҳслар Ўзбекистонда ахборот ва сўз эркинлиги,

очиклик, соғлом баҳс, фикрлар хилма-хиллигини ифода қилиш йўлида дадил олға қадам ташлангани билан ҳам бевосита боғлиқ. Ва бу ишлар, аввало, мамлакат раҳбари, ислохотлар етакчиси сифатида Президент иродаси, Президент шиддати билан эканини эътироф қилиб ўтмоқчиман.

Мендан кўп сўрашади: сен илгари қаерда эдинг, бу журъатни, юракни, шиддатни қаердан олдинг, ишонганинг, суянчигинг ким, деб. Ишонганим сайловчилик, журъат ва шиддатни эса давлат раҳбаридан олдим, дейман. Аслида ҳам шундай.

Очиги, Президентимиз 2017 йилнинг июль ойида парламент палаталари қўшма мажлисида биз, депутатларга қарата одамлар билан яқин мулоқот қилиш, сайловчилар билан ҳамфикр бўлиш, оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали чиқишлар қилиб, доимий алоқа ўрнатиш кераклиги ҳақида билдирган таклифлари кейинги фаолиятимизнинг муҳим мезони бўлиб қолди. Масалан, мен ўз фаолиятимда шуни ҳис этдим.

Тан олиш керак: агар давлат раҳбари сифатида Президент иродаси ва ишончи бўлмаганда,

эскича фикрловчи бюрократларга ёкмаган биринчи кескин чиқимданок шаштимни синдириб юборишлари аниқ эди. Буни ҳозирги кунга қадар ҳам қундалиқ иш давомида ҳис қилиб тураман: депутатни кўпчилик мансабдорлар, ҳокимлар ёқтирмайди. Бироқ депутатлик машаққатларини ўз зиммасида синаб кўрган собик депутат, ҳозирда эса ардоқли Президентнинг қатъий ишончи депутатларга бўлган муносабатнинг аста-секин ўзгаришига сабаб бўлмоқда, бизга ҳам сайловчиларни рози қилиш йўлида ҳаракат қилиш, талаш, ториштиш, керак бўлса, шиддат билан интилишга руҳ бағишламоқда.

Сўнгги сайловолди жараёнларидаги мулоқот ва учрашувлар шуни кўрсатдики, агар одамларни рози қилиш йўлида жон куйдирмасак, уларнинг ишончини қозонишга жад қилмасак, халқимиз парламент вакилларини кечирмас экан, келажак ҳам кечирмаса керак. Бу йўлда эса бир қатор вазифаларимиз бор. Давлатимиз раҳбари томонидан қайд этиб ўтилган ана шу устувор вазифалар биз, депутатлар учун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

## Вазифамиз — ғафлатга берилган депутатни уйғотиш



Шухрат ФАЙЗУЛЛАЕВ,  
Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги «Чимбой» маҳалла фукаролар йиғини раиси:

— Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида Президентимиз янги сайланган депутатларга қатор вазифаларни санаб ўтди. Шу билан бирга, бугун халқимизни қийнаётган муаммоларга тўхталиб ўтар экан, уларни баргараф этиш учун зарур кўрсатмалар берди. Айниқса, юрт раҳбарининг: «Хар бир депутат беш йил давомида ўз сўзининг устидан тўлиқ чиқиши, партиясининг обрўсини сақлаши учун бугундан бошлаб жиддий ҳаракат бошлаши керак», деган фикрлари қонун ижодкорларининг сайловчилар ишончини

оқлашида муҳим аҳамият касб этади.

Депутатларнинг ишни пухта ташкил этишида маҳалла фаолларининг ҳам муҳим ўрни бор. Зеро, одамлар қандайдир муаммога дуч келса, аввало, маҳалладан кўмак сўрайди. Бу бежиз эмас, дунёда киёси бўлмаган тузилмада том маънода халқ дарди билан яшайдиган шахслар фаолият юритади. Шу маънода депутатларимиз фаолияти фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан бевосита боғлиқ.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисида ўтган йили мамлакатимиз бўйича жиноят содир этган 47 мингдан ортиқ шахснинг 12 минг нафари ёки 25 фоизини ёшлар ташкил этганини қайд этиб ўтди. Шу билан бирга, бу муаммони ҳал этиш учун Сенатнинг сайёр мажлислари ўтказилиб, бу масала жиддий муҳокама қилинмагани ҳам танқид қилинди. Бу гаплар бевосита фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳам тегишли. Чунки маҳалла тизими сайловчилар ишонч билдирган депутатлар, сенаторлар ва халқимиз ўртасидаги кўприк вазифасини бажаради. Шу маънода Президентимизнинг

ҳар иккала йиғилишида айтган сўзлари, берган кўрсатмалари бизга ҳам тааллуқли деб биламан.

Дарҳақиқат, кескин ўзгаришлар даври ҳеч бир мамлакатда осон кечмаган. Бундай вазиятда ишончини йўқотмаслик, қатъият билан олдинга интилиш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда рўй бераётган туб ислохотлар жараёнида халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини қучайтиришда маҳалла фаолларининг ўрни муҳим. Чунки бироз ғафлатга берилган депутатга сайловчилар олдида ҳисобдор эканини эслатиб туриш ҳам маҳалла раисининг вазифаси ҳисобланади.

Шу ўринда Президентимизнинг: «Бугун биз ҳамма соҳада изланиш ва ўрганишдамиз. Изланиб яшаётган, ўз мақсади сари изчил бораётган инсон ва жамият, албатта, ижобий натижа ҳамда ютуқларга эриша олади», деган сўзларини келтириб ўтмоқчиман. Ҳа, хар биримиз, сенаторлар, депутатлар ва маҳаллий орган ходимлари бирдек юрт равнақи учун изланишдан, ўрганишдан чарчамас эканмиз, халқимиз ва Президентимизнинг ишончига муносиб бўла оламиз.

# Ҳаётбахш ислоҳотлар маҳаллалар ҳаётида ёрқин акс этаётир

**Ф**уқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳудудий кенгашлар аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Видеоселектор шаклида ўтказилган йиғилишда Республика маҳаллалар кенгаши ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан 2019 йилда амалга оширилган ишларга ҳамда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Конституциянинг қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқиб, ҳудудий кенгашлар ҳамда фуқаролар йиғинларининг 2020 йилдаги устувор вазифаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

## Муаммолар уйма-уй юриб ўрганилмоқда

Хусусан, Кенгаш йиғилишида давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 2 апрелдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқени тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғ-

рисида»ги фармонлари ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди.

Жумладан, аҳоли муурожаатлари ва муаммоларини аниқлаш ҳамда ҳал этишда «маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла» принципи асосидаги ҳамкорлик тизимининг жорий этилгани, муаммолар бевосита уйма-уй юриб, кенг жамоатчилик иштирокида кўриб чиқилаётгани бугун ўзининг ижобий натижаларини бераётгани қайд этилди.

«Хавфсиз ҳудуд», «Хавфсиз шаҳар», «Хавфсиз маҳалла» каби концепцияларнинг ҳаётга босқичма-босқич жорий этилаётгани маҳаллаларни том маънода жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришга хизмат қилаётир. Таъкидланганидек, ёшлар онгида «Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак!» деган тушунчани мустаҳкамлаш борасида амалга



оширилаётган бундай комплекс чора-тадбирлар натижасида ўтган йили 3 минг 74 маҳаллада умуман жиноят содир этилмади. Яна 2 минг 856 тасида эса жиноятчилик ҳолатлари камайишига эришилди.

Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлашда кекса авлод вакиллари билан бой ҳаётини тажрибасидан унумли фойдаланиш мақсадида барча фуқаролар йиғинларида «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари ташкил этилди. Жамоат ташкилотлари томонидан маҳаллаларда маънавий-маърифий тадбирларни тизимли ташкил этиш амалиёти йўлга қўйилди.

Бу ўринда, маҳалла ҳодим-

ларнинг самарали фаолият юритиши учун муносиб шарт-шароитлар яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг биринчи 2019 йилда 740 та фуқаролар йиғини бино-си таъмирлангани, 206 таси реконструкция қилиниб, 365 та янги бино фойдаланишга топширилгани, маҳаллий кенгашлар учун 102 та туман ва шаҳарда «Маҳалла маркази» мажмуалари қурилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

## Янги Ўзбекистоннинг янги маҳалласи ҳам бўлиши керак

Кенгаш йиғилишида ташкилий масала кўрилди. Шу вақтга

қадар республика кенгаши раисининг биринчи ўринбосари — «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раиси лавозимда ишлаб келган Шавкат Жавлонов бошқа ишга ўтгани сабабли лавозимидан озод этилди. Эндилдида Ш.Жавлонов ўз фаолиятини Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раисининг ўринбосари вазифасида давом эттиради.

Йиғилишда шу пайтга қадар Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи лавозимда ишлаб келган Раҳмат Маматов Республика маҳаллалар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари — «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раиси лавозимига тасдиқланди.

Шунингдек, тадбирда маҳалланинг ижобий тажрибаларини халқаро майдонда кенг тарғиб қилиш, салбий иллатларнинг олдини олишда унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш, яқин қариндошлар ўртасида никоҳга йўл қўймаслик ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш каби масалалар атрофида кўриб чиқилди. Ўз навбатида, янги Ўзбекистоннинг янги маҳалласи бўлиши кераклиги, унинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳам янги бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.Қосимов иштирок этди.

Мухбиримиз.

## Барча бирдек масъул

**П**ойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги «Мумтоз» маҳалласида вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тадбир бўлиб ўтди.

Унда маҳалла фаоллари, Президентнинг тумандаги Халқ қабулхонаси, ИИБ, солиқ бўлими раҳбарлари, Ёшлар иттифоқи вакиллари иштирок этди.

— *Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига бағишланган бундай тадбирларнинг доимий равишда ўтказиб келинаётгани яхши самара бераётир, — дейди маҳалла раиси Солиҳжон Акбаров.* — Йиғилишларда ҳар бир соҳада бу бўйича олиб борилаётган ишлар соҳа раҳбарлари иштирокида таҳлилий муҳокама этилиб, нуқсонларнинг юзага келиш сабаблари аниқланмоқда. Навбатдаги тадбирда ҳам камчиликларнинг илдизларини аниқлашга асосий эътибор қаратилди. Нуқсоннинг илдизини аниқлаганча, уни бартараф этиш осон кечади.

Соҳа мутахассислари иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб берди.

Мухбиримиз.

## Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди



**Х**аёт синовлари ёлғизлатиб қўйган кексалар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оила вакиллари кўпроқ меҳр ва эътиборга муҳтож бўлишади. Халқпарвар давлатимиз, меҳрибон халқимиз эса бундай инсонларни ҳеч қачон ўз ҳолига ташлаб қўймайди.

Тошкент вилояти Пискент туманидаги «Митан» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган «Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш — одамийликнинг энг олий мезонидир» шиори остидаги хайрия тадбири ҳам сўзимизни исботлайди.

Республика маҳаллалар кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбир давомида ҳудуддаги «Бекобод», «Мўминобод», «Майлиобод», «Бирлик», «Мингтепа», «Янгиобод», «Лола арик», Ойбек ва Навоий номи

маҳаллаларда яшовчи кексалар, кам таъминланган оила вакиллари, ўзгалар кўмагига муҳтож фуқаролар бепул тиббий кўриқдан ўтказилиб, 23 турдаги дори-дармон, гигиеник воситалар ва тиббий ускуналар билан таъминланди.

— *Бугунги тадбирдан маҳалламиз аҳли жуда мамнун бўлди, — дейди «Митан» йиғини раиси Гулбаҳор Эргашева.* — *Айниқса, бепул тиббий текширувда кўлаб фуқароларимиз мутахассислардан керакли маслаҳат ва тавсияларни олишди. Республика маҳаллалар кенгаши раиси ўринбосари Б.Партиев, Пискент тумани ҳокими Ш.Аҳмедов иштирокида ташкил этилган сайёр қабулда эса улар ўзларини қийнаётган муаммоларига ечим топишди. Хусусан, тадбир давомида 14 нафар фуқаронинг муурожаати тингланди. Унда 19 та масала жойида бартараф этилиб, 2 нафарининг муаммоси бўйича масъулларга тегишли вазифалар берилди.*

Шунингдек, тадбир доирасида йиғинлар раислари ҳамда масъул котиблари учун ўқув-семинар ҳамда 4-умумтаълим мактабида «Кексалар маърифати» соати ўтказилди. Ўндан зиёд катта-кичик ташкилотлар қатнашган бўш иш ўринлари ярмаркасида эса 25 нафарга яқин фуқаронинг бандлиги таъминланди.

С.ЭШМУРОВО.

## Фахрийлар — эъзозда

**П**ойтахтимизнинг Сергели туманидаги «Кубай-Тепа» маҳалласи фаоллари томонидан «Уч авлод учрашуви» ташкил этилди.



Унда афғон уруши ва меҳнат фахрийлари, ёшлар, маҳалла фаоллари иштирок этди. Нурунийлар йигит-қизларга уруш хотираларидан сўзлаб берди. Ватанга сикдидилдан хизмат қилиш, унинг тинчлиги ва осойишталигини кўз қорачигидек асраш лозимлиги таъкидланди.

— *1981-1984 йилларда Афғонистонда ҳарбий хизматни ўтаганман, — дейди «Кубай-Тепа» маҳалласида яшовчи Муроджон Халилов.* — *Хизматдошларимиз билан жуда аҳил эдик. Бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилардик. Бугун уша йилларнинг ҳар соғияси хотирамида жонланди. Марҳум дўстларимизнинг пок номига бўлган бундай эътибордан бошимиз кўкка етди.*

Тадбир давомида мактаб ўқувчилари томонидан турли сахна кўринишлари, бадий чикишлар намойиш этилди.

Ғулом ХИДИРОВ  
«Mahalla»

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Ҳукумат аъзоларини тасдиқлади.

# Халқ қабулхонаси халқ учун хизмат қилади

**Д**авлатимиз раҳбари сиёсатининг асоси бўлган халқ билан мулоқот тизими аҳоли манфаатларини таъминлаб, одамларнинг ҳаётга, давлатга ишончини мустақамламоқда. Бугун Халқ қабулхоналари фаолияти айна шу тизимнинг самарадорлигини ошираётир.

## Бу ерга келган одам барча саволларига жавоб топади

— *Хабарингиз бор, яқинда Тошкент шаҳри Бунёдкор شوҳ кўчаси 2-уйда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонасининг янги биноси фойдаланишга топширилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси мутахассиси Лазиз Маҳмудов. — Бу ерда аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш эҳтиши, мурожаатларни кўриб чиқиш ва бажариш учун барча ша-*

*роитлар муҳайё. Мутасаддилар томонидан фуқароларни қабул қилиш хоналари, Давлат хизматлари маркази филиали, «Мадад» нодавлат-нотижорат ташкилоти маслаҳат бюроси, тиббий хизмат, она ва бола хоналари ташкил этилган. Фуқароларимиз ҳуқуқий маълумотлар олиши учун инфокиоскалар ҳамда ҳуқуқий адабиётлар жойлаштирилган.*

Президент Халқ қабулхонаси бир кунда 200 нафаргача мурожаатчига хизмат кўрсатиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари Халқ қабулхонасининг янги биноси-



га ташриф буюриб, яратилган шароитларга юқори баҳо бериб, бу ерга келган одам барча саволларига жавоб топиши лозимлигини, Тошкент бу борада намуна бўлиши кераклигини таъкидлади.

## Ижро натижада акс этса...

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мурожаатни қабул қилиш билан иш якунланмайди. Ҳар бир фуқаронинг мурожаати шу кунлик электрон базага киритилади ва ижрога фуқаро бинодан чиқиб кетгунигача етиб боради. Шу дақиқадан бошлаб, назоратга олинади ва белгиланган вақтда ижроси таъминланишининг чоралари кўрилади.

Яккасарой тумани 51-уй, 17-а хонадонда яшовчи Р.Тожибоева Халқ қабулхонасига мурожаат қилиб, уй-жойга эҳтиёжи борлигини, аммо муаммоси ҳал бўлмаётганини маълум қилди. Сўнгги илнинг сифатида Президентнинг Халқ қабулхонасидан ёрдам сўради. Мутахассислар мурожаатни қонуни доирасида, тез фурсатларда ўрганиб чиқди. Натижада фуқаро уй билан таъминланди.

Ёки Ўртачирчиқ тумани Авангард кўрғони Ибн Сино кўчаси 31-уйда яшовчи Уляна Симнинг «Бунёдкор» маҳалласи «Обод қишлоқ» дастури доирасида Ибн Сино ва Зафар кўчалари ўртасидаги кесилув қисми бўлган 60 метр йўлни асфальт қилиб бериш ҳақидаги мурожаати ижобий ҳал этилди.

## Шикоят қилинаётган давлат органига мурожаатни юбориш мумкин эмас

— *Қонуни талабига кўра, шикоят қилинаётган давлат органига мурожаатни юбориш мумкин эмас, — дейди Л. Маҳмудов. — Лекин фуқаролар кўп ҳолларда ваколатли давлат органларига озғина мурожаат қилади. Жавоб ҳам шундай берилади. Кейин тундан норози бўлиб, бизга*

*келишади. Аслида ваколатли давлат органининг шу масалага муносабатини ёзма тарзда олиши керак. Президент Халқ қабулхонасига келиб тушган мурожаат тегишлилиги бўйича ижрога юналтирилади. Ва улاردан асосли жавоб кутилади. Ҳал бўладими ёки йўқ, деган саволга асосли жавоб талаб қилинади. Энди яна бир нозик жиҳатни айтиб ўтиши керак. Айрим ҳолларда тергов ва суд органларида қўрилайт-*

*босқич унинг ҳуқуқий маслаҳат бюрослари ташкил этилади. Муассаса фуқароларга бевосита ҳамда онлайн режимида бепул ҳуқуқий маслаҳат беради. Ҳуқуқий маслаҳат беришга оид мурожаатларни тахлил қилган ҳолда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқади. Бу нодавлат ташкилотнинг Халқ қабулхоналарида ҳам ташкил этилган фуқароларга янада қулайлик яратади. Келгусида*



*ган ёки қўрилган ишлар устидан шикоятларни кўриб чиқишининг ўзига хос томонлари бор. Гоҳида ҳуқуқий органлар тегишлилиги бўйича ишларни тергов талабидан келиб чиқиб кечиктиради. Нима учун ҳал қилмаётганини ўзи асослаб беради. Чунки бу иш бевосита уларнинг ваколатига қиради.*

## «Мадад» — халққа мадад бўла олади

— *Мазкур нодавлат-нотижорат ташкилоти Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги «Аҳолига ҳуқуқий ахборотни етказиш ва юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра ташкил этилган, — дейди Адлия вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Севара Ўринбоева. — Муассаса аҳолига бепул ҳуқуқий маслаҳат ҳамда амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатади. Ҳар бир туман(шаҳар)да босқичма-*

*«Мадад» муассасасининг кўмағига аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатишининг инновацион тизими яратилади. Мурожаатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатлар қисқаради. Халқ қабулхоналарига келиб тушадиган мурожаатлар сони камайди. Фуқароларнинг ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг вақти тежалади. Жамоатчилик назоратининг самарали шакллари яратилади. Бу орқали аҳолига бепул юридик хизмат кўрсатиш қамрови 50 фоизгача ошади.*

## Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган янги тизим халқимизни ҳаётдан рози қилиш, уларнинг адолат ва давлатга бўлган ишончини оширишга хизмат қилмоқда.

**Хайрулло  
АБДУРАҲМОНОВ  
«Mahalla»**



## МЕНДА САВОЛ БОР...

### Мурожаатлар қанча мuddатда кўриб чиқилади?

— *Мурожаатларни кўриб чиқиш мuddати қанча? Ушбу тартибни бузганлик учун жавобгарлик белгиланганми?*

**Барчиной МАВЛОНОВА,  
Андижон вилояти.**

**Лазиз МАҲМУДОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси мутахассиси:**

— Давлат органига келиб тушган мурожаатлар шу орган томонидан ёки унинг мансабдор шахси томонидан кўриб чиқилади.

Агар ваколат доирасига кирмас, беш кунлик мuddатдан кечиктирмай тегишли органларга юборилиб, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

Уни асоссиз равишда бошқа давлат органларига ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (харакатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган органларга ёки мансабдор шахсларга юбориш таъқиқланади.

Ариза ёки шикоят келиб тушган кундан эътиборан, ўн беш кун ичда, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш,

қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган мuddатда кўриб чиқилади.

Текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин.

Тақлиф бир ойгача бўлган мuddатда кўриб чиқилади. Агар қўшимча ўрганишни талаб этса, бу ҳақда тақлифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кунлик мuddатда ёзма шаклда хабар қилинади.

Мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини бузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда жиноят кодексларига кўра чора кўриш назарда тутилган.

Назира билан Жаҳонгир (исми ўзгартирилган) бир олийгоҳда таҳсил олди. Талабалик йиллари икки ёш бир-бирига кўнгли кўйди. Ўша пайт уларнинг покиза муҳаббатига кўпчилик дўсту дугоналари ҳавас қилар, худди Лайли Мажнунлардек эди. Орадан тўрт йил ўтгач эса, ёшлар ҳаёт ришталарини боғлашга аҳд қилди. Институтни тамомлагач, Жаҳонгир Назирани катта тўй-томоша билан ўз уйига олиб келди. Аммо...

## 31 МИНГ 386 ТА ОИЛАНИНГ АЖРАШИШИГА САБАБ НИМА?

БУ ХАВОТИРЛИ РАҚАМЛАР ОРТИҚЧА ДАБДАБА, БЕКОРЧИ ҲОҶО ҲАВАСЛАРНИНГ «МЕВАСИ»ДИР. АФСУСКИ, БУ КАБИ ЙЛЛАТЛАР ГҮЛДЕК ОИЛАЛАРНИНГ ПАРОКАНДА БЎЛИШИГА, МУРҒАК ГЎДАКЛАРНИНГ ТИРИК ЕТИМ ҚОЛИШИГА САБАБ БЎЛМОҚДА

Кувончли кунлар узокка чўзилмади. Бир куни кечки пайт Назиранинг кўл телефонига бўлган нотаниш кўнгирик катта жанжалга сабаб бўлди. Назира кўнгирик эгасини танимаслигини айтса-да, Жаҳонгирнинг калбидаги шубҳалар таркамади. Бор-бора икки севишган қалблар бир-бирдан совиди. Катталар ҳар канча уринмасин, гулдек оила барбод бўлди.

### Ажралишлар сони 941 тага камайган, лекин...

Тан олиш лозим, сўнги йилларда юртимизда оилаларни мустаҳкамлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, ёшларни катта ҳаётга тайёрлаш, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёлларга кўмак бериш, эрта никоҳлар, ажралишларнинг олдини олиш борасида катор эзгу ишлар амалга оширилди. Бирок, афсуски, килинаётган бу саъй-ҳаракатларга қарамай, мамлакатимизда ажралишлар сони асло камайгани йўқ. Сабаблар ҳам турлича: оддий ҳаётий эътирозлардан тортиб, хиёнат узраовликларгача...

Рақамларга мурожаат қилсак, ўтган 2019 йилда Ўзбекистонда 31 минг 386 та оила бузилди. Бу 2018 йил билан солиштирилганда, 941 тага кам, лекин рақамлар ҳали ҳам хавотирли.

Бу Яраштириш комиссияси, хотин-қизлар кўмитаси, ўрни келса, суд органлари ходимлари ўртага тушиб, қанчадан-қанча оилалар ярашганидан кейин ҳосил бўлган рақам.

### Муаммога ечим керак

— Президентимиз фуқаролар йиғинларидаги Яраштириш комиссиялари фаолиятининг самарасизлигини танқид остига олиб, бу йилдан бошлаб «Йилнинг намунали ёш оиласи» республика танловини ўтказиш, ажралишларнинг олдини олиш мақсадида Хотин-қизлар кўмитаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кен-

гаши, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, «Нуроний» жамғармаси вакиллари билан иборат «Фахрийлар ибратини» маслаҳат кенгаши фаолиятини самарали йўлга қўйишни таклиф этди, — дейди Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова. — Шунингдек, жамиятимиздаги бу оғирлиқ муаммога ечим сифатида республика, ҳудудлар ва маҳаллалар кесимида «Фахрийлар ибратини» маслаҳат кенгашини шакллантириш тақозо этилмоқда. Кенгаш бир неча йўналиш бўйича фаолият юритиши учун унга 30 нафар маҳалла фаолидан ташкил толган ишчи гуруҳларни бириктириш мақсада мувофиқ, «Фахрийлар ибратини» маслаҳат кенгаши жамоатчилик асосида бўлиб, кўплаб вази-фалар, жумладан, Исролда оила, никоҳ, фарзанд тарбияси, эркак масъулияти ва бошқа ижтимоий масалаларнинг таққинини тарғиб этишни фаолиятининг устувор йўналиши қилиб белгилаш таклиф этилади. Биламизки, маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги Яраштириш комиссиялари узок йиллардан буён оилавий низоларни муроса йўли билан ҳал этиш тартиби асосида фаолият юритмоқда. Ўйлайманки, бу борада қилинаётган ишлар самардорлигини янада ошириш мақсадида соҳага янгилик иш услубларини, инновацион усулларни тадқиқ ва татбиқ этиш, оилавий ҳамда

хотин-қизлар тадбиркорлиги ва бандлиги масалаларини тизимли амалга ошириш зарур.

### Оилани ажратишга ота-онанинг ҳаққи йўқ!

Оилавий ажралишларнинг сабаблари юзасидан ўтказилган тадқиқотлар шунга кўрсатмоқдаки, муаммога аксарият ҳолларда ишсизлик, миграция, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тизимининг етарлилик йўлга қўйилмагани сабаб бўлмоқда. Шунингдек, бугун юртимизда жуда кўп оилалар учинчи шахсларнинг (ота-оналар, қариндошлар, қўшнилар) аралашуви билан ажралиб кетмоқда.

— Оила — тарбия ўчоги, фарзандлар ҳаёт илмини ўрғанадиган муқаддас даргоҳ саналади, — дейди пойтахтимиздаги Сирож-Солиҳ жоме масжиди имом-ноиб Шухратжон Қурбонов. — Шу боис бу кўрғон пойдеворида пугур етказиш, уни бузиш муқаддас Ислам динимизда гуноҳ саналади. Ҳатто, эркак кишининг тилидан янрайдиган талоқ сўзидан Аллоҳ таоланинг Арши ларзага келади. Агар икки ёш бир-бирини яхши кўриб, ўзаро тушуниб, «бирга яшаймиз» деган сўз билан, уларга шароит яратиб бериш зарур. Эркак томони ўзига «хотинининг талоқ қил» дейишига, аёл тараф эса қизига «ажрайдим, бўлмаса болам эмасман» дейишига ҳаққи йўқ! Бу шароитдаги собит гап, бугунги шароитдан келиб чиқиб

айтилаётган сўз эмас! Яъни ўғил бола учун хотинини талоқ қилиш, ота-онага яхшилик қилиш доирасига кирамайди. Агар ота-она, «хотинининг талоқ қил, оилангни буз» десаю, боласи «йўқ» деса одобсизлик қилган бўлмайди. Мабодо ота-она «оқ қиламан» деса, оқ қилиши ўтмайди. Мана шу нарсани ҳамма яхши билиши керак. Қолаверса, учинчи шахс аралашуви билан оила бузиладиган бўлса, қонун бўйича жавобгарликка тортилишини тез-тез эсла-тиб туриш лозим. Лекин кези келганда шунга айтиш керак-ки, ўғил ҳам ота-онанинг ҳурмати жойига қўйиши, келин эса қайнота-қайнонасининг дуосини олиши уларнинг икки дунёси учун фойдалидир.

### Келин қачон «прописка»га ўтади?

— Дарҳақиқат, авваллари, кўвнинг яқинлари, айниқса, онаси «эртага уйимга даъво қилиши мумкин», деган нотўғри қараш туфайли янги тушган келиннинг ўша уйга пропискага қўйишига қаршилик қиларди, — дейди пойтахтимиздаги Миробод туманидаги Абдурауф Фитрат номида маҳалла фуқаролар йиғини раиси Манзура Мирзақуллова. — Сўнги йилларда бу масалада анча ижобий ўзгаришлар кузатилди. Жумладан, маҳалламизда янги келин олган кўпчилик қайноналарининг қарашлари ижобий томонга ўзгарди. Аммо бу — тизимда муаммолар тўла бартараф бўлди, дегани эмас. Тан олиш

### ДАРВОҚЕ:

2019 йил юртимиз маҳаллаларида «Ота-оналар университет»лари томонидан ўтказилган машғулотларда 15 минг 644 нафар хотин-қизга сарпо, буюм йиғишга ружу қўйиш, оила бюджетини нотўғри режалаштириш каби мавзулар бўйича тушунчалар берилди.

керак, баъзи оила катталари ҳали ҳам мазкур масалада нотўғри тушуничага эга. Шу боис қиз болани келин бўлиб тушган уйга доимий рўйхатга қўйиш тартибини белгилаш юзасидан тезроқ таклифлар ишлаб чиқиш долзарб бўлиб турибди. Шунингдек, ажралиш жараёнида аёл ва боланинг мулкка бўлган ҳуқуқини ҳимоялаш бўйича қонунчиликка таклиф бериш, ФХДларнинг никоҳнинг ҳуқуқий масъулияти ва оқибатлари борасидаги тарғиботни кучайтириш каби масалалар ҳам ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ.

### Хулоса ўрнида

Этибор берсак, бугун оилавий-маиший зўравонлик оқибатида ажралишга келиб қолган оилалар бўйича алоҳида иш олиб бориш, ишсизлик ва миграция туфайли ажралиётган оилалар улусини таҳлил этиш ва глобализациянинг салбий таъсирини илмий асослаган ҳолда зарур саъй-ҳаракатларни амалга ошириш вақти аллақачон келганини кўрсатмоқда. Шу боис бу масалада алоҳида таҳлилий маълумот тайёрлаб, ҳукуматга тақдим этиш зарур. Бундан ташқари, биламизки, айни пайтда бирламчи тиббий-санитария муассасаларидаги «Аёллар маслаҳатхонаси», вилоят кўп тармоқли болалар марказларидаги «Қизлар саломатлик маркази» каби тузилмаларнинг кизлар ва ёш аёлларни саломатлик, оилавий ҳаётдаги муносабатларга тайёрлашдаги таъсирини кўнгилдагидек эмас. Шу нуқтанга назардан, бу борадаги ишларни янги поғонага, кўтаринг кечиктириб бўлмай-диган вазибалардан бири ҳисобланади.

Саъдулло ТУРСУНОВ  
«Mahalla»


Халқаро математика олимпиадасида ўзбекистонлик ўқувчилар олтин ва бронза медалини қўлга киритди.



# Хусусий мулкка дахл қилганлар жавобгарликка тортилади

ЭНДИЛИКДА ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ОЛИБ ҚЎЙИШГА ЕР ЭГАЛАРИ БИЛАН ОЧИҚ МУҲОКАМА ЎТКАЗИЛГАНИДАН ҲАМДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИНГ ЎРНИ ТЎЛИҚ ҚОПЛАНГАНИДАН КЕЙИН РУХСАТ БЕРИЛАДИ

2019 йил хотирамизда бир қатор ўзига хос воқеалар билан ёдда қолди. Биргина хусусий мулк дахлсизлиги, ер ажратиш, уни хусусийлаштириш масалалари ҳақида сўз борганда, Хоразм, Қашқадарё, Фарғона вилоятларида кузатишган ҳолатлар кўз олдимизда гавдаланади. «Оёғи ердан узилган» айрим раҳбарларнинг эл-улус тақдирига эътиборсизлик билан ёндашуви аҳолининг ҳақли эътирозига, норозилигига сабаб бўлди.



инсон омили аралашувисиз ўтишини таъминлаётир, — дейди Давлат активларини бошқариш агентлиги хузуридаги «Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази» ДУК директори в.б. Муҳиддин Ходисаев. — Авваллари аукцион ғолиби ҳокимнинг ер участкаларини ажратиш тўғрисидаги қарори имзола-нишини айрим ҳолларда 3-6 ой давомида кутишига тўғри келарди. Эндиликда бу борада ҳам қулайлик яратилиб, элект-рон аукцион натижалари бў-йича баённома ғолибининг ерга бўлган ҳуқуқини ҳокимнинг қа-рорисиз рўйхатдан ўтказишга асос бўлмақда.

Давлатимиз раҳбари: «Ҳақиқий раҳбар, ҳақиқий етакчи одамларнинг бардошини синаш учун эмас, балки уларга муносиб шарт-шароит яратиш бериш, оғирини енгил қилиш учун раҳбар этиб тайинланади» деган эди. Кўриниб кетди, бугунги раҳбар талабчан бўлиш билан бирга, мудом халқ дарди, одамлар ташвиши билан ҳам яшаши керак. Афсуски, ўтган йили кузатишган бир қатор ҳолатлар бу борада кўпгина саволларни тугдирди: «Ҳокимлар ҳеч кимдан сўрамай, хусусий мулкни бузишга қанчалик ҳақли?», «Ер ажратишдаги кўзбўямачиликлар қачон барҳам топади?», «Конституцияда белгиланган мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги қаерда қолди?» ва ҳоказо.

қатор саъй-ҳаракатлари билан тизимда янгича муносабатлар ўрнатилди.

Хўш, бу янгиликлар соҳани кай даражада ўзгартиради? Мулк ҳуқуқи амалда таъминланадими? Ер ажратишдаги кингирликларга қандай ечим топилади?

## Ер фақат мулк эгасининг розилиги билан олинади

Соҳадаги ислохотлар, янгиликлар, ўзгаришлар ҳақида сўз борганда, биринчи навбатда, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 13 августдаги «Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини кўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомил-лаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида»ги фармонини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хужжат билан тизимдаги муаммолар счмига қаратилган қатор чора-тадбирлар белгила-ниб, янги тартиб-тамойиллар жорий этилди.

— Фармон билан ерни олиб қўйиш ва компенсация тўла-нини янги тартиби, ер фақат мулк эгасининг розилиги билан олинишига оид қоидалар ҳаёт-га татбиқ этилди, — дейди Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси бўлим бошлиғи Икром Ҳамроев. — Яъни бундан буён давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйишга ер эгалари билан очиқ муҳока-ма ўтказилганидан ҳамда ет-казилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганидан кейин рухсат берилади. Компенсация миқ-дори тўғрисида тарафларда келишмовчилик вужудда келса, энди бундай ҳолатлар фақат суд йўли билан ҳал этилади.

лиги тўғрисидаги қонунларга амал қилмаган мансабдор шахсларга нисбатан, улар қандай лавозим эгаси бўлишидан қатъи назар, жавобгарлик қу-чайтирилгани соҳадаги корруп-ция, сансалорлик, сохта бюрок-ратик тўсиқларнинг баргараф этилишига хизмат қилади.

## Ҳокимларнинг ер ажратишдаги ваколатлари кискартирилди

Тан олиш керак, шу пайтга қадар ҳокимлар ердан фой-даланиш ҳуқуқини беради-гани қарорларни ўзлари қабул қилар, вақти келганда эса уларни ўзлари бекор қилиши ҳам мумкин эди. Энди ана шу ваколатни чеклашнинг фурсати етди. Чунки бундай ваколат фақат ҳокимга берилиши тур-ли адолатсизликларга сабаб бўлишини кўпгина мисоллар кўрсатиб бермоқда.

Шу нукта назардан, 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳо-кимларнинг қатор ваколатлари тегишли халқ депутатлари Ке-нгашларига берилгани ҳам мулк дахлсизлигини таъминлаш йўлидаги жиддий қадамлардан биридир. Эндиликда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини олиб қўйиш ва бир фермер хўжалигиндан бош-қасига ўтказиш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар эгалигида бўлган, улар фойда-ланадиган ер участкаларини жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш бевосита Кенгашлар томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, аввалги ама-лиётда ҳокимларда ер участка-ларини аукцион ўтказмасдан тўғридан-тўғри бериш вакола-ти мавжуд бўлган бўлса, эн-дликда ерлар фақат «Е-ІІRO АUKSION» орқали ажратили-ши қатъий белгиланди.

— Ягона электрон савдо майдончаси аукционларнинг очиқ ва шаффоф тарзда,

## Аукциондан кейин мулк хар қандай шароитда ғолибда қолади

Афсуски, айрим ҳолларда харидорлар мулкни харид қи-либ, пулини тўлаб бўлганидан кейин уни олдинги эгасига қайтармоқчи бўлишди. Бу аввалги тартиб ҳосиласидир. Аммо бундай қилиш учун фақат суд қарори лозим. Янги тартибга кўра, энди аукционда ғолиб бўлган мулкдорнинг мулк қайтарилиши у ёқда тур-син, ҳатто муҳокама қилиниши ҳам мумкин эмас. Энди ким аукционгача бўлган жараёнда хато қилган бўлса, ўша барча зарарни қоплайди, аукциондан кейин мулк хар қандай шароит-да ғолибда қолади.

Ер-мулк соҳасидаги ўзга-ришлардан яна бири — барча юридик ва жисмоний шахслар-га ўзлари эгалланган ер участ-каларини хусусийлаштириш ҳуқуқи берилгани билан бо-глик. Бундан кўзланган асосий мақсад, биринчи навбатда, одамларни мулкдор бўлишга рағбатлантиришидир. Ер участ-каси мулк ҳуқуқи асосида те-гишли бўлганидан кейин унинг ўзи ҳам, устида жойлашган бино ҳам тўлиқ дахлсиз бў-лади. Бу, айниқса, сармоядор-лар учун энг муҳим кафолат ҳисобланади. Энди хар бир фискалор ёки ташкилот ўз ерига шунчаки қулай жойдаги худуд эмас, капитал сифатида қарай бошлайди.

Сирасини айтганда, хусу-сий мулк дахлсизлиги, мулкка эғалик қилинишини шаффоф тизими яратилгани ҳамда ер ажратишда ҳокимларнинг яқ-каҳоқимликда қарор чиқариши каби ҳолатларга чек қўйилгани халқимиз манфаатларига хиз-мат қилади.

Санжар ИСМАТОВ  
«Mahalla»

**ҲОКИМЛАРНИНГ ЕР АЖРАТИШДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ КИСКАРТИРИЛМОҚДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги Фармони билан ҳокимларнинг ер участкаларини ажратиш билан боғлиқ бир қатор ваколатлари кискартирилди.

**1** Ер участкаси фақат «Е-ІІRO АUKSION» орқали ажратилади.

**АВВАЛ** Ҳокимларда ер участкаларини аукцион ўтказмасдан тўғридан-тўғри бериш ваколатлари мавжуд эди.

**ЭНДИ** Бу ваколат батамом тугатилиб, фақат «Е-ІІRO АUKSION» орқали ерлар ажратилиши қатъий белгиланди.

**2** Буш турган ер участкасини ҳокимнинг розилигисиз савдога чиқариш масаласини киритиш ҳуқуқи жисмоний ва юридик шахсларга ҳам берилади.

**АВВАЛ** Буш ер участкалари рўйхати кадастр бўлимига тақдим қилинган ҳоким билан келишди.

**ЭНДИ** Жисмоний ва юридик шахслар буш турган ер участкасини савдога чиқариш бўйича тақлифи ҳокимнинг розилиги-сиз ваколатли органларга тўғридан-тўғри киритиш имконияти яратилди.

**3** Аукцион ғолиби ҳокимнинг ер участкасини ажратиш тўғрисидаги қарорини кутиб ўтирмайди.

**АВВАЛ** Аукцион ғолиби ҳокимнинг ер участкасини ажратиш тўғрисидаги қарорини имзолаганидан айрим ҳолларда 3-6 ой кутар эди.

**ЭНДИ** Электрон аукцион натижалари бўйича баённома ғолибининг ерга бўлган ҳуқуқини ҳокимнинг қарорисиз рўйхатдан ўтказишга асос бўлади.

Россиянинг Томск областида содир бўлган ёнғин юзасидан Ҳукумат комиссияси тузилди.

**Б**угун кенг жамоатчилик орасида энг кўп муҳокамаларга сабаб бўлаётган мавзулардан бири, ҳеч шубҳа йўқки, бу — «Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш киритиш ҳақидаги лойиҳа бўлмоқда. Унга кўра, қонунчиликка Савдо-саноат палатасига мажбурий аъзоликка қабул қилинадиган тадбиркорлик субъектлари доирасини кенгайтиришга қаратилган тузатишларни киритиш таклиф қилинмоқда.



O'ZBEKISTON  
SAVDO-SANOAT  
PALATASI

## ЯНА МАЖБУРИЙ АЪЗОЛИК МАШМАШАСИ: НИМАЛАР БЎЛЯПТИ ЎЗИ?

ТАДБИРКОРЛАР ПАЛАТАГА АЪЗО БЎЛДИ ҲАМ ДЕЙЛИК, ХЎШ, УЛАРГА БУНДАН НИМА НАФ? ПАЛАТА УЛАРГА ҚАНДАЙ ИМКОНИАТЛАРНИ ВАЪДА ҚИЛМОҚДА? БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИНИНГ ИШОНЧИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ОҚЛАНЯПТИ?

Хўш, бу ҳолат нима учун жамоатчиликда салбий кайфият уйғотди? Унинг қандай оқибатлари бор? Умуман, қонунчиликка бундай норманинг киритилишидан кўзланган мақсад-мудло нима?

Маълумки, «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, ҳозирда мажбурий палатага аъзо бўлиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ихтиёрий, бошқа тадбиркорлик субъектлари учун эса мажбурий ҳисобланади. Янги қонун лойиҳасида аъзоликни фақат кичик тадбиркорлик субъектлари учунгина ихтиёрий қилиш таклиф этилмоқда. Қолган барча қорхоналар Савдо-саноат палатасига аъзо бўлиши шарт.



«Аъзолик солиқ каби мажбурий бўлмаслиги керак»

Юқорида таъкидланганидек, қонун лойиҳаси кўпчиликлда норозилик уйғотди, қарши фикрлар талайгина. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Расул Қушербаев бу ҳақда шундай дейди:

«Аъзолик солиқ каби мажбурий бўлмаслиги керак»

Юқорида таъкидланганидек, қонун лойиҳаси кўпчиликлда норозилик уйғотди, қарши фикрлар талайгина. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Расул Қушербаев бу ҳақда шундай дейди:

— Нима бўлганда ҳам, ҳар бир ташкилот ўз вазифасини фуқаролар, тадбиркорларга нисбатан мажбурий инструментларсиз амалга ошириши

керак. Мажбурийлик ота-она ва фарзандлик бурчлари, Ватан ҳимояси учун ҳарбий хизмат, солиқлар каби масалаларда бўлишигина демократик жамиятдаги нормал жараён бўлиши мумкин. Уюшма, жамагарма, кенгаш, умумий айтганда, нодавлат нотижорат ташкилотларга мажбурий киритиш ва тул ундириш демократик тамойилларга мос келмайди.

ноат палатаси шунақа зўр ва керакли ташкилот бўлса, аввал ўзини кўрсатсин, кейин тадбиркорлар ўзлари жон деб унга ихтиёрий аъзо бўлишсин. Аммо ҳеч қим уларни мажбурийламамасин!

— Палатага 2016 йилда бир марта ишим тушган, — дейди тадбиркор Анвар Юсупов. — Нодавлат таълим муассасаси ташкил этиши мақсадида лицензия олиш учун тегишли идорага топширган ариздан муддатни чўзилиб кетганидан сўнг палатага мурожаат қилганим. Бироқ бу ерда ҳам сансалорликка, бюрократизга дуч келдим. Яна бир жиҳат: аъзолик бадалли суммаси жуда юқори. Эндиликда мажбурий аъзолик белгилаш керак эмас.

Бу борада ҳуқуқшунос Хушнудбек Худойбердиевнинг фикрлари эса «аччиқкина». У Савдо-саноат палатаси вакилларига қатор саволлар билан мурожаат қилади:

— Дунёда 200 дан ортиқ давлат бор, уларнинг деярли барчасида тадбиркорлар уюшмалари бор. Айтинг-чи, мана шу давлатларнинг нечасида тадбиркорлар мажбурий Савдо-саноат палатасига аъзо қилинади? Сонини айта оласизларми? Учтами, бештами, ўнтами, элликтами, юзтами, неча давлатда шунақа тажриба бор? Яъни Ўзбекистон бутун дунёда кенг тарқалган амалиётни қўладими ёки 2-3 та давлат қилиб турган йўлдан юрдими?

Мен бунга тиш-тирноғим билан қаршиман ва буни тадбиркорларнинг эркинлигига, хусусий мулк дахлсизлигига қонун йўли билан дахл қилиш, деб ҳисоблайман. Савдо-са-

ноат палатаси шунақа зўр ва керакли ташкилот бўлса, аввал ўзини кўрсатсин, кейин тадбиркорлар ўзлари жон деб унга ихтиёрий аъзо бўлишсин. Аммо ҳеч қим уларни мажбурийламамасин!

— Палатага 2016 йилда бир марта ишим тушган, — дейди тадбиркор Анвар Юсупов. — Нодавлат таълим муассасаси ташкил этиши мақсадида лицензия олиш учун тегишли идорага топширган ариздан муддатни чўзилиб кетганидан сўнг палатага мурожаат қилганим. Бироқ бу ерда ҳам сансалорликка, бюрократизга дуч келдим. Яна бир жиҳат: аъзолик бадалли суммаси жуда юқори. Эндиликда мажбурий аъзолик белгилаш керак эмас.

Тадбиркорларнинг атиги 3,1 фоизи палата аъзоларидир

Маълумотларга кўра, айни пайтда Ўзбекистонда 663 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти фаолият юритади. Савдо-саноат палатаси уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш каби вазифаларни бажаради. Ҳақли савол туғилади: палата бизнес вакиллари ишончини қай даражада оқлаётми? Зеро, бугун палатага ишончсизлик билдираётганлар кам эмас.

Статистик рақамларнинг далолат беришича, Савдо-саноат палатасига шу кунга қадар 20 минг 321 та хўжалик юритувчи субъект аъзо бўлган. Улардан 15 минг 978 таси яқка тартибдаги тадбиркорлар, 218 таси йирик тадбиркорлик субъектлари ҳамда 4 минг 125 таси бошқа юридик шахслардир. Агар юртимизда 663 минг 270 дан зиёд тадбиркорлик субъектлари фаолият юритаётганини ҳисобга олсак, уларнинг атиги 3,1 фоизи палата аъзоларидир.

Маълумки, янги тахрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасида фақат йирик тадбиркорлик субъектларининг мажбурий аъзолиги назарда тутилган, — дейди Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Исом Жасимов.

— Амалиётда ҳам ушбу норма айнан шундай амалга оширилди. Мавжуд 2 минг 313 та ана шундай қорхонадан бор-йўғи 218 таси палатанинг мажбурий аъзоси бўлди, уларнинг аксарияти давлат улуғиша эга.

Қайд этиш керакки, палатага аъзолик ташкилот учун жуда долзарб масала ҳисобланади. Чунки тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш ва яна бошқа қатор ҳаракатлар моддий манбага бориб тақалади. Шу маънода ишбилармон соҳа вакиллари палата аъзолиги учун амалга оширадиган тўловлари асосий молиявий манба саналади. Халқаро миқёсда олиб қараганда, бошқа мамлакатларда ҳам тадбиркорлар уюшмалари нодавлат-нотижорат ташкилот сифатида ўз-ўзини молиялаштиради.

Палата масъулларининг айтишича, қонунга ўзгартириш киритиш зарурати қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларнинг ушбу палатага аъзо бўлишдан бош тортишгани билан боғлиқ. Масалан, янги тахрирдаги қонун қабул қилинганда, аъзолик бўйича 827 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларда йирик қорхоналар ҳам ўзларининг хусусий тадбиркорлик субъекти эканини таъкидлаб, мажбурий аъзолик тўғрисидаги шартнома тузишдан бош торган. Ушбу муаммонинг илдизлари амалдаги қонунчиликда «хусусий тадбиркорлик» деган тушунчага аниқ йўқлиги

билан ифодаланади.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга кўра, кичик тадбиркорлик субъектлари сирасига яқка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар ҳамда кичик қорхоналар кирди. Демак, таклиф этилаётган тахрирда фақатгина қонунда белгиланган мезонларга жавоб берадиган кичик бизнес субъектлари палатага ихтиёрий равишда аъзо бўлиши, қолганлар учун эса мажбурий аъзолик жорий этилади.

Аъзолик қандай имкониятларни тақдим этади?

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: тадбиркорлар палатага аъзо бўлди ҳам дейлик, хўш, уларга бундан нима наф? Палата ўз аъзоларига қандай имкониятларни ваъда қилади?

Энг аввало, палатага аъзо бўлувчи қорхоналарга ҳуқуқий ҳимоя тақдим этилади. Улар мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, солиққа тортиш, боғхона, хўжалик ҳуқуқи, қурилиш каби соҳалар бўйича бепул маслаҳатлар олади. Шунингдек, палата ўз аъзоларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини давлат судлари ва органлари, турли тадбиркорлик субъектлари, хорижий ҳамкорлар билан ўзаро муносабатлар жараёнида ҳам ҳимоя қилади.

Миллий ишлаб чиқарувчиларнинг товарларини хорижий бозорларга, жумладан, палатанинг хорижий ваколатхоналари ва савдо уйлари орқали олиб киришга қўмақлашади. Энг асосийси, Савдо-саноат палатаси хорижлик тадбиркорлар дуч келган муаммоларни ҳал қилиш учун халқаро арбитраж судини ташкил қилиш ҳуқуқига ҳам эга.

\*\*\*

Хуллас, фикрлар хилма-хил, қарашлар турлича... Қайси-дир томон аъзоликка бундай тартибда жалб қилиш тадбиркорлар ҳуқуқларига, қонунларимизга зид эканини таъкидласа, бошқа томон аъзолик орқали қатор имкониятларни ваъда қилаётди. Яна бир гап: ўзгартиришлар ҳақидаги таклиф ҳозирча шунчаки лойиҳа, ҳолос. У ҳали Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан обдон кўриб чиқилди, улардан ўтсан, Сенат аъзолари лойиҳанинг «салбий-ижобий» томонларини чиғирикдан ўтказишади. Биз эса бутун ҳар икки томоннинг фикрини тинглашга, одамларнинг бу лойиҳага муносабатини билишга ҳаракат қилдик. Хулоса эса ўзингиздан, азиз маҳалладош! Биз бу мавзуга яна қайтамиз.

«Mahalla» мухбири  
Санжар ИСМАТОВ  
тайёрлади.

# Жиноятчиликка қарши қандай курашяпмиз?

ЭЪТИБОРСИЗЛИК, БОШҚАЛАР ТАҚДИРИГА НИСБАТАН ЛОҚАЙДЛИК БОИС МАСАЛА ЎЗ ҲОЛИГА ТАШЛАБ ҚЎЙИЛГАН, НАТИЖАДА АНА ШУНДАЙ НОХУШ ҲОЛАТЛАР ЮЗАГА ҚАЛҚИБ ЧИҚҚАН

**Х**алқ орасида жуда кўп тилга олинадиган «Кўшнинг тинч — сен тинч», «Ватан қадрини билмаган ўз қадрини билмас», «Бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака кўтарилади» каби мақоллар моҳиятида теран ҳақиқат мужассам: элимиз ҳамма замонда тинч-осойишта ҳаётни қадрлаган, шу йўлда бор салоҳиятини сарфлаган. Буни ҳозирги пайтда Президентимиз томонидан маҳалланинг ўрни ва таъсирини ошириш ҳамда профилактика ишлари самарадорлигини юксалтириш йўлида олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Юртдошларимизнинг осуда ҳаётини таъминлаш мақсадида сўнгги йиллар давомида бир нечта қонулар, қатор фармон ҳамда қарорлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Айниқса, ҳафтанинг хар пайшанба кунини ўтказиб келинаётган профилактика тадбирлари жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқ-

лактика инспекторлари нима билан машғул бўлган? Жамоатчилик-чи?!

Биргина Қарши шаҳрини оладиган бўлсак, мавжуд 62 та маҳалланинг фақат учтасидигина жиноят содир этилмаган. Қолганларида турли кўринишдаги мингта яқин жиноят содир этилган. Жиноятларнинг ёшлар томонидан ҳам содир этилаётгани эса янада аянчли ҳолдир.



**« АГАР МАҲАЛЛАДАГИ ҚАЙСИДИР МУАММО «БУ МЕНИНГ ИШИМ ЭМАС», ДЕБ ЎЗ ҲОЛИГА ТАШЛАБ ҚЎЙИЛСА, У ЯНА БОШҚА КЎПЛАБ КЎНГИЛСИЗЛИКЛАРГА САБАБ БЎЛИШИГА ШУБҲА ЙЎҚ.**

баҳолаш мумкин? Қолаверса, маҳалла фаоллари, ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти вакиллари ишсиз ёшларни рўйхатга олиб, бандлигини таъминлашда нега сусткашликка йўл қўяпти? Нима, жойларда иш билан банд бўлмаган инсонлар борлигини фуқаролар йиғини фаоллари, маҳаллий ҳокимлик ёки бошқа ташкилотлар вакиллари билмасмиди? Яхши билган. Аммо эътиборсизлик, бошқалар тақдирига нисбатан лоқайдлик боис масала ўз ҳолига ташлаб қўйилган, натижада ана шундай нохуш ҳолатлар юзага қалқиб чиққан.

### Ўз уйингни ўзинг асра!

Қарши шаҳридаги «Мағзон» маҳалласи фаоллари бу борада тизимли иш олиб бормоқда. Улар тунги навбатчилик гуруҳларининг фаолияти, ҳарбий хизматга қақирлиғи ёшларнинг тайёргарлиги, оилавий келишмовчиликларнинг олдини олиш, фуқароларни иш билан таъминлаш, тўй-ҳашамларни ортикча исрофгарчиликсиз, ихчам ва тинч ўтказиш, ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги иштироки каби кўплаб масалаларни назорат қилиб бормоқда.

Ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар натижасида аҳолининг тинчлиги ва осойишталиги таъминланмоқда. Яқин 2-3 йил ичида ушбу маҳаллада бирорта ҳуқуқбузарлик ва оилавий ажралиш ҳолатлари аниқланмади.

— *Жиноятчилик, асосан, ишсизлик, бекорчиликдан келиб чиқади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Самандар Зийдов. — Шу сабабли аҳолини иш билан таъминлаш масаласида жиддий ёндашиш керак. Ёшларимиз учун 28-мактаб қошида стадион, усти ётиқ футбол майдончаси, кураш, айкудо тўғрисида ташкил этилган. Қиз болалар учун тикувчилик йўлга қўйилган. Айниқса, мактабда рус, инглиз*

*тили тўғрисида ташкил этилганлиги фарзандларимизнинг чет тилларини мукаммал эгаллашига туртки бўлмоқда.*

Икки ёки уч кишининг саъй-ҳаракати билан маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириб, соғлом маънавий муҳитни қарор топтириб бўлмайди. Шунинг учун маҳаллада давлат идоралари, зиёлилар, маҳалла фаоллари ҳамда жамоатчилик тузилмалари ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Натижалар ёмон эмас. Маҳалла ҳудудида ҳамма бир-бирини яхши танийди. Бегона киши

этиш учун аҳоли бандлигини таъминлашга, яъни томоркачиликни ривожлантириш, хонадонларда иссиқхона ташкил қилиш бўйича ҳам тизимли иш олиб боряпмиз. Ўтган йилда 16 та оилга иссиқхона қуриш учун, 8 та оилга чорва ва парранда боқиш учун кредит олишга қўмақлашилди.

### Ўзбек аёлига панжара орти ярашмайди

— *Мен ҳаётнинг аёвсиз зарбалари қаршисида оқибат қолдим, — дейди Шаҳрисабз шаҳри Хўжамурод Бахши маҳалласида яшовчи А.Т. — Йўлдан адашганим сабаб оила аъзоларим бошига қанча-қанча кулфат, гам-ташвишларни солдим. Вақтми ортга қайтаришнинг имкони бўлса-ю, қилган ҳатоларимни тўзата олсам. Аммо бунинг сира иложи йўқ. Бизни афв этсан, қилган нотўғри ишларимиздан тўғри хулоса чиқаришга, яқинларимиз бағрига қайтишига имкон берганлари учун Президентимизга, халқимизга беҳад миннатдорлигимни билдирмоқчиман. Токи тирикман, бу кунни унутмайман.*

Виждон азоби ва сўнгги пушаймондан ҳеч кимга наф йўқ. Шунингдек, бирор сабийи воқеадан кейин асл айбдорни излашдан ҳам. Ён-веримизда юз бераётган ҳодисалардан ўз вақтида огоҳ бўлсак, лоқайдлик никобидан буткул воз кечиб, оилалар, маҳаллалар, қолаверса, юртимиз тинчлиги ва тараққиётга муносиб ҳисса қўшишга интиласак, ҳудудларимиз жиноятдан холи бўлишига шубҳа йўқ.

Шоҳиста БОЗОРОВА  
«Mahalla»



да. Натижада илгари очилмай қолган жиноятлар фош қилинмоқда, айбдорлар иши бевосита эл кўзида сайёр суд мажлисларида кўрилатиб. Шу билан бирга, «Хавфсиз шаҳар», «Хавфсиз туризм» каби лойиҳалар кенг жорий этилаётгани ҳамда жамоатчилик назорати масканлари фаолияти йўлга қўйилгани, шунингдек, маҳаллаларда видеокузатув мосламалари ўрнатилётгани тўғрисида жиноят ва ҳуқуқбузарликлар вақтида аниқланиб, бартараф этилмоқда.

Хўш, бугун Қашқадарё вилоятидаги мавжуд 768 та маҳалла фуқаролар йиғинлари халқимиз ишончини тўлиқ оқлай олаётганими?

### 48 та маҳаллада жиноят ва оилавий ажралиш содир бўлмади

Ха, дейишга ҳали эрта. Негаки, таассуф билан қайд этилганидек, 2019 йилда вилоятда бор-йўғи 48 та маҳалла жиноят, нотинч ва оилавий ажралиш содир бўлмаган фуқаролар йиғини сифатида эътироф этилди.

Ҳақли савол туғилади: қолган фуқаролар йиғинлари фаоллари, жамоатчилик комиссиялари аъзолари, профи-

Ёшларнинг жиноятга қўл уриши тарбияда йўл қўйилган ҳато ёки нуқсонларнинг аччиқ инъикосидир. Буни Қарши шаҳридаги «Қат» маҳалласи ҳудудида рўй берган безориликни келтириш мумкин. Жумладан, Қарши шаҳрида яшовчи 24 ёшли М.Равшанов муқаддам баданга оғир тан жароҳати етказиш жиноятини содир этгани учун судланган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариш ўрнига яна безорилик жиноятига қўл урган. У муқаддам судланган Б.Эргашев ҳамда Б.Усмонов билан шаҳардаги гўзаллик саломи ёнига келиб, Ш.Узоқов ва унинг шериклари О.Абдуллаев, Р.Бобоназаров, С.Равшанов ўзаро гуруҳ-гуруҳ бўлиб жанжаллашади. Жанжалда жиноят қуроли сифатида М.Равшанов пичоқдан, Ш.Узоқов эса пневматик тўппончадан фойдаланган. Суриштирувлар натижасида бу ёшларнинг бирортаси ҳам тайинли бир иш билан банд бўлмаган, ўзига тўқ оилалар фарзандлари эканлиги аниқланди.

Жамоат жойида, кўпчиликнинг кўз ўнгиде содир этилаётган жиноятларни, асосан, бирор жойда ишламайдиган, ота-она ва маҳалла-қўй назоратидан четда қолган ёшлар содир этаётганини қандай

### МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

2019 йилда вилоятда барча соҳаларда содир этилган жиноятлар 21,4 фоиз, яъни безорилик 46,8 фоизга, номусга тегиш 40,7 фоизга, талончилик 38,3, товламачилик 31,8, боқинчилик 15, қотиллик 10,3 фоизга қамайган. Лекин ўғирлик ва фирибгарлик жиноятлари кўпайган. Масалан, ўтган йилда вилоятда 207 та ўғирлик, 240 та фирибгарлик жинояти билан боғлиқ ҳолат рўйхатга олинган. Ўғрилик жиноятининг 50,2 фоизи чорва моллари ҳисобига тўғри келади.

келдим, унинг қимлиги, нима мақсадда келгани ҳақида бир зумда маълумот тўпланмади.

Маҳалламиз ҳудудидан катта йўл ўтганлиги сабабли тунги навбатчилик режими қаттиқ назорат қилиб борилади. Агар маҳалладаги қайсидир муаммо «бу менинг ишим эмас», деб ўз ҳолига ташлаб қўйилса, у яна бошқа кўплаб кўнгилсизликларга сабаб бўлишига шубҳа йўқ. Шу сабабли биз аҳолини «Ўз уйингни ўзинг асра!» деган шior билан доим сергак ва огоҳ яшашига ҳаракат қилияпмиз. Шунингдек, маҳаллада ишсизликни бартараф

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортёрларига субсидия ажратилади.

# ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ: ХАЛҚ МАНФААТИ, АҲОЛИ ЭҲТИЁЖЛАРИ БИРИНЧИ ЎРИНДА ТУРАДИ

## ШУ БОИС БУНДАЙ ЛОЙИҲАЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ИЖТИМОЙ МУАССАСАЛАРНИ ҚУРИШ ВА КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШГА ҚАРАТИЛГАН

**Х**ар биримиз машинада кетар эканмиз, баъзан йўлнинг носозлигидан нолиб: «Қачон шуни давлат тузатиб қўярсан» деймиз. Баъзан эса «қишлоғимизда боғча йўқ, шифохона таъмирталаб, электр энергияси етишмайди» дея айюҳаннос соламыз ва: «Давлат қаёққа қараяпти ўзи?», дея қўшиб қўямиз. Аммо бундай вазиятларда давлатнинг барча камчиликларни тезда ҳал қилишга қурби етмаслигини унутиб қўямиз.

Буларнинг барчаси босқич-ма-босқич давлат билан бирга, хорижий инвестициялар кўмаги, маҳаллий ишбилармонларнинг маблағи эвазига бар-тароф этилиши мумкинлигини ҳисобга олмаймиз. Шу ўринда таъкидлаш керакки, чет эллик инвесторлар ҳам, маҳаллий ишбилармонлар ҳам фойда олмайдиган ишга маблағ тикишмайди. Айни жиҳатларни ҳисобга олсак, давлат-хусусий шериклик тамойили йўлга қўйилганининг аҳамияти янада ойдинлашади.

### Икки томонлама фойдали келишув

Давлат-хусусий шериклиги асосида амалга ошириладиган лойиҳаларда, аввало, жамиятнинг кундалик эҳтиёжлари, туман маркази ва шаҳару қишлоқларимиз инфратузилмасидаги камчиликларга эътибор қаратилади. Давлат ва хусусий сектор ўзаро битими асосан, аҳоли эҳтиёжи юқори бўлган жойда шифохона, боғча ёки бошқа муассаса фаолияти ташкил этилади. Келишувда кўрсатилган сана якунига етгунга қадар маблағ тикувчи ундан фойда кўради. Кейин


эса муассаса ёки тармоқ давлат тасарруфига ўтказилади.

Давлат-хусусий шериклиги шаклидаги лойиҳалар хусусий секторнинг бошқарув тажрибаси ва маблағларини жалб қилиш, таваккалчиликни самарали тақсимлаш орқали давлат инфратузилмасини яратиш бўйича узоқ муддатли шартнома асосида амалга оширилади. Ушбу лойиҳалар ҳар икки томон учун ҳам бирдек фойдали — давлат ер ажратиши, хусусий секторга шартнома асосида товар ва хизматларни сотиб олиш, етказиб беришни кафолатлаши мумкин.

Бугун юртимизда ана шундай икки томонлама фойдали келишув асосида электроэнергия, соғлиқни сақлаш, автомобиль йўллари, таълим, туризм ва бошқа бир қанча соҳаларда янги лойиҳалар амалга ошириляпти. Айниқса, шундай шартлар асосидаги мактабгача таълим муассасаларининг кўпайётгани болаларимизнинг сифатли бошланғич таълимни олишига замин яратмоқда.

### Шартнома 49 йилга имзоланади

Давлат-хусусий шериклиги



лоийҳалари мақсадли инвестицияларни жалб қилишнинг сифат жиҳатдан янги ва самарали усулидир. Ушбу тизимдан жаҳоннинг 130 дан ортик давлатида фойдаланилади, айниқса, у Европа мамлакатларида ўзини тўла оқлаган. Соҳа мамлакатимизда янги тармоқ бўлиб, тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жадвал суръатларда ривожланиб бормоқда.

Хусусан, 2019 йилда халқаро стандартлар, хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу ҳужжат билан соҳадаги муносабатлар тартибга солинди. Жумладан, унда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари 3 йилдан 49 йилгача имзоланиши белгилаб қўйилди, хусусий сектор учун қатор қулайликлар яратилди.

Унда белгиланган тартиб-қоидалар соҳанинг янада ривожланишига замин яратиш билан бирга, хорижий ва маҳаллий инвесторларда соҳага бўлган ишонч ва қизиқишни орттиради. Бу ҳақда сўз борганда, биргина давлат аҳамиятига молик соғлиқни сақлаш, энергетика, транспорт ва коммунал соҳалар бўйича қиймати 9,65 млрд. АҚШ долларига тенг 17 та давлат-хусусий шериклик лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилаётганини айтиб ўтиш ўринлидир.

### Битим халқ манфаатига хизмат қилади

Давлат-хусусий шериклиги лойиҳаларида, аввало, халқ манфаати, аҳоли эҳтиёжлари биринчи ўринда туради. Шу боис бундай лойиҳаларнинг аксарияти ижтимоий муассасалар: шифохона, мактаб, боғча, спорт иншоотларини қуриш ва капитал таъмирлашга қара-

тилган.

Биргина жорий йилда Тошкент шаҳрида 14 та мактабни янгидан қуриш, таъмирлаш ва қайта тиклаш лойиҳалари давлат-хусусий шериклиги асосида амалга оширилади. Айни пайтда бу лойиҳаларни тендерга қўйиб режалаштириляпти. Шу билан бирга, Мактабгача таълим вазирлиги томонидан 140 минг нафардан зиёд болани қамраб олиш қувватига эга нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш мақсадида 1 минг 400 дан ортик талбиркорлик субъекти билан битимлар тузилган. Бу лойиҳалар тўлиқ ниҳоясига етса, республикамизда мактабгача таълим қамрови даражаси 52 фоизга етади.

Аҳолини сифатли тиббий хизмат билан таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда давлат-хусусий шериклиги асосида стерилизация, иккита онкология маркази ҳамда битта марказий лаборатория барпо этилиши режалаштирилган.

Ўтган йили қабул қилинган ҳуқуқатнинг «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклиги ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, 27 та давлат-хусусий шериклик шартлари асосида хусусий инвесторларга бериладиган фойдаланилмаётган ва бўш турган спорт иншоотлари рўйхати тасдиқланди. Ушбу рўйхат бўйича айни пайтда иншоотларни таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда.

Шунингдек, туризм, қишлоқ хўжалиги, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хўжалик тизими бўйича ҳам бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқдаки, буларнинг барчаси аҳолининг турмуш даражаси янада кўтарилиши яшаш шароитининг ўзгариши учун замин ҳозирлайди.

### Катта таваккалчиликдан катта фойда келади

Йирик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, албатта, катта маблағ, кўп вақт талаб этади. Шу боис бундай лойиҳаларни амалга оширишда шомашо-шарликка йўл қўйиб бўлмайди. Бунда ижтимоий-иқтисодий вазият, инфляция ва бошқа бир қанча унсурларни олдиндан кўра билиш талаб этилади. Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, бундай лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилган, ўша соҳанинг тараккий этишига, бир кадам олдинга силжишига олиб келади, янгица тизим, янги бир йўналишнинг бошланишига омил бўлади.

Бугунги кунда давлат-хусусий шериклиги асосида Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлар билан бирга, бир нечта кўп йиллик йирик лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Хусусан, «Тошкент — Андижон» йўналишида пуллик йўлни қуриш лойиҳаси Жаҳон банки билан ҳамкорликда бажарилади. Бу йўлда Қамчик довоида пулли туннелни ўтказиш ҳам назарда тутилган. Асосий қурилиш ишлари 2022 йилда бошланиши режалаштирилган. Шунингдек, «Тошкент — Самарқанд» пуллик автомобиль йўлини қуриш, «Сирдарё — Бахт» шаҳарларини айланиб ўтувчи пуллик автомобиль йўлини қуриш лойиҳалари ҳам давлат-хусусий шериклиги асосида амалга оширилади.

Бундан ташқари, аҳолининг электр энергиясига бўлган талабини қондириш мақсадида Самарқанд, Навоий, Сурхондарё вилоятларида куёш электрстанцияларини қуриш ишлари олиб боришмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, давлат-хусусий шериклиги тизими мамлакатимизда янги соҳа бўлишига қарамай, жадвал суръатларда ривожланиб бормоқда. Бу йўналишда ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳаларнинг барчаси халқ манфаатларига қаратилган. Уларнинг ишга туширилиши аҳоли турмуш тарзини бир поғона юксалтириб, юртимиз ободонлигига ҳисса қўшади. Мамлакатимизни жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторидан жой олишига туртки бўлиши шубҳасиз.

**Ғолиб ХОЛЖИГИТОВ,**  
Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шериклиги ривожлантириш агентлиги директори.

### МЕНДА САВОЛ БОР...

#### ДХШ билан хусусийлаштиришнинг фарқи борми?



— Айни пайтда кўплай лойиҳалар давлат-хусусий шериклиги асосида амалга оширилмоқда. Бунда талбиркорларга қатор қулайликлар яратилаётгани ҳам бор гап. Айтинг-чи, давлат-хусусий шериклиги хусусийлаштириш билан бир хил жараёнми?

**Мансур АЛИЕВ,**  
Тошкент шаҳри.

**Одилжон КАРИМОВ,**  
Давлат-хусусий шериклиги ривожлантириш агентлиги мутахассиси:

— Бу каби саволлар кўп маротаба берилади. Кўпчилик уларни бир-бири билан чалқаштиради. Бироқ хусусий сектор иштирокининг икки шакли ўртасида аниқ фарқ бор. Хусусийлаштириш, асосан, давлат активини доимий равишда хусусий мулкка ўтказишни ўз ичига олади. Яъни бу жараён хусусий сектор

томонидан мулкка доимий равишда тўлиқ эгаллик қилиш ҳисобланади. Давлат-хусусий шериклигида эса давлат талбиркорни ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда шерик сифатида қабул қилади, аммо давлат лойиҳага эгаллик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Хусусий сектор ундан фойдаланиши, фойда олиши мумкин, фақатгина битим муддати ниҳоясига етгунга қадар.

**Мамлакатимиз Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, бутунги кунда юртимизда йилига ўртача 20 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот етиштирилмоқда. Аммо узоқ вақт давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилишда қатор камчиликлар тўпланиб қолди. Мисол учун, етиштирилаётган маҳсулотнинг саноат усулида қайта ишлаш даражаси атиги 15 фоизни ташкил қилмоқда.**



ларидан бири эди. Яъни бизнинг ташкилотлар турли бозорларда айни пайтда қандай маҳсулотларга эҳтиёж борлиги, бошқа рақобатчилар бу борада нима ишлар қилаётгани, нархлар ҳақида мукаммал ахборотга эга бўлмаган. Натигада олис юртга маҳсулот чиқараётган тадбиркор кўр-кўрона иш тутшига мажбур бўлган. Эндилқда, ташки бозордаги мева-сабзавот маҳсулотларига талабни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Экспортёрлар мустақил равишда бундай тадқиқотларни ўтказишлари учун имкон яратилади. Сарфланадиган харажатнинг 50 фоизи давлат томонидан ажратилган субсидиялар ҳисобига қопланади.

**Субсидиялар яна қандай максалдар учун берилади?**

Янги низом субсидиялар орқали экспортёрларни хар томонлама қўллаб-қувватлашни назарда тутди. Масалан, унга кўра, харажатларнинг 50 фоизи микдордаги субсидия қишлоқ хўжалиги бирлаш-

малари аъзоларини мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришнинг янги технологияларини жорий этишга ўргатиш, агротехник тадбирлар мониторингини ўтказиш учун ҳам ажратилади. Тан олиб айтиш керак, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқаришнинг замонавий услубларини қўллаш борасида қатор хорижий давлатлардан анча орта қолганмиз. Бунга, асосан, фермер ва томорқачиларимизда етарли маблағнинг йўқлиги сабаб бўлиб келди. Масалан, томчилаб сўғориш, қуёш энергиясидан фойдаланувчи ёки бошқа инновацион технологияларни ўз хўжалигида жорий этишга барчанамиз ҳам имконияти етмайди. Натигада ишлаб чиқаришнинг алмисоқдан қолган усулларидан фойдаланишда давом этаверади. Бу эса самарадорлик ва сифатга жиддий таъсир ўтказиши шубҳасиз. Янги низом шу каби ташаббусларни субсидиялаш орқали қўллаб-қувватлаш тартибларини соддалаштирмоқда.

**Ёрдам олиш учун нима қилиш керак?**

Аҳамиятлиси, экспортёрлар учун мазкур субсидияларни олиш усуллари ҳам замонавий стандартларга мос равишда ишлаб чиқилиди. Бунда ортиқча оврагарчиликка ўрин қолмайди. Экспортёр Инвестициялар ва ташки саудо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигига субсидия ажратиш ҳақида ариза билан мурожаат қилади. Шунингдек, бизнес-режа, экин ер майдонлари тўғрисидаги маълумот ва бошқа ҳужжатлар тақдим қилинади. Аризалар 7 иш кунини мобайнида кўриб чиқилиб, субсидия ажратиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи ташкилотларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, юртимиз дастурхонининг тўкин бўлиши, мамлакатимизга кириб келаётган валюта окимини кўпайтиришда муҳим роль ўйнайди. Ўйлаймизки, татбиқ қилинаётган янги имтиёзлар соҳани ривожлантиришнинг янги босқичи бўлиб, ислохот яна давом этади.

Луғубек ИБОДИНОВ  
«Mahalla»

**МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТЁРЛАРИГА СУБСИДИЯЛАР АЖРАТИЛАДИ**

Шундан 7-8 фоизигина ташки бозорга олиб чиқилади. Инфратузилма етарли эмаслиги туфайли йиғиштириш ва сақлаш жараёнида маҳсулотларнинг 30 фоизи — 900 минг тоннаси йўқотилапти. Бошқача айтганда, бекорга чириб кетмоқда. Мавжуд агрологистика марказлари, совуткич омборлари жами етиштириладиган мева-сабзавотнинг 4,5 фоизинигина сақлаш имкониятига эга. Бу баъзи турдаги маҳсулотларнинг экспортини фақат мавсумий амалга ошириш имконини беради. Яъни қарам ўз мавсумида, бошқа мевалар ўз мавсумида. Мазкур вазиятдан унумли фойдаланаётган рақобатчи давлатлар ўзбек фермерлари ва томорқачиларининг асосий ҳамкори бўлган МДХ давлатларини йилнинг барча мавсумларида мева-

сабзавотлар билан таъминлаб, аста-секин бозоримизни эгаллаб олишлари ҳеч гап эмас.

Шу боис кейинги йилларда соҳага замонавий технологияларни жалб қилиш, экспортчи ташкилотларга турли имтиёзлар яратиш орқали ривожлантириш, мева-сабзавот етиштириш ва экспорт қилишдан олинандиган даромадни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жорий йил 17 январь кунини Адлия вазирлиги томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчи ташкилотларга давлат томонидан субсидиялар ажратиш тўғрисидаги низомнинг тасдиқлангани ҳам соҳага ижобий таъсир ўтказиши кўтилмоқда. Хўш, субсидиялар қимларга берилди, бундан кўзланган максал қандай? Бу ҳақда **Қишлоқ хўжалиги вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Нигора Хўжаеванинг** фикрлари билан қизикдик.

**Экспорт ҳажми ошмоқда, аммо бу ҳали етарли эмас**

— *Ўтган икки-уч йил ичида соҳани тартибга солувчи ўнлаб ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга татбиқ қилинди, — дейди Н. Хўжаева.* —


*Экспорт қилиш тартиблари кескин соддалаштирилди. Масалан, юридик шахслар мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини дастлабки тўловсиз, аккредитив очмасдан, банк кафолатини расмий чиқармасдан ҳамда экспорт шартномасини сиёсий ва тижорат хавфларидан суғурта полисисиз амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлдилар. Экспорт географиясини кенгайтириш мақсадида маҳсулотларни халқаро стандартлаштириш бўйича ҳам қатор янгиликлар жорий этилган. Натигада ўтган йиллар мобайнида ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми бир неча марта ошди. Шунга қарамай, мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари асосида ташкил қилиш, агротехник тадбирлар мониторингини, ташки бозорларида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш билан боғлиқ қатор камчиликлар ҳамон мавжуд. Шу боис Қишлоқ хўжалиги, Молия, Инвестициялар ва Ташқи Саудо вазирликлари келишган ҳолда Президентимизнинг 2019 йил 14 мартдаги «Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, «Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортёрларининг қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларини мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг янги технологияларига ўргатиш, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларининг ерларида агротехник тадбирлар мониторингини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари томонидан ишлаб чиқариладиган мева-сабзавот маҳсулотларининг ташқи бозорларида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш билан боғлиқ харажатларининг 50 фоизини қоплаш учун субсидиялар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни қабул қилди.*

**Маркетинг тадқиқотлари нима?**

Унга кўра, экспортёр ташкилотларга қўшимча равишда яна қатор имтиёзлар жорий этилмоқда. Масалан, шу пайтгача ташқи бозорлардаги ҳолатни мукаммал ёритувчи доимий маркетинг тадқиқотларининг етарли эмаслиги экспортчиларимизнинг асосий муаммо-

**ДАРВОҚЕ...**

**Статистика қўмитаси эълон қилган маълумотлар эса юртимизда йил сайин мева-сабзавот ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб бораётганидан дарак бераяпти.**



# Имтиёз ва қулайликлар ишончни орттиради

ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАР ВА ХАЛҚАРО КРЕДИТ МАБЛАҒЛАРИНИ ЯНАДА КўПРОҚ ЖАЛБ ҚИЛИШДАН ҚўРҚМАСЛИК КЕРАК. ЧУНКИ УЛАРНИНГ МАБЛАҒИГА БУНЁД ЭТИЛГАН САНОАТ КОРХОНАСИ БўЛАДИМИ, БОҒЧА, МАКТАБ, МЕХМОНХОНАМИ, МУХИМИ, УЛАР ЮРТИМИЗДА ҚОЛАДИ ВА КўП ЙИЛЛАР ХАЛҚИМИЗ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**К**ейинги йилларда мамлакатимизда инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бунинг натижаси ўлароқ, хорижий инвесторлар учун «инвестиция визаси» жорий этилди, уларга маълум шартлар асосида 10 йил муддатга Ўзбекистонда яшаш гувоҳномаси берилиши тизими йўлга қўйилди. Бу, ўз навбатида, жаҳоннинг йирик бизнес соҳаси вакилларида Ўзбекистонга сармоя қиритишга бўлган қизиқишни янада орттирмақда. Буни биргина ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция қиритишни истаган давлатлар сони 50 тага етгани ҳам исботлайди.

Президентимиз томонидан «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрирда имзоланиши эса уларнинг мамлакатимизга бўлган ишончини кучайтирди. Зеро, мазкур ҳужжатда Ўзбекистонга инвестиция қиритувчиларнинг ҳуқуқлари, имтиёзлари, имконият ва мажбуриятлари аниқ қилиб белгилаб қўйилди.

— *Статистик маълумотлар ҳам инвестициялар миқдори кейинги йилларда сезиларли даражада ортиб бораётганини кўрсатади.* — дейди **Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб қилиш агентлиги директори Қасрамон Камолов.** — Хусусан, 2019 йил давомида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми 220,7 трлн. сўмга етказилди. Шу ўринда асосий капиталга инвестициялар ҳажми 2018 йил кўрсаткичларига нисбатан ўсиш темпи 1,3 баробарни ташкил этди.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, мамлакатимизга жалб қилинаётган инвестициялар турли соҳаларни камраб олмақда. Бу юртимизда барча жабҳалар бирдек тараққий этиб бораётгани ҳамда соҳаларга янгилиниши ва ислохотлар узвий равишда киритилаётганини билдиради. Хусусан, ўтган йили 2018 йилга нисбатан металлургия соҳасига жалб қилинган инвестициялар миқдори 6,6 баробар, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга 3,7 баробар, фармацевтика соҳасига 15 баробар, электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 28 баробардан ортик инвестициялар жалб қилинган.

## Дастурни тузишда нималарга эътибор қаратилди?

2020 йил ва ундан кейинги йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни фаол жалб қилиш, уларни электр энергетика, ахборот технологиялари, шунингдек, мавжуд хомашёни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қиймат занжирини яратишга қаратилган кимё саноати,

электротехника, сөнгл саноат, кишлоқ хўжалиги ва қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтириш ишлари давом эттирилади.

Бунда Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган дастур муҳим аҳамият касб этади. Мазкур дастурни тузишда мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий шароит,

ривожлантириш талаб этилаётган соҳалар ҳамда ҳудудларда янги лойиҳаларни амалга ошириш ниятида бўлган халқаро ташкилот ва хорижий мамлакатлар, дунёнинг турли бизнес вакиллари талаблари ўрганиб чиқилди.

Дастурни яратиш жараёнида турли инвестицион тақлифлар, янги тадбиркорлик лойиҳалари ва амалга оширилиши керак бўлган бунёдкорлик ишларининг мақетлари ташаббускорларга юборилди. Уларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, тавсия ва тақлифларига биноан, дастурнинг асосий қисмлари пухта ишлаб чиқилди. Унда белгилаб қилинган вазифалар ижроси мамлакатимизнинг келгусида иқтисодиёт, саноат тармоқлари бўйича етакчи мамлакатлар сафидан жой олишига хизмат қилади.

## 850,5 трлн. сўм маблағ ўзлаштирилади

Инвестиция дастури ижросига кўра, мамлакатимиз иқтисодиёти ва саноат тармоғи бир қанча одимлайди, десак муболаға бўлмайди. Хусусан, дастурга биноан, 850,5 трлн. сўм инвестиция маблағи, шу жумладан, 35,5 млрд. АҚШ



**ДАСТУРГА КўРА, ЯНГИ ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАРНИ ИШГА ТУШИРИШ БАРОБАРИДА 206 ТА ЯНГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИ ВА 31 МИНГДАН ЗИЁД ЯНГИ ИШ ўРИНЛАРИ ЯРАТИЛИШИ ҲАМ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.**

доллари миқдоридagi хорижий инвестицияларни ўзлаштириш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, янги инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши аҳолининг турмуш даражаси янада кўтарилушига асос бўлади. Сабаби, дастурга кўра, янги инвестицион лойиҳаларни ишга тушириш баробарида 206 та янги ишлаб чиқариш қувватлари ва 31 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиши ҳам режалаштирилган.

Дастурда турли имтиёзлар тақдим этиш ҳам назарда тутилган. Хусусан, қиймати 50 млн. АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши 50 фоиздан кам бўлмаган инвестиция лойиҳалари доирасида ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини бюджет маблағлари ҳамда мо-

логик хавфни туғдирмаслиги талаб этилади.

— 2020 йилда жалб қилинган инвестиция маблағлари ҳисобидан ижтимоий, инфратузилма ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган 2 мингдан зиёд объектлар фойдаланишига тотирилган режалаштирилган, — дейди **Қ.Камолов.** — 206 та йирик ишлаб чиқариш қувватлари, 240 та ҳудудий ишлаб чиқариш объектлари,

1,6 мингта ижтимоий ва инфратузилма аҳамиятига эга объектлар барпо этилади. Бу эса, албатта, аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражасини янада юксалтиришга хизмат қилади. Хорижий инвесторлар ва халқаро кредит маблағларини янада кўпроқ жалб қилишдан қўрқмаслигимиз керак. Чунки уларнинг маблағига бунёд этилган саноат корхонаси бўлади, боғча, мактаб меҳмонхонами, юртимизда қолади ва кўп йиллар халқимиз учун хизмат қилади.

\*\*\*  
Бир сўз билан айтганда, хорижий инвестициялар биз учун қўшимча имконият демакдир. Улар ёрдамида келажак авлодларга обод, улкан ишлаб чиқариш қувватига эга кучли мамлакатни бунёд этиб қолдиришимиз мумкин. Зеро,



лиялаштиришнинг бошқа ички манбалари ҳисобидан қуриш тартиби белгиланмоқда. Шунингдек, бундай қулайликка эга бўлиш учун инвестицион лойиҳа иқтисодий самарадор бўлиб, унинг жойлашши ер участкаси урбанизацияга мос келиши ҳамда ҳеч қандай эко-

Ўзбекистон тараққий этиши бўлиши шундай қатга куч билан давом этса, яқин йилларда дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидан бирига айланишига шубҳа йўқ.

**Санжар ЭШМУРОВО**  
«Mahalla»

Тошкентда халқаро олимлар уюшмаси(CEES)нинг Еттинчи минтақавий конференцияси ўтказилади.

**Х**ар биримиз кундалик ҳаётда қандайдир ҳуқуқий муносабатга киришамиз. Кимдир мерос масаласида, яна кимдир ижара, олди-сотди, ҳада, кредит муносабатларини расмийлаштириш каби ҳолатларда нотариал ҳаракатга дуч келади. Содда қилиб айтганда, жамиятда «мулк» тушунчаси бор экан, нотариус хизматига эҳтиёж туғилаверади. Хўш, бугун бундай идоралар фаолиятдан одамлар мамнунми? Муаммолар ечимида қандай ташаббуслар илгари сурилмоқда? Тизимда яратилаётган қулайликлар нималардан иборат?



# Энди нотариусга бориш шарт эмас:

## Тизимдаги ўзгаришлар бунга замин яратади

**НОТАРИАЛ ХИЗМАТЛАРНИНГ СИФАТИ ВА ТЕЗКОРЛИГИНИНГ ПАСТ ДАРАЖАДАЛИГИ, НОТАРИАЛ ИДОРАЛАРДАГИ УЗУНДАН-УЗУН НАВБАТЛАР, ДАВЛАТ БОЖЛАРИ ВА БОШҚА ЙИҒИМЛАР УНДИРИШНИНГ ШАФФОФ ЭМАСЛИГИ ТИЗИМДАГИ АСОСИЙ МУАММОЛАРДАН ЭДИ**

Очиғи, йиллар мобайнида сақланиб қолган анъанавий иш услуби, эскирган метърий-ҳуқуқий база ҳозирги кун талабларига жавоб бермаётгани. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 25 майдаги «Низоларнинг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариат тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан соҳа ри-

та аҳоли пунктларига чиққан ҳолда амалга оширишнинг кенг амалиёти мавжуд эмас. Замонавий инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг паст даражадалиги, идоралараро электрон ҳамкорлик старли даражада йўлга қўйилмагани аҳолига тезкор нотариал хизматларни кўрсатиш имконини бермаяпти.

Маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда республикамизда 616 та давлат нотариал идораси мавжуд бўлиб, 821 нафар малакали нотариус аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиб келмоқда. Эксперимент тариқасида соҳага замонавий инновацион технологияларни жорий этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда камидан 2 талдан ва Тошкент шаҳрида 5 та нотариал идора белгилаб олинди.

— Эндиликда нотариал идораларда мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган битимларни, ижоро хатларини, хужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинаётганини шаҳодатлашни электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда расмийлаштириш мумкин, — дейди Адлия вазирлиги ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартиб-

орқали тузиш мумкин бўлади. Яъни тарафлар икки нотариал идорада туриб, тегишли битимни видеомулоқот орқали туза олади. Бунда нотариал ҳаракат амалга оширилаётган идорага икки тарафнинг ҳам шахсан келиши талаб қилинмайди. Томонлар ўзларига яқин бўлган нотариал идорага бориб, видеоконференцалока тизими орқали битимни тузади. Нотариал тасдиқлаш юридик ва jisмоний шахснинг аризаси асосидагина амалга оширилади.

— Бунда, дейлик, битим тарафларнинг бири Самарқандда, иккинчиси Тошкентдаги нотариал идорада туриб, хужжатни тузиши мумкин, — дейди Н.Вакилов. — Иккинчи тараф нотариуси тизимда жойлаштирилган битим билан боғлиқ хужжатларни юклаб олади ва чоп этади. Тизим орқали битимнинг биринчи

триб, матни овоз чиқариб ўқиб берганидан кейин унинг расмийлаштирилишини, бармоқ изини сканер қилиш жараёнини кайд этиб, тегишли маълумотни ёзади. Шундан кейин нотариус битимни имзолаб, муҳр қўяди ва бошқа зарур ҳужжатлар билан сканер қилгач, автоматлаштирилган ахборот тизимида жойлаштирилади. Бу ортиқча вақт ва маблағ сарфланишига чек қўяди.

### Коррупцияга йўл қўйилмайди


Жорий йилнинг 1 январидан бошлаб давлат нотариал идоралари босқичма-босқич хусусий типдаги нотариал тизимга айлантирилмоқда. Нотариатнинг фаол нодавлат шаклига ўтиши натижасида ҳужжат расмийлаштириш учун «турнактор» навбат кутниш, давлат божи ва бошқа йиғимлар ундиришдаги бюрократик тўсиқларга нукта қўйилади.

— Тизимдаги ўзгаришлар иш фаолиятимизни янада энгиллаштириб, масъулиятимизни оширмоқда, — дейди Навоий шаҳридаги б-сон давлат нотариал идораси нотариуси Шаҳло Давлатова. — Бу эса аҳолига тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишимизга замин яратаёттир. Куниса 25-30 дан ортиқ турли нотариал ҳаракатларни амалга оширар эканмиз, авваллари ҳар бир операцияни кайд этиш реестр китобига қўлёзма шаклида ёзиб борардик. Эндиликда бу ишлар «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга оширилади. Фуқаро шахсини аниқлашда замонавий текшириш усулларида фойдаланилади.

Шунингдек, ҳар бир ҳужжатга такрорланмайдиган ракам бериш имконияти яратилди. Сохта нотариал ҳужжатни «яратиш» бехуда. Тўлов автоматик тарзда ҳисобланади, демек, коррупцияга барҳам берилади. Энг муҳими, бу тизим орқали идоралараро ахборот алмашинуви жараёни юзага келади, оворагарчилик ва сарсонгарчиликка нукта қўйилади.

Мухтасар айтганда, нотариал ҳаракатлар ҳаққоний, ишончли, шаффоф, эътирозсиз бўлиши керак. Соҳада жорий этилаётган янгиликлар тизимдаги салбий ҳолатларни бартараф этишнинг ўзига хос ечими бўла олади. Бинобарин, тезкор, сифатли, бехато ва бениқсон хизматдан аҳоли мамнун бўляптими, демек, бу ўзгаришлар максалда эришишнинг истиқболли йўли бўлиб қолади. Нотариал тизимда шу вақтга қадар давом этиб келган тартиб-қондаларнинг замон талабларига мос равишда ўзгартирилиши ва янгиланиши жамиятимиз ҳаётига туб бурилиш ясади, десак муболаға бўлмайди.

Хулқар КУЗМЕТОВА  
«Mahalla»



вожига тўқинлик қилаётган омиллар кўрсатиб ўтилдики, бугун тизимга жорий этилаётган қулайликлар айнан шу муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

### Камчиликлар нималардан иборат?

Тан олиб айтиш керак, бугунги кунда аҳолига кўрсатилаётган нотариал хизматларнинг сифати ва тезкорлигининг паст даражадалиги, нотариал идоралардаги узундан-узун навбатлар, давлат божлари ва бошқа йиғимлар ундиришнинг шаффоф эмаслиги, мавжуд бюрократик тўсиқ ва фовлар аҳолининг ушбу тизимга бўлган ишончнинг пасайтирмоқда. Шунингдек, асосан, тасдиқлаш хусусиятига эга бўлган вазифани бажараётган амалдаги нотариат тизими мамлакатнинг бугунги ривожланиш талабларига жавоб бермаяпти, нотариал ҳаракатларни бевоси-

Бундан ташқари, битимларни расмийлаштиришда аудио ва видео кайд этишдан фойдаланилмаяпти. Қадрлар салоҳиятини такомиллаштириш, кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш яна бир долзарб масала бўлиб турибди. Тизимни масофадан назорат қилиш шакллантирилмаган.

### Тизимда қозғобозликка чек қўйилади

Хўш, жамият ривожланишидан ортда қолаётган нотариал хизмат қачон фаоллашади? Шунча муаммо тўпланиб қолган бўлса, тизим бу иллатлардан халос қилинмаса, халқнинг нотариал идорадан розилиги бўладими? Йўқ, албатта. Демак, соҳада ўзгаришларни амалга ошириш вақти келди. Бунда эса давлатимиз раҳбарининг тизимга доир қатор фармон ва қарорлари муҳим аҳамият касб этади.

### МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Адлия вазирлигига муайян ҳудуддаги нотариус лавозимларининг энг кам сонини белгилаш ваколати берилди. Эндиликда нотариусларнинг максимал сони чегараланмайди. Янги фаолиятини мувофиқлаштириш билан улар тузилма — Нотариал палата иш олиб боради.

тарафи мурожаат қилган нотариус билан видеомулоқот ўрнатади, бунда нотариус ва нотариал ҳаракатни амалга оширишда иштирок этувчи тарафлар тасвирга тўлиқ туширилиши лозим. Шундан кейин биринчи тараф нотариуси иккинчи томон билан битимни расмийлаштириш бўйича юқорида кўрсатишган каби ҳаракатларни амалга оширади, бу ҳам видеода кайд этилади.

### Видеомулоқот ортиқча вақтга чек қўяди

Яна бир муҳим янгилик — эндиликда битимларни видеоконференцалока тизими

Видеоконференцалока ёрдамида биринчи тараф нотариуси битимни тегишлича тушун-

Ўзбекистон Ядро хавфсизлиги тўғрисидаги конвенцияга қўшилишга тараддуд кўрмоқда.

**Б**угун янгилик қилинмаган, ислохотлар амалга оширилмаган, ўзгаришлардан четда қолган биронта соҳа қолмади ҳисоб. Барча тизимларда замонга ҳамоҳанг саъй-ҳаракатлар олиб борилаётир. Жаҳон тажрибасида ўзини оқлаган тажрибалар, бир-бирдан қолишмайдиган лойиҳалар, инновацион таклифлар амалиётга татбиқ этилмоқда. Бу каби ўзгаришлар эврилиши Ўзбекистон товар хомашё биржасида ҳам бўй кўрсатмоқда.



## Янги турдаги биржа савдолари давлатга қанчалик фойда келтиряпти?

УМУМИСТЕЪМОЛ МАҲСУЛОТЛАРИДАН ТОРТИБ, «ЧИРОЙЛИ» РАҚАМЛАРГАЧА, БАРЧА-БАРЧАСИ ОЧИҚ САВДОГА ЧИҚАРИЛДИ. НАТИЖАДА МАҲСУЛОТЛАР НАРХИ ОШИШИГА САБАБ БЎЛАЁТГАН «ДАЛЛОЛ»ЛАР БОЗОРИГА ЧЕК ҚЎЙИЛМОҚДА

Умумистеъмол маҳсулотларидан тортиб, «чиройли» рақамларга, барча-барчаси очик савдога чиқарилди. Наतिжада маҳсулотлар нархи ошишига сабаб бўлаётган «даллол»лар бозорига чек қўйилмоқда. Биргина «чиройли» автомобиль рақамларига эришиш учун ҳамisha «яхшигина» ҳақ тўланган. Фақат бу пуллар давлат ёки халқ учун эмас, баъзи кимсаларнинг манфаати учун ишлатилгани ҳам бор гап.

Хўш, янги турдаги биржа савдолари давлатга қанчалик фойда келтирди ва келтирмакда? Бу саволга **Республика товар хомашё биржаси бошқарув раиси ўринбосари Ислом ИБРАГИМОВ**дан жавоб олдик.

### Сон ва сифат — юксалиш омилидир

— Ўзбекистон товар бозорларида бозор механизмларини кенг жорий этиш, шаффофликни таъминлаш ва соф рақобатни ривожлантириш бўйича бир нечта ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Бу тизимдаги ишларнинг аниқ механизм асосида амалга оширилишига замин яратди.

Шу жумладан, Республика товар хомашё биржаси фаолиятида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилди. Биргина 2019 йилда барча савдо платформаларида тузилган битимларнинг умумий ҳажми 2018 йилга нисбатан 35,6 фоизга ўсди. Бунга, биринчи навбатда, биржа савдоларида сотилаётган товарларнинг сони ва ҳажмининг кўпайиши эвазига эришилди. Шунингдек, тадбиркорларнинг монопол маҳсулотлардан эркин фойдаланиши имкониятлари кенгайтирилди. Шу жумладан, тадбиркорлар биржа орқали 13,4 трлн. сўмлик товар ресурсларини харид қилишган, 7,5 трлн. сўмлик ишлаб чиқарган товарларини сотишган.

Маълумки, 2019 йилда «Аи-91» русумли автомобиль бензини ва унинг I нави бозор қондалари асосида, талаб ва

таклифдан келиб чиққан ҳолда эркин ўрнатилган бошланди. Биржа савдолари натижасида шаклланган нархлар, ўз навбатида, шаффофлик тамойилига риоя қилинган ҳолда мунтазам равишда кенг оммага эълон қилиб борилди. Мазкур товарлар учун ҳақиқий бозор нархларини шаклланиши эса сотувчи корхоналар учун аукцион натижасида олинган қўшимча даромад ҳисобига иқтисодий самарадорликни ошириш имконини берди.

Бундан ташқари, ўтган даврда ўтказилган биржа савдолари ушбу товар бозорларида муаносиб ҳолатнинг шаклланишига олиб келди. Хусусан, янги кўришларнинг ўрнатилган пайтдан бошлаб 2019 йил охиригача бўлган даврда «Аи-91» бензини бўйича биржадаги нарх 4,6 фоизга ва 12 навли унинг нархи 12 фоизга камайдди. Нархларнинг пасайишига савдога қўйилаётган товар ҳажмларининг ўсиши ва улардан эркин фойдаланиш имкониятининг тақдим этилгани замин яратди.

### Экспорт ҳажми ўзгардим?


Ижобий ўзгаришлар биржанинг экспорт йўналишида ҳам кайд этилди. Хусусан, ўтган йилда биржа орқали экспортга сотилган товарларнинг умумий қиймати 130,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилдан эса монопол маҳсулотларнинг бир қисми фақат биржа савдолари орқали экспорт қилинади. Бу натижаларни янада яхшилашга ҳизмат қилади.

Электрон тижорат соҳасида бир нечта янги лойиҳалар амалга оширилди. Улар қаторига мобил ра-

қамларни онлайн сотуви бўйича «mobilraqam.uzex.uz» веб-сайти ва логистика бўйича «mytransport.uz» порталининг ишга туширилишини мисол қилиш мумкин.

### Авторақамлардан қанча фойда кўрилди?

2019 йилда «avtoraqam.uzex.uz» веб-сайтида онлайн-аукцион орқали 156,1 млрд. сўмлик 36,3 мингдан зиёд «чиройли» авторақамлар сотилди. Бунда авторақамларнинг сотуви сон жиҳатдан 51,1 фоизга, ҳажми бўйича 28,3 фоизга ўсди. Тузилган битта



битимнинг ўртача қиймати 4,3 миллион сўмни ташкил этган. 2020 йилдан давлат харидлари бўйича маҳсул ахборот порталида давлат харидларини худудлар кесимида ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокида амалга ошириш имконини берувчи «milliydokon.uzex.uz» ва «emilliydokon.uzex.uz» янги савдо тизими ишга туширилди.

### МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

#### Янги тизим ишга тушди

UZEX биржаси янги кўргазма-ярмарка савдоси электрон тизимини тест режимида ишга туширди.

Мазкур савдо платформаси жорий йилнинг 27 январидан [yagtagka.uzex.uz](http://yagtagka.uzex.uz) интернет манзили бўйича ўз ишини тўла бошлайди.

Тадбиркорлар мазкур тизимда онлайн тарзда исталган турдаги товарларни сотиши ёки сотиб олиши мумкин.

Янги тизимда нархларни сўраш механизми ҳам қўлланилмоқда. Унга кўра, харидор сотувга қўйилган товарни танлаши ва тизимда худди шундай товар учун бошқа сотувчиларнинг нарх таклифларини олиши мумкин.

Савдолар, шунингдек, рақобатли ёки рақобатсиз шаклларда ҳам ўтказилиши мумкин.

Рақобатли савдолар бошланғич нархни оширишга қаратилган аукцион шаклида ўтказилади. Энг юқори нарх таклиф қилган харидор савдо ғолиби ҳисобланади. Рақобатсиз савдоларида эса сотувчи томонидан савдога қўйилган товарларга харидор томонидан нарх берилиши биланоқ шартнома тузилади.

Кўргазма-ярмарка савдолари воситачиларсиз, яъни тўғридан-тўғри онлайн иштирок этиш имконияти, савдо операцияларни паст транзакцион харажатлар ва тезкорлик билан амалга ошириш каби қулайликларга ҳамда кенг қамровли мижозлар базасига эга.

жа савдолари «XORAZM SHAKAR» АЖ томонидан 2700 тонна ва «ANGREN SHAKAR» МЧЖ томонидан 3000 тонна шакар қўйилган. Ўтказилган биржа савдолари натижасида шаклланган бир тонна шакарнинг ўртача нархи 5 253,2 минг сўмни ташкил этди. Трейдер ва бозор мутахассисларининг кузатишича, шакарнинг биржадаги нархи бошқа улғуржи бозорларидаги нархларга нисбатан пастроқдир. Бугун харидорлар шакарни сотиб олиш учун эркин ва чекловларсиз биржа савдоларида иштирок этиши мумкин. Бунинг учун биржанинг расмий веб-сайтида онлайн аккредитациядан ўтиш ва брокер билан шартнома тузишнинг ўзи кифоя.

### Қандай янгиликлар жорий этилади?

Жорий йилдан 38 та юқори ликвидли ва монопол турдаги

маҳсулотларни фақат очик биржа савдолари орқали сотила бошлади. Бунда бозор тамоийллари тўла қўлланилади. Шунингдек, биржанинг ягона клиринг тизими жорий этилади. Яъни эндиликда мижозлар биржа савдолари ва онлайн аукционларда товарни сотиш ёки сотиб олишлари учун биржанинг ҳисоб-китоб клирингдаги битта ҳисобварағидан фойдаланади.

Давлат харидлари бўйича мижозлар учун «SMS-хабарнома» бепул хизмати жорий этилмоқда. Унга кўра, буюртмачилар томонидан жойлаштирилган хабар тадбиркорнинг мобил рақамига келиб тушади.

Навбатдаги лойиҳа — кўргазма-ярмарка савдо тизимини тубдан янгиланишини назарда тутди. Унга кўра, савдо иштирокчилари тузилган битимлар ижросини ҳисоб-китоб клиринги палатаси орқали кафолатланадиган тадбиркорлар ва жисмоний шахслар учун ҳам алоҳида веб-сайтлар яратилиши режалаштирилмоқда.

Сирасини айтганда, йўналишга татбиқ этилаётган янгиликлар товар хомашё савдолари иштирокчиларига қулайликлар яратмоқда. Савдодаги шаффоф тизим эса нарх-навоини бир маромада сақланишига хизмат қилияпти. Пировардида аҳоли ўзи маъқул деб билган танловни амалга оширмоқда.

Садокат МАХСУМОВА  
«Mahalla»

Тошкент шаҳрида жамоат транспортига хусусий сектор жалб этилди.



# БИР АСРЛИК ОРЗУ: ҚАЧОН ПАХТАНИ ТЎЛИҚ МАШИНАДА ТЕРАМИЗ?!

ТАЖРИБАЛИ ПАХТАКОРЛАРИМИЗ ЗАРУР АГРОТЕХНИК ИШЛАРНИ ҚИСКА ФУРСАТЛАРДА ЎЗЛАШТИРИБ ОЛАР, АММО ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА КЛАСТЕРЛАРНИ ТЕХНИКА БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

**Й**иллар давомида пахтани ўз вақтида йиғиб-териб олиш учун мажбурий меҳнатга йўл қўйилгани ҳам, бунинг учун болалар меҳнатидан фойдаланилгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Кейинги йиллардаги ўзгаришлар сабаб бундай кўнгилсиз ҳолатларга барҳам берилди. Шу билан бирга, эндиликда пахтани шунчаки хомашё сифатида сотиш эмас, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Кўзланган мақсадга эришиш учун соҳани ҳар томонлама ривожлантириш керак. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 январдаги «Республика ҳудудларида пахта ҳосили теримини механизациялаш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тизимни янги босқичга олиб чиқиш учун ташланган яна бир дадил кадам бўлди. Унда қайд этилганидек, 2026 йилга келиб пахта ҳосили тўла терим машиналарида йиғиб олинади. Бунинг учун эса айни кунларданок режали ишларни бошлаб юбориш зарурлиги қайд этилади.

танлаш, экиш, қаторлар орасига ишлов бериш, дефолиация қилиш каби юмушларга аҳамият қаратилади. Шунингдек, эндиликда машина теримига ажратилган далаларнинг қаторлар ораси устун даражада 76 см. кенгликда тайёрланади. Қолаверса, машинада теришга мослашган пахта кўсақлари бир вақтнинг ўзиде 90 фоиз очилиши керак. Пахта навини танлаш, экиш ва унга ишлов беришда шу каби жиҳатлар эътиборга олинади.

Пахтани етиштириш, уни йиғиб-териб олиш ҳам ўзига хос илмни талаб қилади. Ай-



жалланаётган ҳудудлар билан боғлиқ вазифаларни бажаришга киришилган. Жумладан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари билан ҳамкорликда жорий йилнинг январь-февраль ойларида технологик операцияларни ўтказишга қўйилган талаблар ишлаб чиқилмоқда. Бунда кузги шудгорлаш, далаи экишга тайёрлаш, экин экиш, культивация ва чеканка қилиш каби ишларни самарали ташкил этиш назарда тутилган. «Ўзпахтасаноат» АЖ ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги жорий йилнинг февраль-март ойларидан бошлаб пахта эквучи хўжаликларни машинада теришга мослашган юқори сифатли чигит билан таъминлаш

**«**ЭНДИЛИКДА МАШИНА ТЕРИМИГА АЖРАТИЛГАН ДАЛАЛАРНИНГ ҚАТОРЛАР ОРАСИ УСТУН ДАРАЖАДА 76 СМ. КЕНГЛИКДА ТАЙЁРЛанади.

ишларини бошлайди. Қолаверса, машина ва қўлда терилган пахта сифатини, шу жумладан, машинада терилган пахта учун оширилган тарифлар бўйича ҳақ тўлашни ҳисобга олган ҳолда пахтани машинада теришнинг молиявий, иқтисодий самардорлигини ошириш механизмлари ишлаб чиқилади.

## Пахта териш машиналари етарлими?

Тажрибали пахтакорларимиз зарур агротехник ишларни қиска фурсатларда ўзлаштириб олар, аммо фермер хўжаликлари ва кластерларни техника билан таъминлаш қандай амалга оширилади?

— *Биринчи босқичда Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида пахтани машинада териш амалиёти кенгайтирилади, — дейди Ш.Тешаев. — Шундан келиб чиқиб, жорий йилда «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ тизимдаги ташкилотлар томонидан Тошкент ва Сирдарё вилоятларига 250 дона, Жиззахга 300 ва Қашқадарё вилоятига 200 дона пахта териш машиналари етказиб берилиши прогнози қилинган. Мазкур қарорда белгиланган режа асосида терим машиналарига бўлган эҳтиёж республика миқёсида қондириб борилди. Натيجеда 2026 йилга бориб республикамиз деҳқонларига жами 10270 дона терим ма-*

## БИЛАСИЗМИ?

АҚШ, Россия, Буюк Британия каби мамлакатлар пахта ҳосилини машинада териш усулига аллақачон ўтишган.

ишларини етказиб бериш назарда тутилган.

Шунингдек, пахта териш машиналарига сервис хизмати кўрсатиш ва эҳтиёт қисмлар ҳамда технологик материаллар билан ўз вақтида таъминлаш учун мутахассисларнинг мобил бригадалари ташкил этилади. «Ўзстандарт» агентлиги 2020 йил 1 майга қадар пахтани машинада теришни рағбатлантириш мақсадида машина терими пахта хомашёсини синфлари бўйича ифлосланганликнинг масса улуши ва намликнинг масса нисбати

меъёрларини қайта кўриб чиқади.

## Хулоса ўрнида

Маълумотларга қараганда, 2020 йилда Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё вилоятларида пахтани машинада териш ҳажмининг 50 фоизга, келгуси йилларда эса 80 фоизга кўтариш режалаштирилган. Ўтган 2019 йилда эса Наманган, Андижон, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё, Самарканд ва Тошкент вилоятларида пахта теришда машиналардан фаол фойдаланилди. Ушбу тажриба ўзини оқлаганини, машиналар толини сифатли ва тезкор йиғиб олишда қўл келганини пахтакорларимиз эътироф этишди. Демак, бу борадаги ижобий ўзгаришларга умид қилас бўлади.

Дарвоқе, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Мурод «Отамдан қолган далалар» романида: «Одамзот Тагарин бўлиб Ойга учди. Одамзот Ойдан тош олиб келди. Аммо... деҳқон оғирини енгил қилажак пахта териш машинаси яратилмади! Одамзот юраги жойига ўзга юрак жойлаштирилди. Одамзот юраги алмаштирилди! Аммо... урчук алмашмади! Шугина урчук ўрни учун бир техника ўйлаб топиб бўлмади! Деҳқон кўнглидагидай бир пахта тергич машина яратилмади!» деб ёзганди.

Бу сўзлар нафақат асар қаҳрамонининг, балки бутун халқимизнинг бир асрлик орзуси эди. Қутилаётган янгиликлар ана шу орзумиз ушалишига хизмат қилиб, пахтакорларимиз оғирини енгил қилса, не ажаб!

**Боборавшан  
ҒОЗИДДИНОВ**  
«Mahalla»



## Машина сотиб олиш билан иш битмайди!

— *Юқоридаги қарорда 2026 йилгача бажарилиши керак бўлган ишлар тўла кўрсатиб ўтилган, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўринбосари Шухрат Тешаев. — Хужжатга кўра, мазкур амалиётга ўтиш икки босқичдан иборат бўлади: биринчи босқич — Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида 2020-2022 йиллар давомида амалга оширилса, иккинчи босқич — 2023-2026 йилларда республиканинг қолган ҳудудларида давом этади. Ўрни келганда таъкидлаш керак, пахта майдонига терим машинасини бошқариб бориш билан иш битмайди. Бунга тажрибали деҳқонларимиз яхши билади.*

Шу боис, аввало, агротехник ишларни шунга мослаб бўлири йўлга қўйиш зарур. Бунинг учун тегишли чигит навларини

никса, соҳага замонавий технологияларни жалб этишда тажрибали, чуқур билимга эга деҳқон ва механизаторларга эҳтиёж сезилади. Шу боис пахтани машина ёрдамида теришдан олдин технологик операцияларни ўтказиш бўйича қўлланмалар ишлаб чиқилиб, фермерларга тарқатилади. Шунингдек, ҳудудларда семинарлар ўтказилиб, технологик операцияларни сифатли бажариш бўйича тавсиялар муҳокама қилинади. Замонавий пахта териш машиналаридан тўғри ва оқилона фойдаланиш учун механик-хайдовчилар ва муҳандислар тайёрланади.

Айни дамда пахтани машинада териш мўл-

## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

2019 йилда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган грантлар танловида «Пахта майдони агрофонини шакллантириш ва кластер асосида пахта хомашёсини машина орқали бир теримда йиғиб олиш учун техник воситаларнинг таянч тўпламини ишлаб чиқиш» мега лойиҳаси ғолиб бўлган эди. Ушбу лойиҳага 3,3 млрд. маблағ ажратилган бўлиб, режадаги ишларни икки йил давомида амалга ошириш назарда тутилган.

Лойиҳага кўра, бир нечта пахта терим машиналари 11 та масъул ташкилот ҳамкорлигида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилади. Улар икки тилда бўлиб, пахтанинг қачон ва қандай етилганига қараб ишга туширилади. Бундан ташқари, пахта барглари тўқувчи ва яна бир нечта вазифаларни бажарувчи машиналар ҳам лойиҳага мувофиқ тайёрланади.

Маълум қилинишича, лойиҳада кўрсатилган прототип машиналар амалда синаб кўрилган ва яхши натижани қайд этган. Шунингдек, яратилажак пахта териш машиналарини Озарбайжон, Қозғоғистон, Туркия мамлакатларига экспорт қилиш ҳам кўзда тутилган.

Европа иттифоқи Ўзбекистонга сувдан самарали фойдаланиш ускуналарини тақдим этди.

# МАМЛАКАТИМИЗДА ЧЕТ ЭЛДА ИШЛОВЧИЛАР УЧУН МЕХНАТ ЯРМАРКАЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

ФУҚАРОЛАРИМИЗ ЭНДИ БЕВОСИТА ХОРИЖИЙ ИШ БЕРУВЧИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТДА БЎЛИБ,  
ЎЗЛАРИНИ ҚИЗИҚТИРГАН БАРЧА МАЪЛУМОТЛАРГА ЭГА БЎЛИШАДИ

Ўзбекистонда монополияга чек қўйиш мақсадида 2018 йилдан бошлаб, хусусий бандлик агентликлари фаолиятига рухсат берилган эди. Аммо фаолиятини тўғри бошқармаганлиги, қонунбузарликларга йўл қўйган айрим ХБАларга нисбатан жиноий ишлар қўзғатилди. Бироқ бу билан барча хусусий бандлик агентликлари фаолиятини қониқарсиз деб бўлмайди. Уларнинг орасида юртдошларимизни хорижий давлатларда мунтазам иш билан таъминлаб келаётгани кўпчиликини ташкил этади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ташки меҳнат миграцияси агентлиги ва талбиркор шаклидаги хусусий бандлик агентликларининг асосий мақсади битта – вақтинча ишсиз фуқароларимизни яхши маошли, шароити ҳам қониқарли иш-жой билан таъминлашдир.

Бу борада Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташки меҳнат миграцияси агентлиги фуқаролар учун тартибланган, ҳимояланган, кафолатланган меҳнат миграцияси тизимини йўлга қўйиш мақсадида хусусий бандлик агентликлари билан ҳамкорликда мамлакатимизда илк бор хорижий корхона ва ташкилотлар вакиллари иштирокида меҳнат ярмаркаларини ўтказмоқда.

Хўш, бундай меҳнат ярмаркаларини ўтказишдан мақсад нима? Бу қандай тизим? Ишсиз фуқаролар учун унинг қандай қулайлиги бор? Ана шундай саволларга жавоб олиш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташки меҳнат миграцияси агентлиги матбуот котиби **Ортиқхўжа Норовга** мурожаат қилдик.

– Ўзбекистонда биринчи марта ўтказилаётган бундай меҳнат ярмаркалари хорижий иш берувчилар вакилларининг шахсан ўзлари иштирок этаётгани билан аҳамиятлидир, – дейди **Ортиқхўжа Норов**. – Мазкур ярмарка нафақат Ташки меҳнат миграцияси агентлиги, балки хусусий бандлик агентликлари томонидан иш берувчи хорижий корхона ва ташкилотлар билан эришилган келишувлар асосида ташкил этилмоқда. Бу юртдошларимизнинг хорижда иш топиб беришни ваъда қилаётган турли воситачи шахсларга нисбатан алданиб қолиш ҳолатларини камайтиради.

Ярмаркада хорижий иш берувчилар томонидан турли иш дастгоҳларида иштирокчиларнинг малакаси текширилиб, уларга таклиф этилаётган иш талаблари ва шароитлари, иш ҳақи ҳақида зарур маълумотлар берилмоқда.

## Хорижий иш берувчиларнинг фаолияти қонунийми?

– Ташки меҳнат миграцияси агентлиги тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда хорижий давлатларнинг ташки меҳнат бозоригада эхтиёжларини доимий ўрганиб боради. Бугунги кунда Ташки меҳнат миграцияси агентлигининг Россия Федерацияси, Польша, Туркия, Латвия, БАА, Болгария, Қозғистон, Қувайт давлатларида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини уюшган тартибда меҳнат фаолияти билан таъминлаш билан шуғулланувчи 60 та иш берувчилар ва рекрутнинг агентликлари билан аниқ келишувлар мавжуд. Шунингдек, хусусий бандлик агентликлари томонидан Россия Федерацияси, Туркия, Болгария, Латвия, Литва, БАА, Польша, Япония, Бе-

## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш ва тубдан қайта қўриб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш излаётган шахслар ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низоом асосида 96 та хусусий бандлик агентликлари реестрда рўйхатдан ўтган.

Мазкур амалиёт жорий этилгандан буён жами 60 та хусусий бандлик агентликларига ваколатли орган томонидан лицензия тақдим этилган. Шу кунга қадар 12 тасининг лицензияси бекор қилинган.

Ўтган давр мобайнида 5 та хусусий бандлик агентликларига нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

ларусь, Эстония, Хорватия, Қозғистон, Украина, Чехия, Буюк Британия, Португалия, Греция, Германия, Исроил, Қатар, Уммон, АҚШ давлатларидаги 170 дан ортиқ иш берувчилари билан ишга жойлаштириш юзасидан келишувларга эришилган.

Албатта, меҳнат ярмаркасига тажрибага эга, салоҳиятли хорижий иш берувчилар таклиф этилган. Аммо хар доим фуқаролардан хорижда ишлаш юзасидан воситачи фирмалар ёки иш берувчилар билан шартномалар тузаётганда барча ҳужжатларнинг қонунийлиги, иш берувчининг имкониятлари, меҳнат шароитлари, иш ҳақи миқдори каби масалаларни апрофича ўрганиб чиқиш, таклифлар шубҳали туюлса, ваколатли ташкилотлардан маслаҳат сўраш, таклиф ва келишувларга тўлиқ ишонч ҳосил қилинган хорижда ишга кетиш талаб этилади.

## Кўпроқ қандай иш ўринлари таклиф этилмоқда?

– Биринчи марта (Қашқадарё ва Андижон вилоятларида) ташкил этилган меҳнат ярмаркаларида Россия Федерацияси, Польша, Туркия, БАА, Ҳиндистон, Украина, Болгария, Литва, Латвия, Япония ва Венгрия каби давлатлардан 70 дан ортиқ иш берувчилар иштирок этди. Улар, асосан, қурилиш, уй ҳўжалиги, йўловчи ва юк ташин хизматлари, мебель ишлаб чиқариш, балиқчилик, пар-



рандачилик, меҳмонхона бизнеси, тиббиёт, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришнинг бошқа йўналишларида 10 мингга яқин бўш иш ўринларини тақдим этишди.

Биргина Андижон вилоятида ўтказилган меҳнат ярмаркасида Россия Федерацияси, Латвия, Болгария вакиллари ўз таклифлари билан иштирок этди. Шунингдек, уларнинг каторида юртимизда фаолият юритадиган 20 га яқин хусусий бандлик агентлиги вакиллари ҳам катнашди. Ярмаркага ташриф буюрган мингдан зиёд фуқаро эса хориждаги 10 мингга яқин бўш иш ўринлари ҳақида маълумот олиш имконига эга бўлди. Ярмаркада иштирок этган 500 нафарга яқин фуқаро иш берувчилар тақдим этган иш ўринларида фаолият кўрсатиш истагини билдирди.

## Очиқлик таъминланадими?

Айни пайтда хорижда ишлаш истагидаги кўпчилик фуқаролар ва хорижий иш берувчилар ўртасида дастлабки келишувларга ҳам эришилган. Аниқ рақамларни иштирокчиларнинг хориққа бориб, иш билан таъминланганидан кейин айтиш мумкин. Бу янги тизим, фуқароларни уюшган ҳолда хорижда қонуний ишга йўналтириш тизимдаги очиқликни таъминлашга хизмат қилади.

## Бундай ярмаркалар бошқа ҳудудларда ҳам ўтказиладими?

– Мазкур ярмаркаларни ўтказишдан асосий мақсад – хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагидаги фуқаролар ва хорижий иш берувчилар ўртасида билвосита эмас, бевоСИТА мулоқотни ташкил этиш. Бу каби ярмаркалар юртимизда хавфсиз, тартибли, ташкиллаштирилган меҳнат миграциясини йўлга қўйиш имконини беради. Келгусида хорижий иш берувчиларнинг меҳнат ярмаркасини Қашқадарё ва Андижон вилоятларидан ташқари, республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказиш режалаштирилган.

Бу ҳақда фуқароларимизни вилоят телеканали, вазирлик ва ташки меҳнат миграцияси агентлигининг ахборот каналлари орқали хабар бериб борилади.

## Ташки меҳнат миграцияси тизими такомиллаштириладими?

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг ташки меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, талбиркорлик субъектларига тегишли лицензия асосида фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш ҳуқуқи берилиб, мазкур соҳадаги давлат монополиясига барҳам берилган. Ташки меҳнат миграцияси тизимини янада такомиллаштириш мақсадида жорий йилда «Меҳнат миграцияси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш режалаштирилмоқда.

«Меҳнат миграцияси тўғрисида»ги қонун лойиҳасида бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиқиб, норасмий меҳнат миграциясидан фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган рағбатлантирувчи нормалар, ишнинг ўзига хос хусусиятига кўра, хорижий давлатлар ва ваколатли ташкилотлар билан битимларни тузиш ва бекор қилишнинг соддалаштирилган тартиби, фуқаролар манфаатларини ифодалайдиган қондилар ҳамда халқаро меҳнат ташкилотининг тавсияларини имплементация қилиш ва меҳнат миграцияси муносабатларини тўғридан-тўғри тартибга солувчи нормалар назарда тутилган.

«Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасида эса хусусий бандлик агентликлари жавобгарлиги ва билимининг баҳолаш марказлари талабларини кучайтириш, хусусий бандлик агентликлари ва иш изловчи ўртасида тузилган хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни ҳисобга олиш механизминини жорий этиш белгиланган. Қонун лойиҳасига хусусий бандлик агентлиги ва иш кидираётган шахс ўртасида тузилган хизмат шартномаси бўйича тўловларни тўлаш шартларини алоҳида тақдим этиш масаласи ҳам киритилмоқда. Шунингдек, лойиҳада иш изловчи фуқароларни суғурталаш хусусий бандлик агентликлари суғурта қилиш шартномасидаги мажбуриятларни бажармаганда ёки лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига етказилган зарарни қоплаш масалалари назарда тутилган.

Рустам ЮСУПОВ  
«Mahalla»

# Олий таълим соҳаси «коррупциясиз соҳа»га айлантирилади

2018 йилда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази ўтказган сўровда иштирок этганларнинг 29 фоизи олий таълим тизимида коррупция кенг тарқалган деган фикрни билдирган бўлса, 2019 йилда бу салбий кўрсаткич 35 фоизни ташкил этди. Ўтган йилнинг август ойида интернет орқали ўтказилган сўровда Тошкент давлат юридик университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Тошкент тиббиёт академияси коррупция энг кўп тарқалган олий ўқув юртлири сифатида кўрсатилган.

Сўровлар натижасида кўриниб турибдики, мазкур соҳада коррупциянинг олдини олиш ва унга чек қўйиш борасидаги чоралар етарли самара бермаётганини кенг жамоатчилик фикри ҳам тасдиқламоқда. Хўш, эртанинг эгалари таълим олаётган масканларда нима учун бунчалик коррупция илдириб кетди? Бунинг сабаблари нимада? Бу саволларга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ниғматилла Йўлдошев раислигида ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссиясининг кенгайтирилган йўналишида батафсил маълумот берилди.

## Таълимга қатта эътибор қаратилмоқда, бирок...

Сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан олий таълим соҳасини ривожлантиришга қатта эътибор қаратилмоқда. Бу масала давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши даражасига кўтарилиб, олий таълим соҳасига оид 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Қиска даврга юртимизда 6 та олий таълим муассасаси, 17 та филиаллар, 14 та хорижий олий ўқув юртлири янгидан ташкил этилди. Юздан ортиқ бакалаврият ҳамда 94 та магистратура йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб, 59 та олий ўқув юртида сиртки, 10 тасида кечки таълим жорий қилинди.

Бундай чора-тадбирлар натижасида ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси уч йил олдинги 9 фоиздан 20 фоизга кўпайди.

Соҳага бюджетдан ажратилаётган маблағлар ҳажми ҳам йилдан-йилга ортмоқда. Агар соҳага 2018 йилда 879 млрд. сўм ажратилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 1 трлн. 288 млрд. сўми, жорий йилда 1 трлн. 888 млрд. сўмни ташкил этган.

Соҳа ходимларининг ижтимоий ҳимояси ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам шахсан давлатимиз раҳбари назоратида. Биргина профессор-ўқитув-

чиларнинг маоши 2018 йилда ўртача 25 фоизга оширилган бўлса, 2019 йил 1 январдан яна 20 фоизга, 1 июлдан эса 25 фоизга оширилди.

Маърифатпарвар адибимиз Абдулла Авлоний айтганларидек, «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалоқат, ё саодат — ё фалокат масаласидир». Зеро, ҳар қандай миллат ва мамлакат таракқиёти ҳамда фаровонлиги ёш авлоднинг таълим-тарбияси билан чамбарчас боғлиқдир.

Бирок олий таълим соҳасида кузатилаётган айрим камчилик ва нуқсонлар, тизимдаги коррупция ҳолатлари, баъзи «зиёли»ларимиз содир этаётган кингир ишлар соҳадаги ислохотларга соя солмоқда.

## Коррупция ҳолатлари нималарда кузатилмоқда?

Йўналишда олий таълим соҳасида коррупцияга қарши кураш бўйича амалий ишлар оқсатганлиги, тизимдаги айрим раҳбарлар бу иллатдан қутула олмаётганлиги танқидий муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ниғматилла Йўлдошев таъкидлаганидек, олий таълим соҳасида коррупция ҳолатлари, асосан, талабалик сафига қабул қилиш, ўқиш жараёнида топширилаётган турли синовлар, талабаларнинг битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, магистратурага қабул, шунингдек, талабаларнинг ўқиш жойини кўчириш, ўқиш йўналишини ўзгартариш ҳамда ўқишга қайта тиклашда кузатилмоқда.

Бунинг оқибатида сўнгги икки йилда тизимдаги 326 нафар ходим таълим жараёни билан боғлиқ жиноятлари учун жавобгарликка тортилган. Уларнинг 220 нафари коллеж ва академик лицейларга, 106 нафари олий ўқув юртлирига тўғри келади.

Институт ва университетларнинг жиноят содир этган ходимларидан 3 нафарини ректорлар, 5 нафарини прокурорлар, 15 нафарини декан ва декан ўринбосарлари, 62 нафарини ўқитувчилар ташкил этади.



Коллеж ва академик лицейларда эса 34 нафар директор, 31 нафар директор ўринбосари, 94 нафар ўқитувчи жиноятга қўл урган.

— *Талабалик сафига қабул қилиш жараёнларини ҳам тақомиллаштириш зарур. — деди Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссияси раиси Н.Йўлдошев.* — Чунки ўқишга киришни ваъжи билан 115 нафар, жумладан, 58 нафар олий ва 57 нафар ўрта махсус таълим ходимлари жиноий жавобгарликка тортилган. Масалан, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқитувчиси К. Фуқаро Д.ни институтининг бухгалтерия факультети сиртки йўналишига ўқишга киришни учун 10 минг АҚШ доллари олганда ушланган. Қарши давлат университетининг прокурори Н. махсус сиртки бўлимга кириш имтиҳонларидан ўта олган О.ни ўқишга киришида ёрдан бериш ваъжи билан 3 минг АҚШ доллари олгани учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Ижодий имтиҳон жараёнлари ҳам ҳолис ва адолатли ўтказилгани, деб бўлмайдди. Хусусан, Фарғона давлат университети ўқитувчиси С. қабул комиссияси аъзоси эканлигидан фойдаланиб, фуқаро А.ни ижодий имтиҳондан юқори бал олишида ёрдан бериш ваъжисига 6 минг АҚШ доллари олганда ушланган.

Сўнгги икки йилда 21 нафар талабани бундай жиноятларга аралашиб жавобгарликка тортилганлиги тизимдаги коррупция оқибатидир.

Буни қарангки, олий таълим муассасаларининг магистратура йўналишларида ҳам суниетъёмолчилик ҳолатларига йўл қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Миллий университетига декан лавозимида ишлаган А. ва ўринбосари Ю. фуқаро Р.ни магистратура йўналишига киришни ваъжисига ундан 2 минг АҚШ доллари олганлиги учун унга суд ҳукми билан жазо тайинланди. Нукус давлат педа-

гогика институти собиқ ректор ва проректори магистратура босқичига синовдан ўтган 55 нафар талабгорнинг имтиҳон натижаларини сохталаштирган. Мазкур ҳолат бўйича айбдор шахсларнинг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинган.

## Мутасаддилар ҳам коррупцияга йўл қўйганми?

Талабалар ўқиш жойини кўчириш, ўқиш йўналишини ўзгартариш ҳамда ўқишга қайта тиклашда коррупцияга дуч келаётгани, бунга олий ўқув юрти ва вазириликнинг айрим мутасаддилари бош қўшганига нима дейсиз?

Муқаддам олий таълим соҳасида ишлаб, таълим билан боғлиқ порухўрлик ва фирибгарлик жиноятлари учун 4 мартаба судланган У. Олий ва ўрта махсус таълим вазириликда масъул лавозимда ишлаб, таълим билан боғлиқ қатор жиноятларга қўл урган.

Жумладан, У. Россия ва Украина тиббиёт олийгоҳларида таълим олаётган икки нафар талабанинг ўқишини Тошкентдаги олийгоҳларга кўчириш учун 4 минг АҚШ доллари олганлиги фож этилган. Бундан ташқари, терговда У. яна 6 та ҳолатда ўқишга кириштиш, талабаларнинг ўқишини тиклаш ва кўчириш масаласини ҳал қилишга ваъда бериб, 14 минг АҚШ долларини пора тарикасида олганлиги аниқланган.

— *Бюджет маблағларини сарфлаш жараёнидаги талон-тарозликлар соҳадаги асосий коррупциявий омиллардан бири бўлиб қолаётир. — деди Бош прокурор Н.Йўлдошев.* — Ўтган йилда Давлат молиявий назорати департаменти томонидан текширилган 1107 та вазирик муассасаларининг 1035 таси ёки 93 фоизда 16,7 млрд. сўмлик молиявий қонунбузарликларга йўл қўйилган. Олий таълим соҳасида йўл қўйилган коррупция ҳолатларининг асосий сабабларидан бири, бу — ижро интизоми, юридик хизмат фаолияти етарли йўлга қўйилмаганидир.

Бу каби қонунбузарликларнинг келиб чиқишига, албатта, таълим жараёнларининг очик ва шаффоф ташкил этилмагани сабаб бўлаётир.

## Ўринсиз талаблар таълим сифатига таъсир кўрсатапти

Бугун олий таълим муассасалари илмий-тадқиқот фаолиятида ҳам камчилик ва нуқсонлар талайгина. Биргина илмий даража бериш тартиб-таомиллардаги мураккабликлар, ўринсиз талаб ва коррупциявий омиллар таълим сифатига жиддий таъсир кўрсатаётир.

Бундан ташқари, олий ўқув юртлири таълим тилидаги замонавий дарслик ва ўқув адабиётлар билан етарли даражада таъминланмаган.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, олий таълим муассасаларида ўқув режаларидаги фанларнинг 24 фоизи бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар мавжуд эмас. Масалан, Тошкент педиагити тиббиёт институтининг Нукус филиалида 1 минг 552 нафар талаба тахсил оларда, бор-йўғи 15 номдаги 45 дон дарилик мавжуд. Айрим олий ўқув юртлирида дарслик ва ўқув қўлланмалари маънан эскириб, ҳозирги замонавий талабаларга жавоб бермайди. Масалан, тўқимачилик соҳасидаги олий ўқув юртлирида 429 та дарслик ва қўлланманинг ҳар тўртинчиси 10 йилдан 30 йилгача, ҳар учинчиси 30 йилдан 50 йилгача бўлган вақт оралиғида нашр этилган.

Қолаверса, олий таълим муассасаларидаги ахборот-ресурс марказлари, айниқса, кутубхоналардан фойдаланишда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам анчагина.

Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда коррупцияга қарши кескин кураш олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбари бу ҳақда Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлиси ҳамда Олий Мажлис Қонуңчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Хусусан, соғлиқни сақлаш, курилиш ва олий таълим соҳаси коррупцияга ботганини таъкидлаб, «Жойлардаги раҳбарларнинг қонунга зид фаолияти доимо ҳудудларда фаолият олиб бораётган сенаторларнинг эътибор марказида бўлиши керак. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир сенатор коррупцияга қарши курашининг олдинги сафларида бўлиши шарт» деди.

Йўналиш якунида Президентимиз айтганидек, олий таълим соҳасини «коррупциясиз соҳа»га айлантириш, қонун бузилиши ва камчиликларни бартараф этиш бўйича комплекс тадбирларни амалга оширишга қаратилган қарор қабул қилинди.

*Бош прокуратура матбуот хизмати билан ҳамкорликда*

**Рустам ЮСУПОВ**  
тайёрлади.

Тошкентдаги собиқ тўқимачилик комбинати ўрнида бизнес маркази бунёд этилади.

«Молиявий пирамида» — фирибгарликнинг инсонларга катта иқтисодий ва маънавий зарар етказадиган, шу билан бирга, дунёда анча кенг тарқалган турларидан биридир. Бундай фирибгарлик минглаб, юз минглаб, ҳатто миллионлаб фуқароларни ўз домига тортиши билан жамият учун ўта хавфлидир.

Афсуски, сўнгги пайтларда бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам «молиявий пирамида»лар кўринишидаги турли фирибгарлик схемаларидан, шу жумладан, крипто-активлардан фойдаланиш ҳолатлари тез-тез учрамоқда. Келиб чиқishi чет элларда бўлган жиноий гуруҳлар турли электрон платформалар, сайтлар ва ахборот тизимларини ташкил қилиш орқали ноқонуний бойлик орттириш мақсадида аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун Ўзбекистон бозорига кирмоқда.

Бу жараёнда аҳоли молиявий саводхонлигининг пастлиги, шунингдек, уларда крипто-активларнинг мазмуни ва ишлаш механизмлари тўғрисида асосий билимларнинг йўқлиги ёвуз ниятли одамларга қўл келмоқда. Бундай лойиҳаларнинг жозибadorлигини ошириш ва кўп сонли иштирокчиларни жалб қилиш учун тармок маркетинги деб номланувчи усул ва «Понци схемаси» элементларидан фойдаланилапти.

### «Понци схемаси» нима?

«Понци схемаси» ушбу пирамидани ташкил этишнинг жиноий схемасидир. У аввалги инвесторларнинг даромадларини янги инвесторлардан олинган маблағлар ҳисобидан тўлашни назарда тутади. Яъни дастлабки иштирокчилар кейинги иштирокчилар қўшган маблағ ҳисобидан фойда олади. Ўз-ўзидан аёнки, қачондир янги иштирокчилар қўшилиши тугайди ва охирида пирамида кулайди.

Бундай фирибгарлик учун қонунариямизда бирон норма назарда тутилганми? Албатта, Жиноят кодексининг 1881-моддасида (пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб қилиш бўйича ноқонуний фаолият) мулкний манфаат бериш бўйича зимага мажбурият олиш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолиятни амалга оширганлик учун жавобгарлик белгиланган.

# «Молиявий пирамида» — очкўзлар орзуси. У қандай пайдо бўлмоқда?

КОМПАНИЯГА ТЕГИШЛИ АКТИВ ҲЕЧ ҚАНДАЙ РАСМИЙ МОЛИЯВИЙ ЁКИ КРИПТО-МАЙДОНЧАЛАРДА МУОМАЛАДА БЎЛМАЙДИ. У ФАҚАТ ЎЗИНИНГ ЁПИҚ ТИЗИМИДА МУОМАЛАДА БЎЛАДИ ВА ҚИЙМАТИ СУНЪИЙ РАВИШДА ОШИРИЛАДИ

«Молиявий пирамида»лар жуда катта миқдордаги иштирокчиларни жалб қилишга қаратилгани инобатга олинса, бундай лойиҳаларни ташкил этувчиларнинг даромади бир неча миллион АҚШ долларига етиши мумкинлиги ойдинлашади. Минглаб одамлар эса жабрланувчи бўлиб қолаверадилар.

### Уларни қандай аниқлаш мумкин?

«Молиявий пирамида» тузоғига тушмаслик учун фирибгарликнинг мазкур турига хос алоҳида белгиларни билиб қўйиш фойдалан холи бўлмайди. Биринчи белги — унга қўшилиш учун анча сезиларли маблағ сарфлаш заруратидир. Одатда «молиявий пирамида» ташкилотчилари катта фоизлар ва сарфлаш маблағингизни тезда қайтариб олишни ваъда қилади.

### МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

«Молиявий пирамида»га Ўзбекистонда «Аҳмадбой иши» воқеаси ёки бўлмаса, Россияда Сергей Мауроднинг МММ компанияси яққол мисол бўла олади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам фирибгарлик натижасида маблағлар йиғилган ва яқунда кўплаб инсонлар миллионлаб зарар кўришган.

«Молиявий пирамида» яратиб, одамларнинг катта миқдордаги маблағи ва мол-мулкни фирибгарлик йўли билан қўлган киритган чинозлик Аҳмаджон Турсунбоев (Аҳмадбой) ва унинг жиноий шериклари аҳолидан йилига 100 фоиз даромад билан қайтариб бериш эъвазига нақд пул, машина, қорамол ва тилла буюмлар қабул қилган. Дастлабки сармоядорларга тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ тўлаб борилади. Кўпчилик пуллар нима эъвазига кўпаяётгани билан қизиқмайди ҳам.

2016 йилнинг 15 июнида Аҳмад Турсуноевнинг ноқонуний фаолиятига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан чек қўйилди. Ўз вақтида тўхтатилган «молиявий пирамида» аҳолини катта моддий йўқотишлардан сақлаб қолди.

Фонзни олиш учун пирамидада пул тикадиган таниш-билишларни жалб қилиш талаб этилади. Улар ҳар қандай молиявий жавобгарликни рад этиш ва иштирокчидан битим ёки шартномада барча хатарларни қабул қилишга рози эканини талаб қилади.

Реклама, сайт ва тадбирларда юқори даромад олиш ҳақида берилган ваъдаларга қарамай, ташкилотчилар ва



иштирокчилар (инвесторлар) ўртасида тузиладиган расмий ҳужжатларга ҳар қандай молиявий хавфлар ёки инвесторлар маблағларининг йўқотилиши учун ташкилотчиларнинг жавобгар бўлмаслиги ҳақидаги нормалар киритилади.

### Тушунарсиз хизматлар нимадан далолат?

Ақсарият ҳолларда бундай компаниялар ўз хизматлари ёки маҳсулотини фойдаланувчига тушунарсиз ҳолда тақдим этади. Афсуски, бу хизмат ёки маҳсулотларнинг эълон қилинган хусусиятлари тўғрлигини текширишнинг имкони бўлмайди. Куйида улардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

Компанияга тегишли актив ҳеч қандай расмий молиявий ёки крипто-майдончаларда муомалада бўлмайди. У фақат ўзининг ёпиқ тизимида муомалада бўлади ва қиймати сунъий равишда оширилади. Инвесторларнинг маблағлари билан ишлайдиган фонд, крипто ва валюта биржаларида, платформаларда савдо қилувчи автоматлаштирилган ботлар фаолият юритади. Тадбиркорлик асослари ёки бошқа мавзулар бўйича ўқув курслари (видеоматериаллар), тақлиф этилаётган активларни сотиб олиш ҳисобига турли хизматларга (молиявий, сайёҳлик, ва ҳокazo) юқори чеғирмалар тақдим этади. Шартноманинг мазмуни тақлиф қилинаётган маҳсулотга мос келмайди. Масалан, юқори даромадли активларга маблағларни киритишни тақлиф этганда фуқаролар билан фақат консалтинг хизматларини кўрсатишга шартнома тузилади.

Ундан кўзланган асосий мақсад — янги иштирокчилардан инвестицияларни жалб қилиш учун лойиҳа аудиториясини кенгайтиришдир.

### Инвестиция киритишга шошилманг

Бундай лойиҳалар иштирокчилар маблағини жалб қилишга қаратилган. Шунинг учун ҳам лойиҳага қўшилишнинг биринчи шарт мажбурий равишда инвестиция киритиш (пул тикиш) ёки маълум хизматларни сотиб олиш ҳисобланади. Бунда сиз қанча кўп пул киритсангиз, улар тақлиф қилаётган даромаднинг фоизи шунча юқори бўлади.

Бу ҳам етмагандек, сизга янги иштирокчиларни жалб қилиш орқали даромад олишни тақлиф қилишди. Даромаднинг эса жалб этган иштирокчиларнинг сонига қараб белгиланади.

Уларнинг яна бир ўзига хос усули, бу — бошқа иштирокчиларнинг юқори даромадларини намойиш этиш орқали жозибadorликни оширишдир. Улар кўпинча оддий касблардаги одамларнинг лойиҳага қўшилгандан сўнг ҳаёти ўзгариб кетгани, муваффақиятга эришгани ҳақида гапириб беришади. Агар бу воқеа рост бўлса ҳам, уларнинг бойишига дастлабки босқичда бошқа иштирокчилар, яъни фирибгарликнинг потенциал қурбонларининг пулларини жалб қилиш орқали эришилади.

### Компаниянинг «ясалган» имиджи

Бундай компаниялар ўз имиджини намойиш этиш учун шоу-бизнес юлдузлари иштирокида йирик тадбирларни ўтказадилар. Ундан кўзланган асосий мақсад — янги иштирокчилардан инвестицияларни жалб қилиш учун лойиҳа аудиториясини кенгайтиришдир.

Бундан ташқари, иштирокчиларни жалб қилиш учун турли совринли ўйинлар ўтказилади. Аммо унинг ортида ҳам «миси» бўлади. Лойиҳа иштирокчилари орасида одатда гўёки совринни ютган, аслида олдиндан келишилган шахсларнинг мулк бўлган қимматбаҳо совринли (автомашиналар, маиший техника) лотереялари ташкил қилинади. Бу эса инсонларни ўзига охнарабодек тортади.

### Билим ва кўникма талаб этилмайди

Ҳар қандай соҳада ишлаш учун маълум даражада билим ва кўникма талаб қилинади. Аммо биз сўз юритаётган компанияларда ишлаш учун маълум малака, тажриба ва билим шарт эмас. «Молиявий пирамида»ларга кўп сонли фуқароларни жалб қилиш имкониятини берадиган асосий элемент ҳам аслида шу. Шунинг учун ҳам улар компания ҳақида гапира туриб бу жиҳатни алоҳида таъкидлайдилар.

Қиска вақт ичида маблағларингизни икки ёки уч баравар кўпайтиришга чорлайдиган шубҳали схемаларга инвестиция қилиш ва эъзо бўлиш учун кредит ва қарз олишга ошкманг. Агар сизда шубҳали молиявий схемалар асосида иш юритаётган компанияларнинг фаолияти ҳақида бирон бир маълумот бўлса, қонунда белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар беринг.

Шунингдек, крипто-активларни ноқонуний мақсадларда ёки фирибгарлик учун ишлатаётган компаниялар фаолиятига гувоҳ бўлсангиз Президент ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига (fraud@parp.uz) кейинги ўрганиш ва тегишли чораларни кўриш учун юборишингизни сўраймиз. Огоҳ бўлинг, ҳалол меҳнат қилиб топган маблағингизни фирибгарларнинг «стўкин хаста» учун тикманг.


Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Лойиҳа бошқаруви миллий  
агентлиги билан ҳамкорликда  
Садоқат МАХСУМОВА  
тайёрлади.

Мамлакатимизда керамика маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

**2019 йилда Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси аҳоли муурожаатлари асосида 22 та ишлаб чиқариш ва sanoat корхоналарида текширишлар олиб борди.**

# Табиатни тозалитишча сақлайлик!

2019 йил декабрь ойи ҳолатига кўра, олмалик, ангрэн ва бекобод шаҳарлари атмосфера ҳавоси зарарли моддалар билан ифлосланиши бўйича олдинги ўринларда экани маълум бўлди



Хусусан, «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти тасарруфидagi «МАХАМ-CHIRCHIQ» акциядорлик жамиятининг «Карабамид» ва «Аммиак селитраси» ишлаб чиқариш цехларида атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларнинг миқдори рухсат этилган меъёрдан 1,2-8,0 мартага юқори экани аниқланди. Шу билан бирга, «Зичлиги паст азот кислотаси» ва «Аммиак селитраси» ишлаб чиқариш цехларидаги қувурларнинг герметиклиги бузилиши ҳамда цехдаги сўрувчи тизимларнинг ишламаслиги оқибатида ифлослантирувчи моддалар атмосфера ҳавосига ташланаётгани маълум бўлди.

Қолаверса, текшириш жараёнларида Олмалик шаҳридаги «АММОФOS-МАХАМ» акциядорлик жамиятининг «Аммофос-2» цехида манбалардан ҳосил бўлган аммиак моддаси — 1,15 мартага, азот оксиди — 1,18 мартага, фосфор чанги — 1,23 мартага рухсат этилган меъёридан юқорилиги аён бўлди.

Бу мисоллардан инсоннинг табиатга етказаятган зиёни ҳақида бемалол тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Энг ачинарли жиҳати эса, бугун атмосферага чиқарилаётган зарарли моддалар эртага ўсимлик, ҳайвонот олами билан бирга ўзимиз ва фарзандларимиз саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатишидир.

Хўш, бугун юртимизда фаолият олиб бораётган йирик корхоналарга инсон саломатлигига зарар етказмаслиги учун қандай талаблар қўйилган? Бу ҳолат бўйича мониторинг текширувлари юритиладими? Белгиланган меъёрларни бузган ишлаб чиқарувчиларга нисбатан қандай чоралар кўриломоқда? Атмосфера таркибидagi қандай моддалар инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин?

## 2 миллиард сўмга яқин компенсация ундирилди

— Юқорида аниқланган ҳолатлар бўйича жами 33 нафар мансабдор ва масъул шахсларга нисбатан жами 32 миллион сўмдан ортиқ маъмурий жазималар қўйилди, ўсимлик дунёсига етказилган 223 миллион сўмдан зиёд зарарни қоплаш белгиланди, — дейди Экологик назорат инспекцияси бўлим бошлиги Хуршид Пиров. — Атроф-муҳитни ифлослантирувчи ва чиқиндиларни белгиланмаган жойларга жойлаштиришни учун Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 октябрдаги қарорига асосан, 414,3 миллион сўм компенсация тўлов-

лари қўшимча равишда ҳисобланди. Текшириш якуни билан корхонада аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва келгусида бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, 41 банддан иборат бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар берилди.

22 та йирик корхоналарда ўтказилган шу каби экологик назорат тадбирларида sanoat мажмуаларига нисбатан жами 50 миллион сўмдан зиёд маъмурий жарималар қўлланилган. Ундирилган компенсация миқдори эса 2 миллиард сўмга яқиндир. Текширишлар даврида 10 дан ортиқ ускуналар ва цехлар фаолияти вақтинча тўхтатилди.

## Муурожаатларни кўриб чиқиш тартиби қандай?

Хуршид Пировнинг таъкидлашича, қўмитага келиб тушган ҳар бир оғзаки ва ёзма муурожаат жойига чиқиб, тадбиркорлик фаолиятига аралашмаган ҳолатда ўрганилади. Корхонадан меъёридан ортиқ тугун чиқаятган ёки чиқинди ташқарига чиқарилаётган бўлса, ўша жойнинг ўзида маълумотнома тузилади. Ишлаб чиқарувчига аниқланган вазиятни бартараф этиш муддатлари белгиланган расмий огоҳлантириш хати берилади. Имкони бўлса, муаммога ўша куннинг ўзида ечим топиш чораси қўрилади. Агар корхона сурункали равишда атрофни ифлослантириб келаятган бўлса ёки икки-уч марта огоҳлантиришлардан кейин ҳам камчиликларни хал қилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил — Бизнес-омбудсман ягона хизмат марказига текширишга буюртма берилади. Улардан олинган рухсат асосида, 10 кун мuddат ичида корхона текширилади. Натijaлардан келиб

чиқиб зарур чоралар қўрилади.

## Юқори даражали хавфли корхоналар қанча?

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги «Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига кўра, цемент ишлаб чиқариш корхоналари атроф-муҳитга таъсир кўрсатишининг I тоифасига мансуб (юқори даражали хавфли) фаолият тури деб белгиланган. Айни вақтда юртимизда шундай корхоналар сони 181 та бўлиб, улар атроф-муҳитга йилига 808 минг тонна ташламалар чиқаради.

Давлат экология қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирилик хамда Ўзгидромет марказининг худудий бўлинмалари билан ҳамкорликда 2019 йил октябр ойида 13 та цемент ишлаб чиқариш корхоналарига туташ худудлар атрофидан атмосфера ҳавосига ташланаётган зарарли ташламалар бўйича намуналар олиниб, тахлиллар ўтказилди. Унга кўра, 5 та корхонага туташ худудлар атрофидagi атмосфера ҳавосида ифлослантирувчи моддалар (чанг) миқдори рухсат этилган меъёрдан юқорилиги аниқланди. Хусусан, шу каби моддалар Қорақалпоғистон Республикасидаги «Titan cement» кўшма корхонасида 1,06-4,6 марта, «Karakalpak cement» кўшма корхонасида 6,06 марта, Фарғона вилоятидаги «Tigon eco cement group» корхонасида 1,68-1,8 марта, «Yauranggirs» корхонасида 1,7-1,86 марта ва «Fergana cement» кўшма корхонасида 1,16-1,36 марта рухсат этилган меъёрдан юқори экани маълум бўлди.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизимини такомиллаштириш тўғрисида» қарор билан 2021 йил 1 январдан атроф табиий муҳит давлат мониторинги тизимининг ягона геоаборот маълумотлар базасининг тўлиқ фаолият кўрсатиши белгиланган, — дейди Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бошқарма бошлиги Тулаган Абдулгўзиев. — Бундан ташқари, давлат органларининг хўжалик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш мақсадида узибу хўжжасат билан 2021 йил 1 январдан бошлаб атроф табиий муҳитга таъсир қилиш хавфи юқори бўлган янги ишга тушириладиган хўжалик субъектларининг атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбаларида намуналарни олиш ва тахлил қилиш бўйича автоматик станциялар, шунингдек, уларга туташ худудларда стационар қузатиш пунктлари (постлари) мажбурий тартибда хўжалик юритувчи субъектлар маблағлари ҳисобидан ўрнатилиши белгиланган.

## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ҳар йили бутун дунёда 1,7 миллион боланинг ўлимига сабаб бўлмоқда. Бир ойликдан беш ёшгача бўлган болалар ўртасидagi ўлимнинг тўртдан бирини носоғлом атроф-муҳит келтириб чиқармоқда.

Бу кўрсаткичлар кишини бир мuddат ўйлашга, мулоҳаза юритишга чорлаши аниқ. Зеро, табиатга зиён етказаятган, атмосферага зарарли моддалар чиқараётган ҳам ўзимиз — инсонлармиз. Агар тахлилларга муурожаат қиладиган бўлсак, атроф-муҳитнинг ифлосланиши кўпроқ йирик корхона ва заводлар ҳиссасига тўғри келаятганини кўришимиз мумкин.

мулоҳаза юритишга чорлаши аниқ. Зеро, табиатга зиён етказаятган, атмосферага зарарли моддалар чиқараётган ҳам ўзимиз — инсонлармиз. Агар тахлилларга муурожаат қиладиган бўлсак, атроф-муҳитнинг ифлосланиши кўпроқ йирик корхона ва заводлар ҳиссасига тўғри келаятганини кўришимиз мумкин.

кузатувлар 25 та шаҳарда 63 та стационар пунктда олиб борилади, — дейди Ўзгидромет табиий муҳит ифлосланиши мониторинги хизмати бошлиги Марина Плюцен. — Кузатув нуқталаридан олинган маълумотлар республика бўйича умуман атмосфера ҳавосининг ўртача ифлосланиши даражаси тўғрисида ҳулоса қилишга имкон беради.

Атмосфера ҳавоси ифлосланиши чанг, олтингузурт диоксиди, азот диоксиди, азот оксиди, карбонат ангидрид, фенол, фторли водород, аммиак, формальдегид, оғир металллар кўрсаткичлари бўйича аниқланади. Бунинг учун кузатув постларида яқинбадан ташқари ҳар кун соат 7:00, 13:00 ва 19:00 да ҳаво намуналари олинади.

Масалан, Ўзгидрометнинг стационар пунктлари жойлашган Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида азот диоксиди, узлерод оксиди, Яншибод туманида чанг, узлерод оксиди, азот оксиди, Мирзо Ўлуғбек туманида кўпроқ чанг, азот ва узлерод диоксидлари, Чилонзорда азот диоксиди, Миробод туманида фенол, азот диоксиди, Сергелида формальдегид ва азот диоксиди бир марталик максимал миқдори рухсат этилган меъёрлардан юқорилиши қайд этилади.

Умуман республика бўйича қайсидир худудда бир ифлослантирувчи модда миқдори юқори бўлса, бошқа жойларда бошқа модда кўпроқ қузатилади.


Табиат — инсон учун берилган энг азиз неъматлардан бири. Уни тоза ва озода сақлаш билан ўзимиз ва келажак авлод саломатлиги учун муносиб ҳисса қўшган бўламиз. Бу билан йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини қоралашдан йироқмиз, албатта. Айтмоқчи бўлганимиз, ҳар бир ишда меъёр ва мувозанат бузимасин.

Шахноза РАҲИМХЎҲАЕВА «Mahalla»

Пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига субсидиялар берилади.

# ТУХМАТ ВА ҲАҚОРАТ УЧУН ЖАЗО ЕНГИЛЛАШАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ КОДЕКСИНИНГ ТУХМАТ —  
139-ҲАМДА ҲАҚОРАТ ҚИЛИШ — 140-МОДДАЛАРИНИНГ САНКЦИЯ  
ҚИСМЛАРИДАН ОЗОДЛИҚДАН ЧЕКЛАШ ҲАМДА ОЗОДЛИҚДАН МАХРУМ  
ЭТИШ СИФАТИДАГИ ЖАЗО ЧОРАЛАРИ ЧИКАРИБ ТАШЛАНМОҚДА



## Сўз эркинлигининг кафолати

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши, адолат ва шаффофлик таъминланиши учун, аввало, сўз эркинлигига эришиш керак. Эркин сўз, эркин фикр орқали мамлакатда очкилик ва ошқоралик юзга келади. Бунда, шубҳасиз, оммавий ахборот воситаларининг муҳим ўрни бор. Қайси мамлакатда сўз эркинлиги таъминланмас экан, у ерда ривожланиш ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмас.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мансабдор шахсларнинг журналистларга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатлари ёки қарорларидан ҳимоя қилиш тизимини кучайтирди. Президент қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидан тухмат ва ҳақорат учун озодликдан маҳрум этишни чиқариб ташлаш бўйича қонун лойиҳаси айна

шу ҳаракатнинг давоми бўлди. Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш доирасида сўз ва фикр эркинлигини таъминлашга оид масалалар юзасидан қонунчилигимизда жиддий жавобгарлик белгиланган. Тухмат ва ҳақорат билан боғлиқ мейёрлар таҳлил қилинганда бу ҳаракатлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазосининг назарда тутилгани оммавий ахборот воситалари ва нодавлат ташкилотларнинг соғлом танқидий фаолиятига таҳдид солиши ойдинлашди. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидан тухмат ва ҳақорат учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини чиқариб ташлаш орқали оммавий ахборот воситалари ролин кучайтириш ҳамда журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган демократик ислохотларин амалга ошириш мумкин бўлади.

## Тухмат ва ҳақорат қандай жазоланади?

— *Ҳужжатга асосан, эндиликда нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матн, оммавий ахборот воситалари ёхуд интернет тармоғи орқали тухмат қилиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг 200*

*бараваридан 400 бараваригача миқдорда жарима ёки 300 соатдан 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Зафар Файзиев.* — Шунингдек, нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда, оммавий ахборот воситалари ёхуд интернет тармоғи ахборот ресурслари орқали ҳақорат қилиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан, шундай ҳаракат хавфли рецидивист томонидан ёки тухмат қилганлиги учун илгари судланган шахс томонидан содир этилган бўлса — базавий ҳисоблаш миқдорининг 400 бараваридан 600 бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари белгиланмоқда. Агар ҳаракатлар жабрланувчини ўз хизмати ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса — базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ бараваридан олтинчи бараваригача миқдор-

да жарима солинади.

## Қонун лойиҳаси қандай ишлаб чиқилди?

— «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги мажбурий қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан ишлаб чиқилиб, халқ муҳокамасига кўйилган, — дейди агентлик ходими Аҳмаджон Юсупов. — Қонун лойиҳаси тўртта моддадан иборат. 1-моддада Жиноят кодексининг 139-, 140-моддалари, 3-моддада Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41-моддаси, 2-моддада Жиноят-процессуал кодексининг 327-моддаси мейёрларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Қонуннинг 4-моддасида Вазирлар Маҳкамасига тегишли вазифалар юклатилган бўлса, 5-моддада ушбу қонуннинг қучга кириш тартиби ўрин олган. Қонун лойиҳасини тайёрлашда дунёнинг АҚШ, Россия, Германия каби етакчи давлатлари тажрибаси ўрнатилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тухмат — 139-ҳамда ҳақорат қилиш — 140-моддаларининг санкция қисмларидан озодликдан чеклаш ҳамда озодликдан маҳрум этиш сифатидаги жазо чоралари чиқариб ташланмоқда. Эндиликда «жабрланувчинини ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан боғлиқ ҳолда» содир этилиши ҳолати алоҳида квалификацияловчи белги сифатида чиқарилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилмоқда. Бунинг натижасида, биринчи навбатда, ҳақорат қилинган тақдирда ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий жавобгарликка тортилгандан кейин қайта мажбурий ҳуқуқбузарликни содир этса, жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланди.

Бу ўзгариш давр талаби, дейиш мумкин. Бугун демократик ислохотларни амалга ошириш учун, аввало, сўз эркинлигини таъминлаш талаб этилади. Айниқса, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда блогерлар жамиятда

шаффофлик ва очкиликни таъминлашга хизмат қилади. Табиийки, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилмай туриб, сўз эркинлигига эришиб бўлмайди.

## Одамлар нима дейди?

Қонун лойиҳасига фуқаролар қандай муносабат билдиришмоқда? Regulation.gov.uz сайтида кўплаб юртдошларимиз лойиҳа хусусида фикр-мулоҳаза билдирган.

— Қонун лойиҳаси жуда вақтида тайёрланган, — дейди наманганлик Зебо Болтабоева. — Айниқса, сўз эркинлигини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлади. Аммо айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Назаримда, жарима миқдори жуда юқори. Базавий ҳисоблашнинг 10-15 бараварга ошириш керак. Айтингимдек, 10 кунлик терговолди текширишда 5 йилдан бери юқори мансабда ишлаб келаётган шахсни 5 йил давомида бирор марта пора олган-олмаганига аниқ ҳулоса бера олмаيمиз. Шунинг учун тақлимим, агар тухмат «00.00.2000 да фалон иш бўйича фалончилардан мана бунча пора олиб битириб берган» деб аниқ сана, шахслар ва ҳолат билан қилинган тухмат тасдиқланмаса, юқоридаги жазони қўллаш мумкин. Бироқ шахс кейинги шахсга (мансабдорга) аниқ сана, вақт, ҳолатдан келиб чиқмаган ҳолда умумий тарзда тухмат қилса, санкцияда кўрсатилган жазонинг ярмини қўллашни тақлимим қиламан. Энг муҳими, бу қарор натижасида сўз эркинлиги бўғилмаслиги керак. Агар фикрини билдирган ҳар бир одамга катта жарима солинавверса, бу жамият ва давлатга катта зарар етказилади.

## Хулоса

Ушбу қонун лойиҳаси айна дамда кизгин муҳокама қилинмоқда. Аксарият фойдаланувчилар ушбу ўзгартиришни ижобий баҳоламоқда. Айю айрим фуқаролар томонидан жарима миқдорининг катталиги эътирозга сабаб бўлмоқда. Ўйлаймизки, мутахассислар муҳокама якунида билдирилган тақлимларни инобатга олиб, қонуний янада мукамал бўлишини таъминлашади.

Хайрулло  
АБДУРАҲМОНОВ  
«Mahalla»

## МЕНДА САВОЛ БОР...

## Тухмат ва ҳақорат учун амалда қандай жазо белгиланган?

— Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидан тухмат ва ҳақорат учун озодликдан маҳрум этишни чиқариб ташлаш бўйича қонун лойиҳаси муҳокамага кўйилди. Аввалги ҳолатда бундай ҳуқуқбузарликка қандай чора кўриларди?

Диёрбек ФАЙЗУЛЛАЕВ,  
Қашқадарё вилояти.

Зафар ФАЙЗИЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси:

— Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексининг 40-моддасида тухмат қилганлик, яъни бошқа шахсни бадном қилувчи ёлғон маълумотларни била туриб, тарқатганлик учун маъмурий жазо — энг кам иш ҳақининг йилгирма баробаридан олтинчи баробаригача жарима белгиланган.

Тухмат қилгани учун маъмурий жазо қўлланидан сўнг содир қилинган тухмат жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 139-моддасига кўра, айна пайтда амалда тухмат қилиш, яъни била туриб, бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Тухмат оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айблаб, оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, хавфли рецидивист томонидан қаразғўйлик ёки бошқа паст ниятларда қилинса, бир йилдан уч йилгача озодликдан чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хозирда муҳокамага қўйилган қонун лойиҳасида озодликдан маҳрум этиш қисми чиқариб ташланмоқда.

Япониялик ҳамкорлар почта хизмати сифатини оширишга ёрдам беради.

**Маълумки, табиий ва ижтимоий-иқтисодий объектларни тасвирловчи, мазмуни ва математик асоси ягона бўлган муфассал умумгеографик хариталар — топографик карталар дейилади. Бундай хариталарда географик ландшафтининг ташқи кўриниши ва унинг асосий элементлари — рельеф, гидрография, ўсимлик, аҳоли пунктлари, йўллар ҳамда саноат, қишлоқ хўжалиги каби ижтимоий инфраструктура объектлари бир хил аниқликда ва мукамалликда тасвирланади.**



## Айрим махфий хариталардан энди фойдаланиш мумкин

**Хўш, БУНГА ҚАНДАЙ ҲОЛАТДА РУХСАТ БЕРИЛДИ? УНИНГ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ? БУ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИД СОЛМАЙДИМИ?**

Бундай хариталардан фойдаланиш шаҳарсозлик ишларида соҳа вакиллари, айниқса, тадбиркорлик субъектлари учун қўл келади. Айни дамда хавфсизлик нуктаи назаридан, бундай хариталарни сир саклаш зарур ҳисобланади. Шу билан бирга, бундай карталардан шаҳарсозлик ишларида унумли фойдаланиш, ўз навбатида, давлат хавфсизлигини сақлаб қолиш муҳим вазифа саналади. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 январдаги «Картография ва геодезия материалларининг (маълумотларининг) чекловчи грифларини белгилаш, фойдаланиш учун очик бўлган хариталарни яратиш, махфий хариталарни ва геодезия материалларини бериш, ҳисобга олиш ва саклаш тартиби ҳамда геодезия ва картография соҳасидаги давлат сирларининг сақлинишни таъминлаш бўйича рухсат бериш тартиботлари тўғрисида»ги қарори ана шу вазифани адо этиш имконини берадиган тарихий ҳужжат бўлди.

Ушбу қарор давлат хизматларини кўрсатиш сифатини ошириб, аҳолининг кенг қатламлари, маҳаллий ва чет эллик тадбиркорларга фазовий маълумотлардан фойдаланиш имкониятини тақдим этади. Шунингдек, геодезия ва картография фаолиятида давлат сирларини муҳофаза қилиш бўйича норматив ҳуқуқий базани таъминлаштириш учун ҳам хизмат қилади.

**Қандай карталардан фойдаланиш мумкин бўлади?**

Мазкур қарор билан Ўзбекистонда

махфий бўлган айрим хариталардан очик фойдаланиш имкони яратилади. Топографик хариталарнинг махфийлик даражаси кескин пасайтирилиб, маҳаллий координаталар тизимида тайёрланган топографик хариталар махфийлигига чек қўйилади.

Бунинг натижасида барча масштабгаги топографик хариталардан бир вилоят ёки Қорақалпоғистон Республикаси миқёсида очик фойдаланиш имконияти яратилади. Яъни эндиликда шу пайтгача тўла сир сақланган хариталардан тадбиркорларимиз махсус рухсатнома олиш эвазига маълум ҳудудда фойдаланиши мумкин. Бу ўша ҳудудда олиб борилаётган қурилиш ишларида, тадбиркорларнинг ўзига муносиб жой ташлашида қўл келади.

АҚШ Мудофаа вазирлиги 1984 йилда умумжаҳон геоде-

зия координаталари тизimini ишлаб чиққан. Бугун ушбу турдаги карталар «WGS-84» деб номланади. Мазкур қарор билан WGS-84 координаталар тизимида тузилган карталардан ҳам фойдаланиш имкони пайдо бўлди. Ундан битта вилоят ёки Қорақалпоғистон Республикасидан катта бўлмаган ҳудуд учун фойдаланиш мумкин. Маҳаллий координаталар тизимидан фойдаланиш учун очик бўлган хариталар, фотохариталар ва ортофотопланларни яратишда тугаш ҳудудларнинг 10 фоиздан кўп майдонини қамраб олмаслик керак.

Шунингдек, амалдаги тартиб бўйича координаталар тизимидан ва масштабдан катти назар, шаҳарлар ва шаҳарчаларда 10 кв.км. дан (1 000 гектар) зиёд бўлган ҳудуд учун топографик хариталардан махфийлик даражаси олиб ташланди. Бу иқтисодиётнинг турли соҳаларида махсус ва тематик хариталардан, шу жумладан, бош режалардан фойдаланувчилар доирасини кенгайтиради.

### Бу ўзгаришлар нима учун зарур?

Эндиликда паст ва ўрта босимли газ таъминоти, электр таъминоти, канализация ва қоризлар, шунингдек, аҳолиси 100 минг кишигача бўлган аҳоли пунктлари сув таъминотининг тармоқлари ва объектлари тасвирланган махсус хариталар, план ва схемалардан ҳам очик фойдаланиш мумкин



бўлади. Бунда фақат ўта муҳим ва тоифалаштирилган, шунингдек, режимли ва ҳарбий объектларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоқлари кўрсатилмаган бўлиши шарт.

**ТОПОГРАФИК ХАРИТАЛАРНИНГ МАХФИЙЛИК ДАРАЖАСИ КЕСКИН ПАСАЙТИРИЛИБ, МАҲАЛЛИЙ КООРДИНАТАЛАР ТИЗИМИДА ТАЙЁРЛАНГАН ТОПОГРАФИК ХАРИТАЛАР МАХФИЙЛИГИГА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ.**

Айтиш керакки, замонавий технологияларнинг космик ва аэро съёмка материалларини ишлаб чиқаришга таъбиқ этилиши бунёдкорлик ишларини янада осонлаштиради. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлар, қурувчи ташкилотлар учун қатор кулайликларга сабаб бўлади. Жумладан, тадбиркорлик субъектлари ва инвесторларга ер участкалари, қурилиш объектлари ва муҳандислик коммуникациялари тўғрисида маълумотлар очик тақдим қилинади. Юртимизга инвесторларни жалб этишга катта эътибор қаратилаётган паллада ушбу

қарорнинг қабул қилиниши айни муддао бўлди. Чунки эндиликда улар ўзига зарур жойни муаммосиз танлай олади. Бу билан, ўз навбатида, уларда бошлаётган ишига нисбатан қатъий ишонч пайдо бўлади.

Шунингдек, ушбу қарор тадбиркорлик субъектларини геодезия, картография, лойиха-кидирув ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишга жалб этиш учун ҳам замин яратди. Яна бир муҳим жиҳат — эндиликда бош режалар ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини замонавий электрон дастурлар ёрдамида ишлаб чиқиш ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқланганларини геопортал ва интернет тармоқларида очик жойлаштириш мумкин.

### Махфий харитадан қандай фойдаланиш мумкин?

Тадбиркорлик субъектлари, давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари махфий картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) ўзaro алмашиш учун Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси ҳузуридаги Давлат геодезия назорати инспекциясига мурожаат қилиш керак. Бундай мурожаатда махфий ҳисобланган картография ва геодезия материалларини олишдан мақсад кўрсатилиши зарур. Шунингдек, ушбу маълумотларни олаётган ташкилотда махфий иш юритиш мавжуд бўлиши керак.

Сирасини айтганда, Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори турли соҳалардаги ижобий ўзгаришларга сабаб бўлади. Бугунги замонавий технологиялар асрида ердан фойдаланишнинг барча тур-

ларида, аввало, ўша ҳудуддаги тупроқ ҳолатини ва бошқа зарур маълумотларни билиш талаб этилади. Айрим турдаги махфий хариталардан фойдаланишни эркинлаштириш ана шундай муҳим маълумотларни масофадан туриб билиш имконини беради. Бу, ўз ўрнида, келгуси режаларнинг пухта ва соҳалардаги ишларнинг унумдор бўлишига хизмат қилади.

**Тўлқин АБДУЛЛАЕВ, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси ўринбосари.**

Ўзбекистонликларнинг Россияда рўйхатдан ўтмасдан бўлиш муддати узайтирилиши мумкин.

# КРЕДИТДАН МАҚСАДСИЗ ФОЙДАЛАНИШ ДАВЛАТГА НИСБАТАН АДОЛАТСИЗЛИК ЭМАСМИ?

ЁХУД НОВВОСЛАР СИГИРГА, ИССИҚХОНА ТИКУВ  
ЦЕХИГА ҚАНДАЙ АЙЛАНИБ ҚОЛДИ?

Президентимизнинг 2018 йил 27 июндаги «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисида»ги фармони жойларда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, ёшлар бандлигини таъминлашга тўққинлик қилаётган муаммоларни бартараф этиш мақсадида қабул қилинган эди. Ҳўш, жойларда бу мақсадларга қанчалик эришилмоқда? Қўзланган марралар ҳақиқатда қўлга киритилляптими?

Келинг, мазкур ҳолатни Навоий вилояти мисолида кўриб чиқамиз. Маълумотларга кўра, 2019 йилда вилоят бўйича 364 нафар ёш тадбиркорнинг бизнес-режасини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида юқоридаги дастур асосида 108 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган бўлиб, йил давомида тижорат банклари томонидан 111 та лойиҳа учун 32 миллиард 634 миллион сўм маблағ ажратилган, холос.

Ёшларнинг бизнес лойиҳалари нима учун ўз вақтида молиялаштирилмаётгани ҳамда ажратилган кредит маблағларидан қай даражада мақсадли фойдаланилаётгани таҳлил қилинганда аён бўлдики, муаммо фақат молия муассасаларида эмас экан. Тўғри, ресурс йўқлиги баҳонасида кредитларни ажратиш пайсалга солингани бор гап. Аммо ёш тадбиркорлар ҳам кўпроқ фаолиятнинг осон йўналишларини танлашмоқда. Жумладан, чорвачилик, паррандчилик ва иссиқхона йўналишларини танлаганлар кўп бўлган ҳолда, саноат, ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга уринувчилар жуда кам.

— Ёшларимиз беш юз миллион, олти юз миллион сўм кредит олиб, дорихона, гўзаллик салоҳи ва умумий овқатланиш шохобчаси очилиши истаяпти, ваҳоланки, ушбу маблағга текстиль фабрикасини ишга туширса, 10-20 кишини эмас, 50 нафар теңдоданини иш билан таъминласа бўлади, — дейди

Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси Жамийид Ходжаев. — Афсуски, улар дастур имкониятларидан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кўп ҳам эътибор қаратмаётти. Биргина мисол: кредит олган ёшларнинг фаолияти мониторинг қилинганда, афсуски, жараёнда айрим тадбиркорлар ўз бизнес лойиҳасида кўрсатилган иш ўринларини очмагани, баъзилари эса кредит маблағидан мутолақо бошқа мақсадларда фойдалангани ойдинлашди.

## Томдига болалар майдончаси керак эмас...(ми?)

Келинг, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси айтган ҳолатларни аниқ мисоллар ёрдамида кўриб чиқайлик. Мисол учун, Сабина Пулатовага замонавий болалар майдончаси барпо этиш лойиҳасини амалга ошириши учун 88 миллион сўм ажратилган эди. Аммо ёш тадбиркор ўзи сотиб олган аттракционларни Томдига болалар майдончаси учун ажратилган жойда эмас, Зарафшон шаҳридаги истироҳат боғида ўрнатди. Балки Сабинага чўл худудидан кўра, гавжум шаҳар маъқул бўлгандир, чунки одам кўп жойда миҳоз ҳам сербо, даромад ҳам шунга яраша бўлади-да! Аммо, томдлик болалар ҳам замонавий майдончада ўйнаб улғайишни исташади. Афсуски, айна пайтда худудда кичкинтойлар учун биронта бундай маскан йўқ.



## Иккита кредитга бир иссиқхона

Хатирчилик Толиб Мардонов ва унинг рафикаси Наргиза Саидмуродованинг ҳар бири дастур асосида иссиқхона барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш учун 25 миллион сўмдан кредит олишган эди. Аммо ёш тадбиркорларнинг имтиёзли кредит маблағларидан қай даражада мақсадли фойдалангани ўрганилганда уларнинг ҳар иккиси ҳам битта иссиқхонани кўрсатди. Бундан кўринадики, ёш оила 25 миллион сўмдан мақсадли фойдаланган ҳолда, бирлари учун ажратилган яна шунча маблағни бошқа мақсадда сарфлашган.

Умуман олганда, Хатирчи тумани ёшлари учун 2018-2019 йиллар маъзмили дастури асосида ажратилган 6 миллиард 330 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига амалга оширилиши лозим бўлган 60 дан ортқ лойиҳанинг 30 таси йўлга қўйилган, холос.

## Новвослар пулига соғин сигирлар сотиб олинган

Қизилтепа тумани — Навоий вилоятининг тадбиркорлик энг ривожланган худудларидан бири. Туман ахли томорка маданияти, хунармандлик ва чорвачиликда ҳамisha фаол. Афсуски, мазкур туманда ҳам айрим ёш тадбиркорлар ўзларига ажратилган имтиёзли кредит маблағларидан ўз вақтида «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармасига тақдим этган бизнес лойиҳалари бўйича фойдаланмаётти.

Жумладан, 300 миллион сўмлик кредит эвазига чорвачилик хўжалигини барпо этган Азамат Салимов 15 бош зотдор қорамолни сўйиб, гўштини сотиб, бошқа мақсадларга ишлатиб юборган бўлса, 275 миллион сўмга насли қорамол олган Сардор Абдурашидов ҳам гўшпга боқилиши лозим бўлган новвосларни аллақачон сотган.

— Новвослар пулига соғин сигирларни сотиб олдим, — дейди Сардор Абдурашидов. — Гушт бўлмаса-да, сут маҳсулотлари

етиштириб, олган кредитимни қопласам бўлди-да.

Аслида эса, маблағ ажратилишдан аввал ҳар бир бизнес лойиҳа мутахассислар томонидан ўрганилган ва уларнинг истиқболли ҳамда жамиятга келтирадиган фойдаси назарда тутилган ҳолда хулоса берилган. Ёш тадбиркорларнинг бу тарзда ўзбошимчилик билан иш тутиши эса кредит сиёсати талабларидан ташқари, «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури меъёрига ҳам тўғри келмайди.

## Прокуратурага тақдимнома киритилди

Дилноза Шарипова эса иссиқхона баопо этиш мақсадида ажратилган 25 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига тикув машиналари сотиб олган. «Тикувчилик хотин-кизлар учун қулай соҳа-да», десак, аслида бу йўналишда ажратилган кредит маблағларидан ҳам мақсадли фойдаланилмаётти. Масалан, Гулҳаё Абдуллаева тикув цехи очип режасини амалга ошириш учун 70 миллион сўм имтиёзли кредит олган ҳолда, айтиги 3 та тикув машинаси сотиб олган, холос. Ваҳоланки, у бизнес лойиҳаси бўйича 10 та тикув машинаси сотиб олиб, шунча тенгдошини иш билан таъминлаши лозим эди.

Бир сўз билан айтганда, ўзларига берилган имкониятни эркинлик ҳисоблаб, ўз билганича иш тутган ёшлар вилоятнинг ҳар бир туманида топилади.

— Бундай ҳолатларнинг учраётгани ачинарли, албатта, — дейди Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази вилоят бўлими маси раҳбари Умид Баҳромов. — «Yoshlar – kelajagimiz» дастури бўйича ажратилган кредит маблағларидан мақсадли фойдаланмаган тадбиркорларга нисбатан чора кўришни сўраб, вилоят прокуратурасига тақдимнома киритилган. Мақсадли фойдаланилмаган кредитларни банкка қайтариши чоралари кўришмоқда.

## Кредит муддатидан аввал қопланди, аммо...

Берилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз фаолиятини йўлга қўйган йигит-кизлар ҳам кам эмас. Жумладан,

навбахорлик сергайрат ёшлардан бири Мадина Тўраеванинг тадбиркор бўлишдек улкан орузи мазкур ҳаётбахш дастур туфайли рўёбга чиқди. Аммо...

— «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармасининг Навбахор тумани филиалига тақдим этган бизнес лойиҳамга кўра, менга туман ҳокимлиги тасарруфидаси заҳира ерлардан 25 сотих ажратилган эди, — дейди М.Тўраева. — Бироқ 80 миллион сўм кредит 15 сотихлик иссиқхонани барпо этишга ҳам етмади. Автоматшанаменги сотиб, яна ўз ҳисобимиздан маблағ қўйиб, иссиқхонани яратдик. Аммо ишбўйимдаги 10 сотих ер майдони бўйи тургани дилимни хира қилади. Бу жойда иссиқхона барпо этиш учун эса маблағим йўқ. Жамғармадагилар биринчи олган кредитимни муддатидан аввал қопласам, яна имтиёзли маблағ ажратишни айтишганди. Шу асосда яқинларимдан кўмак олиб, уч йиллик кредитни бир йилда тўладим. Бироқ бошқа кредит ололмадим...

— «Yoshlar – kelajagimiz» дастури асосидаги кредитларнинг ўз вақтида ажратилмаётганига банк филиаллариға айнан мазкур йўналишда ажратилмаётгани ресурсларнинг ўз вақтида келиб тулмаётгани сабаб бўлмоқда, — дейди Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Навоий вилоят филиали бўлим бошлиғи Шерзод Гайбуллаев. — 2020 йилда бундай муаммоларға дуч келмаслик учун Марказий банкга тақлифлар берилган. Уйлайманки, жорий йилда бу каби муаммолар кузатилмайд.

Мухтасар айтганда, ёшларга юксак ишпач билдирилиб, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳеч бир маълуматда учрамайдиган имконият яратилди, йиллик 7 фоиз билан, уч йилдан беш йилгача бўлган муддатга кредит ажратиш жорий этилди. Кредит гаровининг 50 фоизи «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармаси томонидан қопланмоқда. Айрим ёшларнинг бу имкониятдан самарали ва мақсадли фойдаланмаётгани эса ачинарли ҳолдир. Уйлаймики, жорий йилда бу борадаги ишлар тизимли ташкил этилади. Зеро, кредит маблағидан мақсадсиз фойдаланиш унга эҳтиёжи бор ёшларга, бундай имкониятни тақдим этаётган давлатга нисбатан адолатсизликдир.

Ҳўш, сиз бунга нима дейсиз, азиз маҳалладош?

Холбиби САҒАРОВА  
«Mahalla»





Санъаткорлар орасида шундай инсонлар борки, кўпчилик уларнинг исмини эслаб қолмаса-да, яратган образлари орқали унга меҳр қўйиб ҳурмат кўрсатишади, ардоқлашади. Улар халқ эътирофини қозонган чин маънодаги санъаткорлардир. Ўзбекистон халқ артисти Азиза Бегматовани «Ўзбекининг чечаси» десак муболаға бўлмайди. «Чеча» дейилиши билан унинг «эсон-омон, соғмисан, болларинг жуғуруб-жуғуриб журубма, хотин куда журубма, сингилларинг журубма, акаларинг журубма...», дея сўрашиши ҳамманинг кўз олдидан ўтиши тайин. Сахиғамизнинг бу галги меҳмони Азиза Бегматова, яъни «чеча» билан дилдан сўхбатлашдик.

## Азиза БЕГМАТОВА:

# «ТОМОШАБИН МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШИМИЗ КЕРАК»

### Мени ҳамма «чеча» дейди

— Актёр учун ўйнаган бирор роли орқали танилиш ва ўша образ номи билан аталиш, бу — катта бахт, — дейди А.Бегматова. — Шундай экан, мени халқимиз «чеча» номи билан таниб, шундай атаганидан хурсандман. Ҳатто, кўча-кўйда юрсам ҳам менга «чеча» дея мурожаат қилишади. Баъзилар исминимни ҳам билишмайди. Аммо мен бундан хафа бўлмайман. Демак, томошабин юрагини забт этбман, дея фахрланаман. Аслида «Чеча» спектакли Мели Юсупов асари бўлиб, 1996 йилда режиссёр Салим Қорабоев ва бадиий раҳбаримиз Баҳодир Йўлдошев томонидан сахналаштирилган. Ушбу асарнинг бунчалик муваффақият қозониши хаёлимизга ҳам келмаган. Асарда миллийлик уфуриб туради. Либослардан тортиб декорацияларгача миллийлик киритилган. Қариндош-уруғчилик, чанқовуз, бешиккертги, етти пуштини билиш кераклиги ҳақидаги урф-одат ва қадриятларимиз мужассамлашган, ушбу спектаклда ёшларга «ўз авлодининг бил, етти пуштининг бил» деган мурожаат бор. Чанқовуз эса сценарийда йўқ эди. Спектаклда чалган чанқовузин онамдан ёдгорлик. Уни сахналаштириш жараёнида режиссёрга олиб келиб кўрсатганман. Режиссёр: «Керакли жойда фойдаланамиз, ёнингизда турсин», деганди. Сўнг ижро



жараёнида уни қўллаганмиз. Чанқовуз чалганимда бутун зал бир қалқиб кетгандай бўлди гўё. Биргина оҳанг миллатнинг тарихидан сўзлаётгандай таралади. Чеча образини мендан бошқа ҳеч ким ўйнамаган. Барча образларнинг дублёри, яъни иккинчи ўйнайдиган актёри бор. Аммо чеча образини 24 йилдан бери фақат ўзим ижро этиб келаман.

### Илк бора ўғил бола тимсолида сахнага чиққанман

53 йилдан бери битта театрда фаолият олиб бораман. Барча қувончу ташвишларим шу маскан билан боғлиқ. Зиддиятли ҳолатлар ҳам бўлган. Аммо ҳар бир нарсадан яхшилиқ қидираман. Сахнада ва ҳаётда ўтган ҳар бир куним кино тасмасидек бир зумда кўз олдимида гавдаланади. Санъат институтини тугатгач, 1966 йили Ёш томошабинлар театрида иш бошлаганман. Илк марта «Тошкент — нон шаҳри» спектаклида Серёжа, яъни ўғил бола образида чиққанман. Ро-

лимга шунчалик киришиб кетганимдан киз бола эканлигини томошабин билмаган. Ушбу спектаклда жуда таъсирчан монолог бор эди. Ҳар йили театр кунига бағишланган фестиваль бўлиб ўтарди. Ўша монологни фестивалда ўқиб, биринчи ўринни олганман. Кейинчалик ҳозирги Ўзбек давлат драма театрига ўтказишди. Жамоани шакллантириш, томошабинга манзур бўладиган спектакллар сахналаштириш йўлида тиним билмай меҳнат қилдик.

Кинода ҳам, театрда ҳам яратган образларимнинг барчасини юракдан ўйнаганман. Юздан ортиқ образлар яратганман. Яна касб танлаш имконияти берилса, барибир актриса бўлардим. Менинг шу даражага етишимизда устозим — халқ артисти Тошқўжа Ҳўжаевнинг хизмати катта бўлган. Ўз бахтимни ҳам шу даргоҳдан топдим. Турмуш ўртоғим Тўлқин ака билан яқиндан танишиб, оила қурдик. У киши узок йиллар театрда декоратор бўлиб ишлади.

### Томошабинни хайратлантириш киини

Ҳозирги томошабинларни хайратлантириш бироз мушкул эканлигини тан олиш керак. Тараққиёт асрида инсонларнинг ахборот олишга бўлган эҳтиёжи кун сайин ортиб борапти. Телевизор, радио, газета-журнал, интернет орқали олинаётган турли ахборотлар ҳам кишилардаги хайрат туйғуси сўнишига оз бўлса-да, сабаб бўлмоқда. Ўн-ўн беш йил аввалги томошабинлар спектакл жараёнида қаҳрамон йиғласа-йиғларди, кулса-кулларди. Бугун хайратдан ёқа

ушлайдиган мухлислар жуда кам. Қолаверса, олдин томошабин бугунгига ўхшаб уйига шопилмасди, жуда сабрли эди. Театр зали ҳар куни лик тўларди. Спектакль тугагач, томошабинлар билан жонли мулоқот қурардик. Актёрлар билан биргаликда томошабиннинг ҳам савияси ҳар спектаклдан кейин бир поғона ўсганини қурардик. Ҳозир ҳам ҳақиқий томошабин йўқ эмас. Бироқ улар жуда кам. Ўйлайманки, яқин йиллар ичида асл мухлислар сафи янада кенгайди. Бугунги кунда Чингиз Айтматовнинг «Жамила», Шароф Бошбековнинг «Ер барибир айланаверади» ва Абдулла Қодирийнинг «Жинлар базми» спектаклини томошабинлар қайта-қайта кўришга тайёрлиги мени қувонтиради.

### Фолбин деб ўйлашган

Шу кунгача 10 га яқин фолбин, лўли аёллар ролини талқин қилдим. Ҳаётда фол, фолбин у ёқда турсин, ҳатто ирим-сиримларга ҳам ишонмайман. Бироқ ёнимга фол очилишимни сўраб келган аёллар ҳам бўлган. Адашмасам, бундан ўн йиллар олдин театрда бир аёл мени излаб келиб, кизининг ҳомиладорлигини, туғилажак набираси киз ёки ўғил эканлигини айтиб беришимни сўради. Гап орасида кўёви бу гал ҳам киз фарзанд туғилса, тўрт нафар киздан ҳам воз кечиб, ажрашиш ниятида юрагини айтди. Унинг кўнглига оз бўлса-да, ёруғлик олиб кириш мақсадида, «Худо хоҳласа, кизингиз ўғил фарзандли бўлади», десам, у аёл қувончи ичига сиймай, «Агар ўғил набира кўрсам, сизга бошдан-оёқ сарпо қиламан», деди. Орадан бир неча ой ўтиб, эшитсам, ўша аёлининг кизи ҳақиқатан ўғил фарзанд кўрибди. Бундан ҳам қувонганман, ҳам ажабланганман. Мен кулги ва хушчақчақликни яхши кўраман. Ҳар қандай нарсадан ва ҳолатдан яхшилиқни топа оламан.

### Санъат саноятга айланмасин

Бугунги кунда театрлардаги жамоалар ҳар доимгидек томошабинлар учун тинимсиз меҳ-

натда. Барчасида яхши асарлар қўйилаяпти. Клипларга, реклама ва киноларга тез-тез таклиф қилишади. Мен учун ролнинг катта-кичиги йўқ. Эпизодик роль бўлса ҳам бор вужудим билан образга киришаман. Аммо, афсуски, кинода хануз оксокланиш сезилиб туради. Бунинг асл сабаби ўз касбининг профессионали бўлмаган актёрлар ва режиссёрларнинг кўпайиб бораётганидир. Мана шундай устоз кўрмаган ёш ижодкорлар фильмларимиз савиясининг тушишига маъно маънода сабаби бўлишяпти. Истеъдоди бўлса-да, лекин астойдил интилайтган, изланаётган ёшларга шу соҳа бўйича устоз кўриб, махсус билим олишларини тавсия қиламан. Шундагина кинода ривожланиш бўлади, санъатимиз саноятга айланмайди.

### Маҳалла — тарбия маскани

Пойтахтимизнинг Чилонзор тумани «Нафосат» маҳалласида яшайман. Маҳалладошларим «чеча» деб мурожаат қилишади-да. Маҳалла — халқимизнинг қадрияти. Маҳалламиздаги бошқа миллат вакиллари ҳам ўзбек тилида сўзлашади, ўзбекча урф-одатлар ва анъаналарни билишади. Оиладаги нотинчликларга барҳам беришда йигини фаолларининг меҳнатлари беқийс. Оиладаги зиддиятларни барҳам топтиришда мен кўп иштирок этаман. Шу пайтгача ўнлаб оилаларни муроасага келтириб хотиржам яшашига ўз хиссамни қўшдим, дея айта оламан. Тарбия оиладан, қолаверса, маҳалладан бошланади. Тарбияли бола ҳам оиласига, ҳам маҳалласига, қолаверса, Ватанига бирдек наф келтиради. Шунинг учун бўш қолдим дегунча маҳалла идорасига ошиқаман. Маҳалла фаолларига муаммоларни бартараф этишда кўмаклашаман. Ёшлар учун биз каби кекса ва нурунийларнинг панду насихати ҳар доим таянч бўлиши тайин.

Нилуфар ЮНУСОВА  
«Mahalla»

### МАЗЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Азиза Бегматова 1998 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони, 2000 йилда «Йилнинг энг яхши ижодкори», «Офарин» мукофоти совриндори, 2006 йилда «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонлари билан тақдирланган. Азиза Бегматованинг театр сахнасида ижро этган роллари жуда кўп. «Дийдор»да Шарқия, «Ўн саккиз ёшлигим»да Шохиста, «Баҳор қайтмайди»да Лобар, «Қайтар дунё»да Хатира, «Чеча»да Чеча, «Ассалому алайкум, кизлар»да Анушахоним, «Майсаранинг иши»да Майсара шулар жумласидан.

Иккинчи жаҳон уруши ғалабасининг 75 йиллигига бағишлаб «Илҳақ» фильми тасвирга олинмоқда.

# ТАОМДАГИ ЗАРАРЛИ ЁҒЛАРДАН ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАНИШ МУМКИН?

ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИНИНГ МАЪЛУМОТЛАРИГА КЎРА, ТРАНС-ЁҒЛАР ҲАР ЙИЛИ 500 МЛН. КИШИНИНГ ЎЛИМИГА САБАБ БЎЛАДИ ВА УМУМИЙ ЎЛИМ КЎРСАТКИЧИНИ 28 ФОИЗГА ОШИРАДИ

Ёғлар биз тановул қиладиган озиқ-овқатнинг энг зарур қисмидир. Айниқса, миллий таомларимизни тайёрлашда ёғлардан мўл-кўл фойдаланилади. Айримлар бу маҳсулотнинг «семиртириш» хусусиятидан чўчиб, имкон қадар ундан тановул қилмасликка интилсалар-да, ёғларни таомланиш рационимиздан бутунлай чиқариб ташлай олмаймиз. Чунки айнан ушбу моддалар организмда «энергия захираси»ни ташкил қилади. Танамиз уларни сақлаш, зарур ҳолларда осонгина ишлатишга мослашган. Тўғри, маълум миқдордаги энергия углеводлар кўринишида организмда тўпланиши ва бу ҳол ортқича вазнга сабаб бўлиши мумкин, аммо захирадаги бундай ёғлар ўсимлик мойларидан иборат бўлса, ундан хавотирланмасак ҳам бўлади. Зеро, бундай «углеводлар омбори» танада қисқа муддатли сақлаш учун мўлжалланган ва танамизда узоқ қолиб кетмайди.

Бундан ташқари, озиқ-овқат билан организмимизга кирган ёғлар ҳужайраларимиз мембраналари ва бошқа биологик тузилмаларни яратиш учун асосий қурилиш материали бўлиб хизмат қилади. Агар шу «қомаш» етишмаса, саломатлигимизда жиддий муаммолар туғилишини ҳам унутмаслик керак. Аммо ҳамма ёғлар ҳақида ҳам бундай дедмаймиз.

## Транс-ёғлар нима?

Организм учун катта зарар етказадиган транс-ёғлар мавжуд. Улар танадаги холестерин миқдорини оширади. Транс-ёғлар табиий маҳсулотларда, хусусан, сут ва гўштда учрамайди. Транс-ёғлар туфайли айрим маҳсулотларнинг яроқлилик муддати узаяди. Аксарият тадқиқотчилар егулик таркибида транс-ёғлар 6-7 граммдан ошмаслигини таъкидлашади. Углеводларнинг организмда кўпайиши ҳам ёғнинг ортқича олиб келади. Транс-ёғлар организм учун жуда катта зарардир. Улар, асосан, фаст-фуд, қандалат маҳсулотлари ва қовурма овқатларда кўп учрайди. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, транс-ёғлар ўндан зиёд касалликларни келтириб чиқаради. Биз ёғлардан эмас, айнан транс-ёғлардан ўзимизни асрашимиз кераклигини унутмаслигимиз керак.

— Транс-ёғлар молекула тузилиши ўзгарган ёғлардир, — дейди фармацевтика факультетининг номзоди Ҳасан Бекчанов. — Уларнинг аксарияти юқори ҳароратда ишлов бериш оқибатида молекула тузилиши ўзгаришида учрайди. Ишлаб чиқаришда юқори босим остида ўсимлик мойига катализатор ёрдамида водород билан ишлов берилади. Натижада қаттиқ ёғ ҳосил бўлади. Энг кўп учрайдиган транс-ёғлар таркибида элайд кислотаси мавжуд, у юрак-қон томир касалликларини хавфли сезиларли даражада оширади.

Транс-ёғларни кўп истеъмол қилиш нафақат семизлик, балки жигарда ёғларнинг тўпланиши ва кейинчалик циррознинг

ривожланишига олиб келади. Транс-ёғлар деменция, яъни кариллик акли заифлиги ҳамда Альцгеймер касаллиги хавфини оширади. Япониянинг Кюсю университети олимлари бундан исботлашди. 1600 нафардан зиёд 70 ёш атрофидаги кишилар қатнашган тадқиқот 10 йил давом

этиб, кузатувларда 377 нафар кишида деменция ривожлангани маълум бўлди. Ёғ кўп истеъмол қилганлардаги акли заифлик кўрсаткичи қолганларга нисбатан 52 фоизга кўп кузатилди.

Саноатда ишлаб чиқариладиган транс-ёғларнинг зарари кўп томонлама исботланган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, транс-ёғлар ҳар йили 500 млн. кишининг ўлимига сабаб бўлади ва умумий ўлим кўрсаткичини 28 фоизга оширади. Транс-ёғларнинг канцероген (хавфли ўсимга пайдо қилиш) таъсири ва 2-тинфиди диабет ривожлантириш хавфи ҳам юқори.

Транс-ёғларни истеъмол қилишнинг хавфсиз даражаси мавжуд эмаслиги боис Дания, Норвегия, Швейцария ва яна бошқа бир қанча мамлакатларда бундай ёғлар истеъмоли бутунлай тақиқланган. Европа иттифоқида озиқ-овқатлардаги ушбу ёғларнинг даражаси 2 фоиздан ошмаслиги қатъий белгиланган. 2023 йилга келиб Халқаро озиқ-овқат ва ичимлик ишлаб чиқарувчилар иттифоқи улардан фойдаланишдан бутунлай воз кечишини эълон қилди.

## Биз ўзимиз ҳам транс-ёғларни ҳосил қиламиз

Баъзида ўсимлик мойини жуда юқори ҳароратда қиздиришда ҳам транс-ёғларни билинмай ҳосил қилишимиз мумкин, масалан, қовуришда. Ҳарорат қанча юқори бўлса ва қайта ишлаш жараёни қанча узоқ давом этса, мой таркиби шунча кўп ўзгаришга учрайди



ва транс-ёғлар ҳосил бўлади. Инсон организмга таъсири жиҳатидан ўзимиз ҳосил қилганимиз бундай транс-ёғлар ҳам саноат транс-ёғларига ўхшайди, соғлиқка бирдек зиён етказиши. Шунинг учун қовуриш ўрнига димлаш усулидан фойдаланган, ёғларни юқори ҳароратда қиздириб юбормаган маъқул.

Тадқиқотчилар истеъмолчиларга маргаринни егуликлар тайёрлашда кўп ишлатмасликни, унинг ўрнига суюқ ўсимлик ёғини қўллашни тавсия этадилар.

## Пальма ёғидан нима учун эҳтиёт бўлиш керак?

— Саломатлигимиз учун жиддий хавф туддирувчи, фойдасиз, аммо зарари бекёз бўлган яна бир мой — бу — пальма ёғидир, дейди Ҳасан Бекчанов. — Тузилишига кўра пальма ёғи мум ёки парафинни эслатади. Бу ёғ таркибида фойдали компонентлар йўқ, шунингдек, пальма ёғи юқори ҳароратда қайта ишланганда унда кўп миқдорда зарарли моддалар ҳосил бўлади. Пальма ёғи — пальма мевасидан 40 даражагача ҳароратда қайта ишлаш жараёнида олинади. Бу ёғ эритилганда 38-40 даражада парчланади. Инсон танаси ҳарорати эса бор-йўли 36,6 даража. Демак, овқат таркибида организмга кирган пальма ёғи ҳазм бўлмай қолиб кетади. Бора-бора томирларга ва бошқа аъзоларга йиғилади. Қон томирлари йўлини тўсиб, атеросклероз, гипертония, инсульт, ҳатто саратонга олиб келади. Шу сабабдан таркибида пальма ёғи бор маҳсулот тановул қилган одам, гарчи оз миқдорда овқатланиб, кўп ҳаракат қилса-



## ДАРВОҚЕ...

Маълумотларга қараганда, озуқавий пальма ёғи барча ёғлардан арзон бўлиб, одатда ундан сметана, қаймоқ, музқаймоқ ва пишлоқ ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Пальма ёғининг энг бош компоненти — пальмитин кислотаси маҳсулот вазинининг деярли ярмига тўғри келади (44 фоиз). Ушбу тўйинган ёғ кислотаси миқдори чўчка мойида 30 фоиз, сариёғда 25 фоизни ташкил қилади.

Уни истеъмол қилиш организмда холестерин миқдорини оширади. Айни пайтда юртимиздаги кўплаб мутахассислар, депутатлар пальма ёғининг импортини таъқиқлаш кераклигини тақлиф қилишяпти. Улар шу йўл орқали мамлакатимизда саратон касаллигига чалиниш ва ўлим кўрсаткичларини пасайтириш ҳамда юрак-қон томир касалликларига қарши курашга эришишмоқчи. ГУЛҲАЁТ тайёрлади.

бопланган ва дастлабки импорт миқдори 5 минг тонна бўлган.

Пальма ёғи саломатлик учун хавфли. Охириги уч йилда мамлакатимизга ўртача 50 минг тоннадан ортқ пальма ёғи импорт қилинган. Бу, ўз навбатида, пальма ёғи импорти кескин ўсаётганидан далolat бермоқда. Жумладан, маргарин ва пишлоқ маҳсулотларида ёғ кислоталаридаги трансизомерлар миқдор кўрсаткичи бўйича 4 фоизгача этиб белгиланган бўлса-да, харид қилинган намуналарда уларнинг миқдори 8,8 фоиз, яъни ушбу маҳсулотлар таркибида бегона ёғларнинг миқдори 2 баробардан юқорилиги қайд этилган. Бу амалдаги «Сут ва сут маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент»да сут маҳсулотлари таркибида сут ёғларидан ташқари бегона ёғларнинг бўлмаслиги шартига эйд бўлмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хулосасига кўра, пальма ёғи инсон саломатлиги учун хавфлиги тиббиётда аниқланган бўлиб, ҳатто, эркакларнинг бепуштлигини ҳам келтириб чиқариши мумкин. Шу боис бугунги кунда Ўзбекистонда амалдаги санитария қоидалари ва мезъорларига асосан болалар озиқ-овқати маҳсулотлари ишлаб чиқарилишида пальма ёғидан фойдаланиш тақиқланган.

Бир сўз билан айтганда, тановул қилаётган маҳсулотларимиз таркибига доимо эътиборли бўлиш, озиқ-овқат тайёрлаш технологияларига риоя этишимиз шарт. Энг муҳими, таомланиш рационимизда ёғли ва қовурилган овқатлар, нон маҳсулотларини имкон қадар қамайтириб, улар ўрнига мева-сабзавот, кўк-қатлардан кенг фойдалансак, саломатлигимиз ҳақида қайгурган, ўзимизни турли дардлардан асраган бўлаемиз.

Ю.ХОЖИЕВА  
тайёрлади.

Тошкент вилоятида 28 нафар бола бепул операция қилинади.

# КАСАЛЛИК МИНГ ХИЛ БЎЛСАЮ, ДАВО БИР ХИЛ БЎЛАДИМИ?

БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧАЛАР КАСАЛЛИКЛАРГА  
ҚАРШИ КУРАШИШ, СИМПТОМЛАРНИ ДАВОЛАШ  
ЎКИ ЮМШАТИШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНМАГАН.

Бемор одам борки, ўзининг дардига шифо излайди. Кўчадан эшитилган маслаҳат ва тавсия кўпинча малакали тиббий маслаҳат ва кўриқдан кўра кўпроқ ишонч уйғотади. Айнан шундан кўпчилик «ишбилармонлар» уюмли фойдаланади. Кейинги пайтда чиройли қадоқланган биологик фаол қўшимча бўлган маҳсулотни касалликларни юз фоиз даволайди, инсонни яшартиради дегувчилар кўпаймоқда. Ачинарлиси, уларни сотадиганлар оз бўлмаганидек, харидорлар ҳам талайгина. Барча дардни даволар экан, деган хулоса эса маҳсулотнинг баҳосини белгилаб қўйган бўлади. Битта қўтидаги маҳсулот билан турли дарддан фориғ бўлишни ўйлаган ҳар қандай киши дарҳол харид қилиб олгиси келади. Аслида ҳам шундайми?

## Биологик фаол қўшимчалар нима?

Дунёда юзага келган экологик номунасосибликлар, ҳар хил жисмоний ва рухий стресслар организмни керакли табиий озук модалари билан тегишли даражада таъминлай олмаяпти. Бу хол, айниқса, ўсиш ёшидаги болалар, ҳомиладор аёллар, беморлар, оғир жисмоний меҳнат қиладиганлар, спортчилар ва бошқаларда яққол кўзга ташланмоқда. Шунинг учун ҳар ким даставвал ўзи яшаб турган шароитда макро (оксиллар, ёғлар, углеводлар) ҳамда микро (витаминлар, микро элементлар) нутриентлардан қанча кераклигини ва уларнинг асосий манбалари қаердалигини билиб, овқатланиши устидан доимий назорат олиб бориши мақсадга мувофиқ. Бу борадаги етишмовчиликларни бартараф қилиш мақсадида ҳозирги замон биотехнологияси ютуқларидан фойдаланиб, эҳтиёжманд кишилар учун зарур бўлган витаминлар, минерал моддалар ҳамда қатор биологик фаол моддалар мажмуасидан ташкил топган махсус аралашмалар ишлаб чиқарила бошланди. Улар умумий ном билан биологик фаол қўшимчалар — БФҚ деб юритилади. БФҚлар аксарият ҳолларда ўсимликларнинг барги, гули, илдири ва меваларидан олинди, уларни тайёрлашда баъзан бактериялар, микроблар ҳамда айрим ҳайвонларнинг тана аъзолари ва минерал хомашёлардан ҳам фойдаланилади. Биологик фаол қўшимчалар — инсон организмдаги физиологик бузилишларнинг олдини олиш ҳамда соғлом балансни тиклаш мақсадида рационини мақбул даражага етказиш ёки организмни зарур бўлган фойдали моддалар билан тўлдириш учун мўлжалланган, таркибиде келиб чиқishi табиий ёки табиийга ўхшаш сунъий биологик фаол моддалар мавжуд озик-овқат маҳсулотлари ҳисобланади.

## Касалликни даволайдими?

Биологик фаол қўшимчаларга витаминлар, минераллар ва бошқа микроэлементлар қиради. Ҳар қандай киши буну билиши керакики, биологик фаол қўшимчалар дори ҳисобланмайди ва касалликни даволамайди. Аслида соғлом одам қўшимча витамини ва минералларга муҳтож эмас. У барча керакли озук модаларни мева, сабза-

вот, дон маҳсулотлари, пишлок, балиқ, парранда гўшти каби маҳсулотлардан олади. Биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқарувчилар эса маҳсулотини иммунитетни мустаҳкамловчи, соғлиқни сақлашда самарали восита сифатида реклама қилинади. Аммо бу илмий исботланмаган. Организм учун 13 та витамин ва 16 та микроэлемент зарур. Витаминлар бизга нима учун керак? Биз улардан қувват олмаймиз, улар ҳужайра ва тўқималар тузилишида иштирок этмайди. Аслида витаминлар организмимизнинг ўзига хос ёрдамчилари ҳисобланади. Улар ферментларнинг тўғри ишлаганига ҳисса қўшади ва баъзида гормонлар ўрнини босиб, тартибга солиш вазифасини бажаради.

## БФҚдан қачон фойдаланилади?

Гарчи бир қарашда ташқи кўринишдан биологик фаол қўшимчалар дориларга ўхшаш бўлса-да, касалликларга қарши курашиш, симптомларни даволаш ёки юмшатиш учун мўлжалланмаган. Дорилар эса аксинча касалликни даволашга ёки енгиллаштиришга хизмат қилади. БФҚлар ташқи кўринишдан дориларга ўхшаган ҳолда ишлаб чиқарилмоқда. Аммо уларнинг дорилардан фарқи шундаки, лаборатория текширувлари ва клиник синовлардан ўтказилмайди. Аслида биологик фаол қўшимча одам аъзолари ва одам организмни тизимларининг функционал ҳолатини мўътадиллаштириш манбаи сифатида қўлланилиши керак. БФҚлар организмни витаминлар, минераллар ва бошқа микроэлементлар билан тўлдириши мумкин, холос. Яъни турли функционал ҳолатларда углевод, ёғ, оксил, витамин ва модалар алмашинувини яхшилаш учун қўлланилади.

## Тўғри овқатланиш барча муаммоларга барҳам беради

Дунёда озик-овқат маҳсулотлари қимматлиги, улар таркибининг табиийлик даражаси йўқолиб бориши ҳамда инсонларда вақт етишмовчилиги сингари омиллар соғлом овқатланиш имконини бермаяпти. Мазкур муаммоларни бартараф этиш мақсадида биологик фаол қўшимчалар истеъмоли тобора оммалашиб бормоқда. Аммо

## ДАРВОҚЕ...

Дунёда 6000 дан ортиқ биологик фаол қўшимчалар билан шуғулланувчи компаниялар бўлиб, биргина АҚШнинг ўзида 12 миллионга яқин киши ушбу турдаги бизнес фаолиятини олиб боради. Америкаликларнинг чорак қисми, жумладан, болалар витаминларни мунтазам истеъмол қилади. АҚШда ҳар йили ҳаддан зиёд ёки нотўғри ҳолатда биофаол қўшимчаларнинг истеъмол қилиниши оқибатида 23 минг мартаба тез ёрдам чақиртирилади.



тўғри овқатланиш организм учун барча муаммолар ечимидир.

Овқатланиш организмнинг нормал ўсиши ва ривожланиши, гомеостаз, инсоннинг ипчанлик қобилияти ва саломатлигини белгилувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Овқат, бу — миллионлаб моддалар мажмуи бўлиб, уларнинг ҳар бири муайян биологик фаоллик даражасига эга. Бугунги кунга келиб инсонларнинг овқатланишида салбий ўзгаришлар кузатишмоқда. Булар оксилларни етарли даражада истеъмол қилмаслик, ёғлар (айниқса, ҳайвон ёғлари) ва холестеринни керагидан ортиқ истеъмол қилиш, шакар ва туз истеъмолининг ошиб бориши, кўп тўйинтирилмаган ёғ кислоталари, витаминлар етишмаслиги, бунинг устига, баъзи витаминлар тақчиллигининг нафақат мавсумий, балки йил давомида кузатилиши, қатталар ва болалар рациониде микроэлементларнинг озмаслиги кабилардир. Тўғри овқатланиш организмнинг нормал ўсиши ва ривожланиши, инсоннинг ипчанлик қобилияти ва саломатлигини белгилувчи асосий омилдир. Озик-овқат маҳсулотлари миллионлаб моддалар мажмуи бўлиб, уларнинг ҳар бири муайян биологик фаоллик даражасига эга.

## Меъёр сақланиши керак

Ортиқча биологик фаол қўшимчалар қабул қилиш саломатликка жиддий пуртур етказиши мумкин. Инсон организмни витамин ёки микроэлементларга муҳтож бўлса, ҳар қандай шифокор БФҚларни тавсия қилиши мумкин. Ушбу воситалар билан дориларни бирга қабул қилишда эҳтиёт бўлиш керак. БФҚлар қабул қилинадиган дорилар билан ўзаро киришиб турли хил исталмаган реакцияларни келтириб чиқариши мумкин. Мисол учун, бу саратон хасталигини даволаш жараёнида кўпроқ кузатилади. Ушбу хасталиқда кўп ҳолларда беморлар айнан ҳар қандай биологик фаол қўшимчалардан фойдаланиб қўришади. Шунинг учун у шифокорга фойдаланаётган дорилар ва БФҚлар

ҳақида айтиши жуда муҳим. Чунки баъзида БФҚлар касалликни тезлаштириб юбориши мумкин.

## Хулоса ўрнида

Ҳар қандай бемор биологик фаол қўшимчалардан фойдаланишдан олдин, уни қўллаш ҳақида, албатта, шифокор билан маслаҳатлашиши керак. Шундагина БФҚлар организм учун фойда бериши мумкин. Айниқса, кейинги пайтда хотин-қизларнинг озиш учун истеъмол қиладиган БФҚлари ҳам нотўғри қўлланилиши туфайли қайсибир организмни касалликка олиб келаётгани кўп кузатишмоқда. Улар организм учун қувват манбаи, холос, ҳеч қачон бирон-бир хасталиқни даволаш хусусиятига эга эмас.

Қувонарлиси, юртимизга кириб келаётган БФҚ маҳсулотлари қаттиқ назоратга олинган. Ҳаттоки, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 30 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология хизмати тизимида руҳсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомлардан тасдиқлаш ҳақида»ги қарори билан янги биологик фаол моддалар, озик-овқат қўшимчалари, кимёвий моддалар, биологик воситалар ва материаллар, полимер ва пластик массалар, парфюмерия-косметика воситаларини четдан олиб кириш ва ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга қулайликлар яратиш, норматив ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш тизимини такомиллаштириш ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиология хизмати тизимида руҳсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиблари белгиланган.

Нигора ШАРИПОВА,  
Санитария-эпидемиология  
назорати давлат инспекцияси  
санитария бўлими бошлиғи.

Тошкентда ҳаҳонга машҳур «Starbucks» қаҳвахоналари тармоғи очилади.

# Алимент тўлашдан қочиб юрган оталар

Муқаддас Ислом динимиз жамият аъзоларини ҳар турли розолат-тубанликлардан четлашиб, соғлом ақида ва гўзал одоб-ахлоқу фазилатлар билан сифатланиб, соғлом жамият ва соғлом муҳит ташкил этишларига, мусулмонлар барча халқлар учун ибратли ҳаёт кечиртишларига буюрган. Турли маънавий ахлоқсизликлар ва моддий жиноятлардан вақтида хабардор бўлиб, уларнинг олдини олиш, вақтида ислоҳ қилишга тарғиб этган.

Оила жамиятнинг асосини ташкил этувчи ва ўз навбатида уни ислоҳ ёхуд фасод қилувчи энг катта омилдир. Шунинг учун Ибн Умардан ривоят қилинган муборақ ҳадиси шарифда Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: «Огоҳ бўлингким, ҳар бирингиз раҳбар-бошлиқдирсиз ва ҳар бирингиз қўл остидаги, қарамонингиздаги кишилар(нинг ҳар томонлама яъни маънавий ва моддий таъминоти)га масъулдирсиз. Амир одамларга раҳбардир ва қўл остидагиларга масъулдир. Эркак киши оила ахлига раҳбардир ва (Қиёматда) қўл остидаги(барча оила аъзоларини моддий, маънавий, таълим-тарбиявий, ахлоқий жиҳат)лари ҳақида сўроққа тўтилу! Ҳар бир эркакнинг аёли эрининг уйи ва фарзандларига раҳбардир ва у аёл эри ва қарамоғи, бевосита тарбиясида бўлган фарзандлари (яъни эри ва фарзандларининг ҳақларини тўлиқ адо этди-юқми экани) ҳақида сўроққа тортилу!»», дея бутун умматларини огоҳликка чорлаганлар.

Оиланинг барча моддий ва маънавий таъминоти эрининг зиммасида экани Қуръони каримда бундай баён қилинган: «Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) қоим турувчилардир. Сабаб — Аллоҳ уларнинг айримлари(эркаклар)ни айримлари(аёл-

лар)дан (баъзи хусусиятларда) ортик қилгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришларидир». (Нисо сураси, 34-оят).

Демак, бу ояти каримада эркакларнинг оила раҳбари бўлишларининг асосий сабаби улар аёлларнинг моддий ва маънавий таъминотларини адо этишга салоҳиятлилиги учун экан. Аммо бугунги кунда баъзи оталарнинг никоҳдан ажрашган хотинлари кўлида қолган фарзандларига қонунда белгиланган алиментни тўлашдан бўйин товлаётганларига ҳам гувоҳ бўляпмиз. Ваҳоланки, Исломда бундай эркаклар зиммасига катта мажбуриятлар юқланганини эсдан чиқармаслик лозим.

## Фарзанднинг барча эҳтиёжлари ота зиммасидадир

Шариат қонуниларига кўра, эр-хотин ажрашганда, агар орада эмизикли фарзанд бўлса, уни она қарамоғига олиб, эмизса ва сут ҳақи талаб қилса, эркак уни тўлайди. Фарзанд сутдан чиққач, онага ҳақ тўлашни тўхташиб, бола то балоғатга етгунга қадар ота ўз имкониятидан келиб чиқиб, ўртача хол (яъни бой бўлса, бойларни ўртчаси, ўртахол бўлса, ўрта холларни ўртчаси, камбағал бўлса, уларни ўртача деб билган даража)да болани таъминлайди. Ки-



йим-кечак, ейиш-ичиш, тураржой, касалини даволатиш — барчаси отанинг зиммасидадир. Фарзанд киз бўлса, балоғатга етиб, то турмуш қургунга қадар таъминоти ва никоҳ тўйи харажатларини ҳам беради. Агар ўғлими-кизми, фарзанд тузалмас касал бўлса, ота уни бир умр таъминлайди.

## Алимент бўйича мажбуриятдан бош тортиш — гуноҳи қабири

Бугунги кунда ажрашган оталарга маълум миқдор алимент белгиланади. Бу юқорида айтилган шаръий ҳукмларга ҳамоханг ишидир. Муайян вақтга ойлик маошнинг маълум фоизини бериш тайинланади. Шунинг назарда тутсақ, алимент шаръий нафақа-

дан энгил ва оздир. Чунки нафақа доимий харажатларни тўлиқ қоплаш ва касал бўлса, даволатиш ҳам деганидир. Бу эса ҳар ой бир миқдор эмас, шароитга қараб, баъзи вақтлар кўпроқ бўлиши табиийдир. Алимент берувчи оталар бу мажбуриятдан бош тортишлари гуноҳи қабиридир. Бунинг учун уларни шаръан ҳам, қонунан ҳам маҳкамага тортиш тўғри ҳисобланади. Алиментни бердим, бас, демасдан, мабодо, фарзандлари кўпроқ ёрдамга муҳтож холга тушиб, айтайлик, беморликка чалиниб қолсалар, оталар инсоф қилишлари ва қўшимча ёрдам беришлари ҳам зиммаларидаги вожиб вазифа эканини унутмасликлари лозим. Ақалли, шу алиментни ўз вақтида беришдан бош тортмаслиги керак ва турли байрамларда фарзандини йўқлаб, алимент пулидан ташқари кийим-кечак ва совға-салом бериб туришлари уларнинг шарафли ҳамда савобли вазифаларидир.

## Тўловни қинғирлик билан қамайтириш бола ҳақида хиёнат ҳисобланади

Илгари бирон идора ёки ташкилотда расмий хизмат қилган одамлардангина алимент олинар эди. Расмий фаолияти йўқ киши алимент тўламас эди. Афсуски, шу вақтлар баъзи кишилар хотинидан қасос олмақчи бўлиб, алимент тўламаслик мақсадида расмий ишларидан воз кечиб, чет элларда мардикорлик қилиб юрганлар. Ҳозир эса расмий фаолият олиб бораётган кишига ойлик маошнинг маълум фоизи, расмий фаолиятда бўлмаганларга ҳам муайян миқдорда ойлик алимент белгиланган. Бугун алиментдан қочиб қутулишнинг имкони йўқ. Аммо шунда ҳам, баъзи кишилар собиқ хотинидан қасос олиш ниётида бошқача йўл тутмоқдалар. Расмий фаолияти

бўлмаган кишиларга белгиланган алимент миқдори арзimas пул бўлса-да, шуни ҳам янада озайтириш мақсадида бундай инсонлар энг кам иш ҳақи тўланадиган ишларга номигагина расмий ўрнашиб олишади. Қора бозорда норасмий фаолият юритиб, яхшигина даромад топса-да, ой якунида расмий кам маошнинг арзimas фоизини алимент ҳисобида тўлашади. Бу одамлар мазкур фирибгарлиги билан шариат тайинлаган зиммасидаги вожиб нафақадан қочиш пайига тушмоқдалар. Бу ишлари ила кўрар кўзга алимент тўлайди, деган ном оладилар, холос. Лекин шариат вожиб қилган вазифини адо этган ҳисобланмайдилар. Бўйинларида қарз бўлиб, Қиёматга қолавереди.

## Бирга яшаётган фарзанди билан тенг кўрилиши керак

Яхши тушуниш керакки, шаръий нафақа ва алимент тўловлари собиқ хотин учун эмас, фарзандлар учундир. Бу борада аёлга ғазаб қилиб, бунинг беришдан бош тортиш ёки хийла ишлатиш, ўз боласининг ҳақини поймаол қилиш, келажакга бола та уришдир.

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам бундай деганлар: «Мен ҳам бир инсонман. Менинг ҳузуримга ҳақ таланиб, даъво билан келиб турасизлар. Сўзга усталик қилиб, ноҳақлик билан ўзгалар ҳақини ўзлаштириб олсангиз, билиб қўйингки, ўша нарса дўзахнинг бир чўғидир. Хоҳлаган уни олсин, хоҳламаган олмасин».

Хулоса сўз шуки, оталар хамиша алиментларини ўз вақтида чин кўнгилдан чиқариб, ўз бурчини бажараётганини ҳис қилиб, фахр билан адо этишлари лозим. Имкони бор оталар алиментнинг ўзи билан кифоялмай, фарзандларнинг эҳтиёжларини вақтида қондириб, бирова муҳтож қилмай, келажакка нафрат билан эмас, ҳавас ва умид билан қарашларига, бахтиёр ҳолда воёга этишларига ҳам имконият яратиб беришлари зарур. Ўзлари билан бир уйда яшаб турган болалари билан тенг кўриб, адолатли оталарга бериладиган ажру мукофотларга эришиш пайида бўлишлари икки дунёлар учун манфаат келтиради.

**Жасурбек домла РАУПОВ,**  
Тошкент шаҳар Носирхон жоме масжиди имом-хатиби.

## ДИНИЙ МАЪРИФАТ

## Бола ёмон одатларни кимдан ўрганади?

Исломда болалар тарбияси ота-онанинг энг масъулиятли ва узоқ давом этадиган бурчларидир. Бошқа бурчлар баъзи ишларни қилиш ёки мулкни сарфлаш билан охирига етади. Аммо тарбия масъулияти бардавом бўлади.

Динимизда тарбия ва одоб масаласида ота-оналарнинг ўзлари болаларга яхши намуна бўлишлари кераклиги уқтирилади. Абдуллох ибн Омир розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади: «Бир куни Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам уйимизда ўтирганларида онам мени чақириб: «Бери кел, бир нарса бераман», деди. Шунда Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам унга: «Нима бермоқчисан?» деди. Онам: «Мен унга хурмо бермоқчи эдим», деди. Шунда Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам унга: «Аммо агар унга ҳеч нарса бермаганинда, сента ёлгон ёзилар эди», дедилар».

Ушбу ҳадиси шарифда онанинг бир оғиз гапида ҳам бола тарбиясига катта таъсир қи-

ладиган омил борлиги уқтирилмоқда. Одатда оналар фарзандларини гапларига киргиза олишмасе, алдашга ўтишади. Ёлгондан бирор нарса беришни ваъда қилиб, ушлаб олиб, қалтқалашга тушишади. Бу ишлари билан улар боланинг тарбиясига зарар етказадилар, уларга ёмон намуна кўрсатадилар. Фарзанд ота-онасига тақдир қилади ва улардан ўрнак олади. Боланинг назаридеги ана шу энг улуғ ва ўрناк олишга сазовор инсон уни алдаганидан кейин, болада, мен ҳам шундай қилсам бўлар экан, деган тушунча пайдо бўлиши табиий.

Шунинг учун ҳам ота-она фарзандларига доимо яхши ва гўзал ўрناк бўлишлари лозим. Барча яхши сифатларни намойиш қилиб, барча ёмон сифатлардан узоқда бўлишлари керак. Ота-она болаларига шахсий намуна кўрсатишлари билан бирга, уларга одоб-ахлоқни кунт билан ўргатиб боришлари зарур.

**Мунира АБУБАКИРОВА,**  
Ўзбекистон мусулмонлари идораси мутахассиси.



Жорий йил 21 январь куни мамлакатимиз Миллий олимпия кўмитаси ташкил этилганига 28 йил тўлди. Шунча йилдирки, мазкур ташкилот республикамизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, олимпия характери ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш йўлида муҳим вазифаларни бажариб келаётир. Юртимиз спорт соҳасида мислсиз ютуқларни қўлга киритиб, Ўзбекистон спортчилари дунёга доврқ таратишди. Фахрланса арзийдиган ушбу натижаларга эришишимизда МОҚ қандай ўрин тутди? Қолаверса, спортчиларимизнинг олимпия мусобақаларида янада муваффақиятли иштирок этишини таъминлаш, айниқса, жудаям масъулятли бўлган «Токио — 2020» ёзги Олимпия ўйинларидан юртимизга қўллаб медallar олиб келишга эришиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?



### МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

«Transfermarkt» портали Таиландда ўтаётган (U-23) Осиё чемпионати-нинг энг қimmatбахо футболчилари рўйхатини эълон қилди. Қувонарлиси, рейтингнинг дастлабки ўнлигидан Ўзбекистон олимпия жамоаси яримҳимоячиси Азиз Ғаниев ҳам жой олган. Top-10ликнинг 6-поғонасини эгаллаган мазкур спортчи 2018 йилги Осиё чемпиони ҳисобланади. «Насаф» клубининг 21 ёшли футболчиси Азиз Ғаниевнинг трансфер баҳоси 1,1 миллион еврони ташкил этади.

# МИЛЛИЙ ОЛИМПИА ЮТУҚЛАРИ ҚАНДАЙ МУСТАҚАМЛАНМОҚДА?

## Олимпия ўйинларидаги муваффақиятларимиз

— Маълумки, Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси Халқаро олимпия кўмитаси томонидан 1993 йилнинг сентябрь ойида расман тан олинган, халқаро майдонда фаолият олиб бориш имкониятига эга бўлди, — дейди Миллий олимпия кўмитаси ОАВ ва жамоатчилик билан алоқалар департаменти директори Зафар Имомхўжаев. — Шу вақтдан эътиборан, Ўзбекистон мунтазам равишда ёзги ва қишки Олимпия ўйинларида қатнашиб келмоқда. Ўзбекистон бугунги кунгача мустақил давлат сифатида 7 та қишки (Лиллехаммер — 1994, Нагано — 1998, Солт-Лейк-Сити — 2002, Турин — 2006, Ванкувер — 2010, Сочи — 2014, Пхёнчхан — 2018) Олимпиадада қатнашган. Эришган ютуқларимизга назар солидиган бўлса, умумий ҳисобда қишки Олимпия ўйинларида шу кунгача 29 нафар спортчи юртимиз шарафини ҳимоя қилган. Қишки Олимпиадалар тарихида терма жамоамиз аъзолари томонидан 1 та олтин медаль қўлга киритилган. 1994 йили Лина Черязова Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳрида фристайлнинг акробатика йўналиши бўйича қишки Олимпия ўйинлари шохсупасига қўтарилган. Ушбу медаль мустақил Ўзбекистоннинг Олимпиадалардаги илк олтини сифатида тарихга кирган.

Ёзги Олимпия ўйинларида эса 1996 йилдан буён мунтазам равишда иштирок этиб келамиз. Ўзбекистон умумий ҳисобда 6 та ёзги (Атланта — 1996, Сидней — 2000, Афина — 2004, Пекин — 2008, Лондон — 2012, Рио-де-Жанейро — 2016) Олимпиадада 406 нафар спортчи билан қатнашиб, ҳамюртларимиз томонидан 9 та олтин, 7 та кумуш ва 17 та бронза медаллари қўлга киритилган. Улар орасида, айниқса, 2016 йилда Бразилияда ўтган ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларида энг кўп медаллар шодаси қўлга киритилгани спортимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган, десак муболаға бўлмайди.

## ДАРВОҚЕ...

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси томонидан Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, ЎзДЖТСУ ва бошқа ташкилотлар билан бирга Токио Олимпиадасига тайёрланиш учун «Тезкор режа» ишлаб чиқилди. Ушбу дастур лицензион мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриш, олиб борилиши керак бўлган ўқув-машғулот йиғинларини тўғри ташкил қилиш, спортчиларимизга зарур фармакологик воситаларни ўз вақтида ва меъёрида бериб бориш, атлетларимизнинг рақибларини ўрганиш каби бўлимларни ўз ичига олади. Шунингдек, МОҚ «Истиқболли режа» ҳам ишлаб чиққан бўлиб, унда 2022 йили бўлиб ўтадиган қишки ва ўсмирлар ёзги Олимпиадаси, 2024 ва 2028 йилги ёзги Олимпия ўйинларига босқичма-босқич тайёрланиш вазифалари акс этган.

## «Токио — 2020» сари қандай қадам ташляяпмиз?

Миллий олимпия кўмитаси халқаро аренаalarda, комплекс мусобақаларда муваффақиятга эришиш учун Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, спорт федерациялари ва ассоциациялари билан ҳамжиҳатликда иш олиб бормоқда. Ташкилот томонидан «Токио-2020» Олимпия ва Паралимпия ўйинларига жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Йўланма тақдим этувчи мусобақаларга

ҳозирлик кўраётган терма жамоаларимизнинг хорижий ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этиши учун имконият яратилаётир. Қолаверса, спорт тиббиёти йўналишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан МОҚ қошидаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказидаги шароитлар яхшиланди, терма жамоа аъзолари ушбу марказда тўлиқ тиббий кўрикдан ўтиб келишмоқда. Спорт федерацияларига малакали шифокорлар, диетолог ва психологлар бириктирилган.

2020 йил «Олимпия йили» бўлади. Шу бос жорий йилда «Токио-2020» Олимпия ўйинлари учун қўллаб йўлланмаларни қўлга киритиш ва унда муносиб иштирок этиш мақсад қилинган. Ҳозирги кунда олимпиадада қатнашувчиларнинг асосий ўзаги — 120 нафар спортчи саралаб олинган. Аҳамиятли жиҳати, тайёргарликни юксак даражада олиб бориш учун бир қатор хорижий мураббийлар ҳам жалб этилган. Айни пайтда XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига 30 дан ортик йўлланмага эга бўлганмиз. Яқин кунлар ичида бу рақамлар ортиши шубҳасиз. Бунгача ҳар тўрт йилликнинг энг нуфузли спорт мусобақасида ўзбек атлетлари иштирок этмаган йўналишларда ҳам қатнашиб, ўзига хос «Олимпия имтиҳони»ни муваффақиятли топшириш учун бор қуч ва имкониятлар ишга солинади.

## Ўзбек футболчилари олимпиадага борадими?

Таиландда икки ҳафтадан бери давом этаётган 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги «Осиё чемпионати — 2020» мусобақаси, ниҳоят, ўзининг ғолибларини аниқлаш босқичига етиб келди. Ўйинларни ҳаяжон билан кузатаётганимиз сабаби — унда терма жамоамиз ғалабага даъвогарлардан бири.

Кеча ярим финалнинг икки учрашуви ниҳоясига етиб, финалчиларнинг номи маълум бўлди. Афсуски, Саудия Арабистони ҳамда Ўзбекистон терма жамоалари ўртасида кечган ўйинда вакилларимиз мағлубиятга учраб, дастлабки имкониятнинг бой берди. Ваҳоланки, аввалги ўйинда


Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоасини йирик фарқ — 5-1 ҳисобда мағлубиятга учратгани катта ишонч уйғотганди. Ҳа, биз шундай босқичга етиб келгандики, битта ғалаба қозонсак, «Токио-2020» олимпиадасига йўлланмани қўлга киритишимизга кифоя қиларди. Яъни мазкур тўртта термага икки мартадан (ярим финалда енгилса 3-ўрин учун) ўйнаш имкони берилган бўлиб, ҳеч бўлмаса биттасини ютиш керак бўлади. Аммо терма жамоамиз бу имкониятни кейинга қолдирди. Энди охириги умид кейинги ўйиндан. Футболчиларимиз жиддий синов қаршида. Ўз умид қилаётган ғалаба нафақат Ўзбекистон футбол терма жамоасининг илк мартаба Олимпия мусобақаларига қатнашиши, МДҲга аъзо давлатлар орасидан биричи бўлиб бу шарафга эришишини аниқлади.

## Хулоса ўрнида

Умуман олганда, «Токио-2020» ёзги Олимпия ўйинларига 20 дан ошқ, жумладан, дзюдо, бокс, юнон-рум кураши, эркин кураш, енгил атлетика, ўк отиш, спорт гимнастикаси, байдарка ва каноэда эшак эшиш, сузиш, оғир атлетика, велоспорт, теннис, қилич-бозлик, стол теннис каби спорт турлари бўйича вакилларимиз Олимпия ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилиши мўлжалланмоқда. Энг масъулятли жиҳати шундаки, 2016 йилдаги улкан ютуқларимизни яна бир поғона баландга кўтариш мақсад қилинган бўлиб, спортчиларимиз зиммасига жиддий вазифаларни юклайди. Соҳа вакиллари шунинг учун қисилган ҳолда, халқимиз ишончини оқш мақсадида жиддий ҳаракат қилмоқда.

Тўлқин ШЕРНАЕВ  
«Mahalla»

Ўзбекистонда 2025 йилга бориб табиий газни экспорт қилиш тўхтатилиши мумкин.



**Буюк аждодимиз, ватанпарвар саркарда, Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолияти ниҳоятда оғир даврда, алғов-далғовли замонларда кечди. Биз Жалолиддин Мангубердининг Мовароуннахрни тарк этгандан кейинги ҳаётига эмас, балки ўлими билан боғлиқ маълумотлар ва унга олиб келган сабабларга тўхталмоқчимиз.**

## ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ЎЛИМИ: ТАҲЛИЛЛАР, ТАХМИНЛАР, ФАРАЗЛАР

### Манбалар ишончлими?

Мангуберди умрининг охириги йиллари ҳақидаги асосий манбалар Шихобиддин Мухаммад ан-Насавийнинг «Сийрат ас-султон Жалолиддин Манкбурни» (Султон Жалолиддин Мангуберди (ёки Манкбурни) ҳаёти тафсилоти), Ибн ал-Асирнинг «ал-Комил фи-т-тарих» (Комил тарих, Мукаммал тарих), Алоуддин Отмалик Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонкушоӣ» («Жаҳон фотиҳи (Чингизхон) тарихи») ва Фазлуддин Рашидиддиннинг «Жомеъ ул-таворих» («Тарихлар мажмуаси») асарларидир.

Мангуберди ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи ушбу манбалар ичида энг ишонарлиси, бу албатта, саркарданинг биографи бўлган машҳур тарихчи Насавийнинг асаридир. Зеро, юқорида кўрсатиб ўтилган ҳамма асарда ҳам Жалолиддин Мангуберди фаолияти тўла баён этилмаган. Ибн ал-Асир Жалолиддин Мангуберди сиймосига нисбатан салбий фикрда бўлиб, ўлими тафсилотларини ҳатто келтириб ҳам ўтмайди. Жувайний ва унинг асаридан тўлиқ фойдаланиб ёзилган Рашидиддиннинг асарларида Жалолиддиннинг ўлими воқеаси бир хил тарзда баён этилган. Яъни бу муаллифлар Жалолиддин Мангуберди ўлими ҳақида иккита ривоятни келтириб ўтадилар. Биринчиси, мўғулларнинг тўсатдан бўлган ҳужумидан қочган Жалолиддин Мангубердини Ҳаққор тоғларида (ҳозирги Туркиянинг Диербакир вилояти атрофларида) қароқчилар талаб ўлдиргани воқеаси бўлса, иккинчиси — шу ҳужумдан кейин Жалолиддин Мангуберди қочиб қутулиб, умрининг охиригача дарвишлик қилгани ва ўз ажали билан вафот қилгани ҳақидаги маълумотлар.

### Мангубердини ким ўлдирган?

Биз ушбу ўринда «Жалолиддин Мангуберди мўғуллардан қочиб, тоғларда кезиб юрган пайтда қурдлар томонидан ўлдирилганми?» деган саволга жавоб топишга ҳаракат қиламиз. Аслида баҳодирнинг ўлими тафсилотларидан олдин ушбу фожиали воқеанинг катта ва кичик икки сабабини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Асосий сабабини биз 1230 йил 10 августдаги Арзинжон ёнидаги жанглардан кейинги воқеалардан излашимиз керак. Бу жангда Жалолиддин Сурия ҳукмдори ал-Малик ал-Ашраф, Қўня султони Алоуддин Қайқубод ва бошқа кўпгина ҳукмдорларни бирлаштирган иттифоқчилар қўшини томонидан мағлубиятга учратилган. Натижادا, кўп ўтмасдан Жалолиддин улар билан тинчлик сулҳи ҳам тузган эди. Аммо шундан кейин ўша иттифоқчилар ўртасида ўзаро урушлар бошланиб кетди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, Алоуддин Қайқубод хатто Сурия ва Мисрга қарши туриш учун мўғул хони Ҳтоёйга ўз тобелигини билдириб, элчи юборди ва натижада у мўғулларга тобе бўлиб қолди. Аммо унинг бу иши жуда катта хатолик бўлиб, мазкур давлатни келгусида мўғуллар ҳужумидан сақлаб қола олмади.

Энг асосийси эса, шу пайтда мўғулларнинг қайта ҳужум бошлаши Жалолиддинни янада оғир аҳволга солиб қўйди. Чунки Мангуберди мўғулларга қарши курашда кучли иттифоқчилар зарур эди. Аммо у ёрдам кутган ёки келгусида иттифоқ тузиш

ни мўлжаллаган ҳукмдорлар бу пайтда мўғулларга қарши Жалолиддин билан курашиш ўрнига худуд талашиб, ўзаро урушларга киришиб кетган эдилар.

Шу билан бирга, мўғулларнинг бу пайтда Жалолиддинга ҳужум қилиш режаси ҳам йўқ эди. Чунки Чингизхон ўлимидан кейин тахтга чиққан улуг ҳокон Ҳтоёйнинг буйруғига кўра, барча асосий қўшинлар Хитойни бўйсундиришга жалб қилинган ва Хитой бўйсундирилгандан кейингина барча йўналишларда асосий ҳужумга ўтишга қарор қилинган эди.

Буни мўғулларнинг «Сирли та-



рих»даги маълумотлар ҳамда мўғуллар тарихи билан шугулланувчи тадқиқотчилар фикрлари ҳам тасдиқлайди.

### «Жалолиддин заифлашган, ҳозир ҳужум қилиш керак!»

Худди ўша пайтда Жалолиддиннинг яна бир асосий душмани исмоилийлар ҳам фитна ҳозирлашаётган эдилар. Яъни улар Жалолиддиннинг Арзинжондаги мағлубиятидан кейин, дарҳол мўғулларга мактублар юборишади ва Жалолиддин жуда заифлашиб қолганигини, айна пайтда унинг устига юриш учун жуда қулай вазият юзага келганини таъкидлаб, унга қарши юриш қилишга шопиришади. Исмоилийларнинг Жалолиддинга қарши ҳақиқатан ҳам, мўғулларга мактублар юборгани кўплаб ёзма манбалардан аён.

Насавий ҳам мўғуллар ҳужуми арафасида, айнан исмоилийларга элчи қилиб юборилган бўлиб, унга нима учун улар мўғулларга номалар юборишганининг сабабини тушунтириб беришлари лозим эди.

Мактублардан сўнг мўғуллар дарҳол ҳужумга ўтадилар. Жалолиддин мўғуллар ҳужум қилгандан кейин атрофдаги ҳукмдорларнинг ҳаммасига ёрдам сўраб элчилар ва улар орқали номалар юборди. Лекин бу элчиликлар ҳамда номалардан бирорта ҳукмдор ҳулоса чиқармади, уларнинг ҳеч бири ёрдам бермади. Ушбу ҳукмдорлар Жалолиддинга ёрдам бериш ўрнига ўзаро курашларга кириб кетишди ва катта хатоларга йўл қўйишди. Яъни сал кейинроқ мўғуллар мазкур худудларни бўйсундиридилар. Бўйсунмаганларни талон-торож қилиб бемисл талафот етказдилар. Энг ёмони — уларнинг бу хатолари Жалолиддин Мангубердининг заифлашиб қолишига ва мўғуллардан енгиллиб, кейинчалик фожиали ўлимига сабаб бўлди.

### Утурхоннинг режаси қандай эди?

Мангубердининг ўлимига сабаб бўлган иккинчи кичик воқеани таҳлил қиладиган бўлсак, Насавий бу воқеанинг тўлиқ тафсилотини келтириш билан бирга, аслида, Жалолиддиннинг ўлими амакиси Утурхон томонидан уюштирилган фитна натижаси бўлганлигига шайма қилади.

Мазкур воқеалар тафсилоти куйидагича бўлган: 1231 йил 17 августда Амид шаҳри ёнида Жалолиддинга мўғуллар ҳужум қилади ва уни ўраб олди. Султон бу ердан Урхоннинг ёрдамида қочиб қутулишга муваффақ бўлди. Яъни у Утурхоннинг «маслаҳати»га кўра, Урхонга мўғулларни қалғитиш ва ўзидан узоклаштириш

учун бошқа йўлдан қочишни буюрди. Бу ҳийла амалга ошди. Аммо Насавийнинг ёзишича, бу Жалолиддиннинг катта хатоси бўлди. Чунки кўп ўтмай Урхонга катта қўшин келиб қўшилди ва Урхон тиррик қолиб то асир тушгунча Исфаҳонда ҳукмронлик қилган бўлса, 1242 йилгача Форсда асирликда сақланиб, шу йилда вафот этди. Шунинг учун агар султон у билан қочганида балки тирик қолиши ҳам мумкин эди. Утурхон эса султонга мўғуллар таъкиб этиб келган йўлдан орқага қайтиш хавфсиз деб ишонтириб, аксинча, уни ўлимга бошлаб борди.

Яна бир бора таъкидлашимизки, Насавийнинг фикрича, султоннинг ўлими ҳар жиҳатдан Утурхон ишлаб чиққан режа асосида амалга ошган. Унинг бу сўзида ҳақиқат борки, тезда Утурхон Жалолиддинни ташлаб, Майафорикан ҳукмдори Ал-Малик ал-Музаффар Шихобиддин Ғозий хазурига қочиб кетади. Чунки Утурхон Жалолиддиндан яширинча у билан ҳамкорлик қилишга келишган эди.

Жалолиддин эса мўғуллардан қочиб, Амид тоғларига қичиб кетаркан, йўлда қурд қароқчиларига дуч келади ва улардан бири томонидан ўлдирилади.

Бу воқеаларни таҳлил қилар эканмиз, Жалолиддиннинг ўлимига асосий сабаби Утурхон бўлиб, у ишлаб чиққан режа асосида Мангуберди қўшинидан ажратилиб, деярли ёлғизлиниб қолишга олиб келинар ва кейинчалик қай ҳолатда бўлса ҳам ўлим толарди. Эҳтимол, ўша курлга Жалолиддинни ўлдиршни ҳам Утурхон буюрган бўлиши мумкин.

Кейинчалик айнан Утурхон Майафорикан амири Шихобиддин Ғозий олдига келиб, Жалолиддиннинг жасадини олмақчи эканини айтади. Шу ўринда яна савол туғилади. Нера Урхон, Темур Малик, Сарихон ёки Жалолиддиннинг бошқа тирик қолган машҳур амирларидан бири эмас, айнан Утурхон келган? Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, у Шихобиддин Ғозий билан иттифоқ тузиб, Жалолиддин Мангуберди ўрнига ҳокимиятга келмоқчи ёки ўзи мустақил давлат тузмоқчи бўлган эди. Аммо бу разил режаси амалга ошмади ва у ўзининг хиёнатига яраша жазо олади. Чунки ўз соҳибига садоқатли бўлмаган одамдан қандай садоқат қуттиш мумкин қабилади иш тууган Шихобиддин Ғозий Утурхонни асир олдириб, қамаб қўйди. Утурхон бу ерда кўп вақт қамокда ётган ва кейинчалик Мисрда ҳалок бўлган.

Шундай қилиб, Жалолиддин Мангуберди ҳаёти 1231 йил 23 августда фожиали якун топди. У вафот қилганида ҳали навқирон 33 ёшда эди.

**Қудрат МАШАРИПОВ,**  
Урганч давлат  
университети тарих  
кафедраси доценти.

## ПИЛЛАЧИЛИК

ТУТЗОРЛАР АҲОЛИГА БЎЛИБ  
БЕРИЛАДИМИ?

**?** — Яқинда юртимизда тиллачилик тармогини ривожлантириш учун тутзор ташкил қиладиганларга давлат томонидан маблағлар ажратилиши ва эски тутзорлар аҳолига бўлиб берилиши тўғрисида қарор қабул қилинибди. Шу ҳақида маълумот берсангиз.

**Азизбек ПЎЛАТОВ.**  
Олтинчи тумани.

Дилшод ИСТАМОВ,

«Ўзбекинаксаноат» уюшмаси матбуот хизмати раҳбари:

— Дарҳақиқат, жорий йилнинг 17 январь куни Вазирлар Маҳкамаси «Пиллачилик тармоғида ипак кўрти озунка базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни қабул қилди. Унга кўра, жорий йил 1 февралдан бошлаб, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига тутзорларнинг томчилаб сўғориш тизимини яратиш учун янгидан ташкил этилган тутзорларнинг ҳар бир гектарыга саккиз миллион сўмгача, майдони 35 гектардан зиёд тутзорларга сув чиқариш учун бургуланган қудуқни, дарё, канал ва бошқа сув хавзаларидан сув чиқариш учун насос станцияларини ташкил этиш учун 120 миллион сўмгача субсидия маблағлари ажратилиш белгиланган бўлиб кўрсатилган.

Бундан ташқари, республикамизнинг кўплаб худудларида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекинаксаноат» уюшмаси, ҳудудий «Агропилла» масъулияги чекланган жамиятларига тегишли тутзорларни аҳолига синов тариқасида пудрат шартномаси асосида бир гектардан тақсимлаб бериш кўзда тутилмоқда. Жумладан, сиз истикомат қиладиган Олтинчи туманида 29 гектар ер майдони тутзор ташкил қилиш учун аҳолига тақсимлаб берилди.

Имтиёзларнинг қиритилиши оқибатида юртимизда жорий йил охиригача камида 5 минг гектар қўшимча тутзорлар ташкил қилиниши кўзда тутилган.

## ХАРБІЙ ХИЗМАТ

ҚИЗЛАР МИЛЛИЙ ГВАРДИЯДА  
ХИЗМАТ ҚИЛА ОЛАДИМИ?

**?** — Мамакатимиз «Миллий гвардияси» сафида хизмат қилиш ниятидаман. Қизлар ҳам мазкур тизимда шартнома асосида хизмат қила оладими?

**Нодирабегим РАҲМОНОВА.**  
Анджон шаҳри.

Илс ВАЛИХОНОВ,

Миллий гвардия кадрлар бошқармаси бошлиғи:

— 2020 йил 13 январда мамакатимиз Адлия вазирлиги томонидан Миллий гвардия қўмондонининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига контракт бўйича харбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи рўйхатга олинди. Унга кўра, Миллий гвардия сафларида хизмат қилиш учун саралашда ўрта ёки ўрта махсус (касб-хунар) ёхуд олий маълумотга эга бўлган фуқаролар иштирок этишлари мумкин. Номзоднинг ёш чегараси ўн саккиз ёшдан ўттиз ёшгача деб белгиланди. Бунда, эркак жинсидаги номзод Ўзбекистон Республикаси Қуролини Кучлари сафида муддатли харбий хизматни ўтаган (ўтаётган) ёки сафарбарлик чакириву резервиди харбий хизматни ўтаган ёхуд олий таълим муассасалари харбий тайёргарлик курсларида ўқишни тугатган бўлиши, шунингдек, харбий рўйхатга турган бўлиши керак.

Контракт бўйича харбий хизматга қабул қилишда номзод бўйининг балеандлиги (эркак жинсидаги номзодлар учун) Фахрий қоровул отлич аскарлар эскадрони — 175 сантиметрдан паст бўлмаслиги, бошқа барча бўлинмаларга — 185 сантиметрдан паст бўлмаслиги керак. Низомга асосан, аёллар ҳам контракт асосида гвардия сафларида хизмат ўтай оладилар. Бунда уларнинг бўйи 170 сантиметрдан паст бўлмаслиги лозим.

Шунингдек, мукаддам контракт бўйича харбий хизматни ўтаган кирк ёшгача бўлган шахслар, шунингдек, резервадаги ва захираладаги кирк ёшгача бўлган офицерлар ҳам Миллий гвардия сафига контракт асосида хизматга қабул қилиниши мумкин.

## ИЖТИМОЙ ҲАЁТ

## ОБОДЛИК — БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

**?**

— Билишимча, кўчаларни тозалаш, обод қилиш маҳаллий ободонлаштириш бошқармаларининг вазифаси ҳисобланади. Аммо маҳалламиз раиси ҳовлим олдидаги бетон ариқ ва унга туташ ерни обод сақлаш фуқаролик бурчимга киришини айтиб, изза қилди. Аслида қонунда бу ҳудудни ободонлаштириш кимнинг вазифаси ҳисобланади? Ободонлаштириш ташкилотлари ходимлари қанча маош олади?

**Левон АВАНЕСЯН.**  
Олмалик шаҳри.

**Бехзод ҚОБИЛОВ,**  
Тошкент вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари:

— Яшаш жойи агрофони ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ҳар бир фуқаронинг виждоний бурчи ҳисобланади.



## ТАЪЛИМ

## АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН ДИАГНОСТИК ТЕСТ СИНОВЛАРИ НИМА?

**?**

— Жорий йилдан давлат тест маркази абитуриентлар учун диагностика тест синовларини ўтказиши тўғрисида эшитдик. Бу нима дегани?

**Нодир КАРИМОВ.**  
Самарқанд шаҳри.

**Орзикул БОБОЕВ,**  
Давлат тест маркази матбуот хизмати раҳбари:

— Дарҳақиқат, жорий йил Давлат тест маркази томонидан 2020–2021 ўқув йили учун олий таълим муассасаларида кириш тест синовлари форматидидаги диагностика тест синовлари йўлга қўйилди. Бу орқали абитуриентлар нафақат ўз билимла-

рини синайди, балки янги жорий этилаётган тест материаллари (тест топириклари китоби ва жавоблар варақаси) билан ишлаш кўникмасига эга бўлиши режалаштирилган. Диагностика тест синовлари Тошкент шаҳрида 24 январдан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларида 29 январдан бошланади. Тест синовида иштирок этиш истигани билдир-

ган талаборлар марказимиз сайти орқали рўйхатдан ўтишлари ва керакли маълумотларни киритган ҳолда тест вариантларига буюртма беришлари мумкин. Буюртма беришда талаборлар томонидан қайси фанлардан тест топирилиши (мутакассислик фанлари сифатида 2 та фан), тест топирилиши тили, тест топирилиш ҳудуди ва вақти (1-смена 09:00, 2-смена 14:00) кўрсатиши керак. Тест синовлари Андижон, Наманган ва Навоий вилоятларида 1 сенада, қолган барча худудларда 2 сенада ташкил этилади.

## ХУҚУК

ФУҚАРОНИНГ ФОТОТАСВИРИДАН УНИНГ РУХСАТИСИЗ  
ФОЙДАЛАНИШ МУМКИНИ?

**?**

— Кейинки пайтларда фуқароларнинг турли шартномалардаги суратларини интернет тармоқлари орқали тарқатиши, баъзи ҳолатларда шу орқали «шантэж» қилиш ҳолатлари тўғрисида кўп эшитилган. Бундай ҳолат учун қонунда жазо борми?

**Элбек ОРТИҚОВ.**  
Наманган вилояти.

**Севара ЎРИНБОЕВА,**  
Адлия вазирлиги ахборот хизмати бошлиғи:

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 99-моддасига асосан, шахнинг тасвирга бўлган ҳуқуқи ажралмас ва дахлсиздир. Тасвирга бўлган ҳуқуқи бузилган деб ҳисобланган шахс Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган тартибда судга даъво аризаси билан мурожаат қилиши мумкин. Бирок миллий қонунчиликда фуқаронинг тасвирга бўлган ҳуқуқи дахлсизлиги чегаралари

аниқ белгиланмаган. Хусусан, фуқарони оммавий тадбирларда иштирок этиш пайтида ёки жамоат жойларида тасвирга тушириш ҳамда ушбу тасвирдан фойдаланиш учун ушбу фуқаронинг розилиги талаб қилиниши ёки талаб қилинмаслиги масаласи қонунчиликда назарда тутилмаган. Бу эса, ўз навбатида, ахборот тарқатишнинг осон ва тезкор усуллари мавжуд бўлган ҳозирги даврда жамиятда, шу жумладан, Интернет тармоғида, фуқаролар ўртасида айрим низо ва тушунмовчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Адлия вазирлиги томонидан ушбу масала бўйича хорижий давлатлар қонунчилиги ўрганилганда, баъзи давлатларда шахсни тасвирга тушириш учун, албатта, ушбу шахннинг розилиги олиниши шарт экани маълум бўлди. Хусусан, Швейцарияда шахннинг ташқи кўринишини ҳар қандай ҳолатда ва жойларда расмга олиш унинг ҳуқуқлари бузилиши ҳисоблангани ойдинланди. Ўрганиш натижаларига асосан, мазкур масаланинг бутунги қунда долзарблиги инобата олинган ҳолда вазирлик томонидан миллий қонунчиликка шахннинг тасвирга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш механизмининг аниқ белгиловчи нормани киритиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

